

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАНИНИ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИ

ТОШКЕНТ – 2006 йил.

## КИРИШ СЎЗИ:

Муҳандиским, бир қаср обод қилди,  
Бу янғлиғ тарихни бунёд қилди.

(А.Навоий)

Тарих хотираси халқнинг, жонажон ўлкамизнинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни янгилашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда. Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган.

Имом ат Термизий, Имом ал Бухорий, Ҳожа Баҳовуддин Нақшбандий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизнинг ривожланишига улкан хисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк хиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум. Маданият ва санъат, унинг ривожланиш жараёни тарихини билиш ўқиш ва ўрганиш – бу бизнинг келажак дунёвий тафаккуримизнинг қай даражада бўлишлигини белгилаб беради.

Шу ўринда авлоддан –авлодга афсона сифатида ўтиб келаётган бир ҳақиқатни киритиб кетсак зарар қилмаймиз.

- Эмишки ислом динининг асосчиси пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) кўчада кетаётса бир бекорчи йигитга дуч келади. У йигит ҳам пайғамбаримизни кўриб даров салом берибди. Пайғамбаримиз эса у йигитни саломига – алик олмабди ва йўлида давом этиб кетаверибди. Бу ҳол эртаси куни ҳам такрорланибди. Учунчи куни пайғамбаримиз ўша йигитни яна кўриб қолибди. У йигит эса пайғамбаримизни келаётганини сезмасдан ерга нималарнидир тасвирлаб, чизиб ўтирган экан. Бу ҳолни кўрган пайғамбаримиз йигитни ёнига келиб салом берибди. Бундай ҳолатдан ҳайрон қолган йигит – пайғамбардан сўрабди.
- Эй Муҳаммад, сен менга тушунтириб бергин-чи, нима учун мен икки кундан буён сенга салом берсам - алик олмайсан.

Бугун сен ўзинг келиб менга салом бермоқдасан? – дебди.

Шунда Муҳаммад (САВ) айтибди – саволинг тўғри, икки бор салом бердинг, мен алик олмадим, сабаби сен бекорчи эдинг. Бугун эса ўзим келиб салом бердим, чунки сен меҳнат қилаяпсан. Бу ҳолат менга ёқди – дебдилар. Қиссадан ҳисса шулки, сиз-у биз, яъни илм аҳлнинг асосий ишимиз- билим

олиш, илми бўлиш, ақлий меҳнат билан шуғулланиш экан. Ҳар бир талаба, ҳар бир бўлажак ўқитувчи ўз устида жуда кўп тинмай шуғулланиши лозим. Шундай экан тасвирий санъат инсонни ҳар томонлама камол топишида жаҳон педагогикасининг энг муҳим ва ажралмас бўлими бўлиб қолаверади. Инсоннинг атроф - муҳит, табиатни тушунишда маънавий ўзлигини англашда бу фан илми асосий манба бўла олади.

Бу фандан хабардор инсон характерида инсонпарварлик, олийжаноблик, кишиларга нисбатан меҳр-мурувват каби хусусиятлар устунроқ шаклланади.

Ҳаётдаги камчиликлар, зиддиятларни бартараф этишда, замонавий шароитни ҳисобга олган ҳолда, ўқувчиларда аниқ ахлоқий тарбия критерияларини, ишлаб чиқиш ва уларни жалб этиш қоидаларини такомиллаштириш керак.

Эстетик ва бадий фанлараро алоқаларнинг ҳаётий мураккаблиги ҳамда ҳаётий яшаш йўлини фикрлаб кўра била оладиган ўқувчиларни тарбиялаш, амалий иш жараёнида билим беришни қайта қуриш тубдан кўриб чиқишни талаб этади.

- Ахлоқий маданиятни юқори даражада шакллантириш учун ижодий тасаввурни такомиллаштириш лозим бўлади. Ижодий кенгқамровли тасаввур қила олиш қобилиятига эга болаларга тасвирий санъат алифбосига тўғри йўналтиришни йўлга қўйиш керак.

- Тасвирий санъат инсон ҳаётида, унинг ахлоқий тарбиясига таъсир этувчи муҳим омиллардан биридир. Инсоннинг ҳис қилиш, санъат объектидан ҳиссий лаззатланиш хусусиятларини шакллантиришда – санъатнинг йўналтирувчи асосий кучини кўрамиз.

В.А.Сухомлинский – болалар тарбияси тўғрисида жуда кўп фойдали фикрлар бериб кетган. Болаларни ҳиссий тарбиялаш эстетик-ахлоқий маданиятли этиб тарбиялаш гўзалликни сеза олиш, қабул қилиш билишни шакллантириш керак.

Жисмоний ва илоҳий гўзалликни ҳис қилиш тасаввур қилиш ҳақида ҳам ўйлаб кўрилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қилган ишидан завқланиш, санъатни тушуниш ва ҳис қилиш, ҳамда болаларни санъат асарларини севишга ўргатиш, табиатни муҳофаза қилиш табиатдан завқ олиш каби ҳислатларни такомиллаштириш лозим.

Ҳар бир одам гўзалликни кўра билиш, ҳис қилиши, завқлана олиши маънавий тарбиянинг асосидир.

Инсоннинг интилиши унинг дунёқарашини шакллантиради.

Маънавий тарбияда тасвирий санъатнинг тутган ролини ҳеч бир нарса билан алмаштириб бўлмайди. Тушуниб етиш, ҳис қилиш орқали турли хил образларни яратамизки бу сиймолар инсон юрагига дилига йўл топади. Ақлини таажжубга солади.

Бадий диднинг ўсиши, маънавий қониқиш ҳосил қилишга, инсон дунёқарашининг шаклланишига шароит яратади. Ижтимоий кўтаринкилик, шахснинг маънавий-маърифий билимини, ҳаётда тутган ўрнини белгилаб

беради.

Санъат асарларини чуқур тушуниш, фикрлаш ундан қониқиш ҳосил қилиш – инсоннинг фикрий доирасига дидига боғлиқ.

Ибтидоий жамоа тузумидан бошлаб одам ўзининг мустақил фикрлаши, идрок қилиши, табиат ходисаларидан ўз манфати йўлида фойдалана билиши орқали инсон қифасини эгаллайди.

Ҳозирги кунда ҳам инсон дунёни чуқур билмай туриб табиатдаги бирон бир воқеани ёки ҳодисани тўғри талқин қила олмаслиги бор гап. Демак инсонга чуқур дунёвий билимлар доимо ва ҳар лаҳза зарурдир.

Ижтимоий юксалиш учун одам зотига ҳамиша жуда катта билим, куч-қувват керак бўлса, гўзалликни тушуниш учун идрокий тасаввур лозим бўлади.

Инсон доимо юқори даражадаги тушунча ва дидга эга бўлмоғи ҳамда болани шундай йўналишда тарбияламоғи шарт. Бу эса одамнинг энг юқори ютуқларидан биридир.

Келинг, тасвирий санъат фани педагогикаси масалаларига яқинроқ қайтайлик.

- Тасвирий санъат асари муаллифи муҳитни, орзу қилган образни яратиш, гўзалликни пайдо қилиш учун уни аввал тасаввур этмоғи ва сўнг тасвирламоғи лозим. Ўз устида тинимсиз меҳнат қилган мусаввиргина ўзи орзу қилган кўникмани шакллантира олади.

Бола билиш орқали ҳар томонлама ривожланади, олам бутунлигини тушуниб етади. Гўзалликни севиш, уни ҳис қилиш даражасига эришади.

- Гўзаллик нима?

Инсоннинг ҳаётий турмуш тарзида, ахлоқий ва ижтимоий ҳаётида, маънавий чехрасининг табиий шаклланишида акс этадиган ҳолатлар тизимида – маънавий тарбиянинг асосий категориялари сифатида акс этади. Гўзалликни кўра билиш, ҳис қилиш, дид билан баҳо бериш - ҳиссий кўникма ҳосил қилишга олиб келади.

Нарсаларнинг бир-бирига боғлиқлиги, овозларнинг табиат билан уйғунлашиб кетиши, рангларни ўзаро узвий оҳангдорлиги – гўзаллик негизидир. Инсон ички дунёсининг мукамаллиги дидининг юксаклиги – шахсни ҳиссий гўзалликка интилувчан этиб тарбиялайди.

Ўзаро мулоқатда ҳам одамларнинг маънавий етуклиги, фаоллиги туфайли – инсон ижтимоий ҳаётнинг яратувчиси дейишимизга асос бўлади.

Санъатда – гўзалликнинг рўйи-рост барқ уриши унинг акс этиши инсоннинг яратувчанлигига боғлиқ.

Гўзаллик ўқувчилар шахсининг – шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнайди.

Бадий кўникма билиш билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Бадий бойликни тушуниш турли тасодифлар туфайли турли йўсинда ўсади.

Бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланади.

- Ҳаёт эса бир-бирига таъсир этувчи кучлар орқали давом этади ва юксалади.

Гўзаллик – инсонни ҳиссий жунбушга келтирса атроф муҳитга бўлган иштиёқини оширса табиий воқеаларни таҳлил қилишга ундаса демак гўзалликни ўзининг сирли кучи билан инсон руҳига таъсир кўрсатмоқда деб тушуниш керак.

Шу куч гўзалликни ҳис этиб-янада гўзалроқ санъат асарини яратишга илхомлантиради.

- Бола кўрганини қилади деган халқимизда мақол бор – демак бола оилада мактабда маънавий тарбиянинг асосини оладиким – бу таълим умрининг охирига қадар таъсир этиш мумкин. Маънавий тарбия асоси эса гўзалликни, атроф-муҳитни севишга ўргатади. Яратувчанлик қобилятини шакллантиради.

Бадий асарларни севиш, тушуниш, авайлаб – асраш ижодиётга интилиш каби ҳислатларнинг дебочасига асос солинади.

Маънавий тарбия – бу ҳиссий дид ва ақлий кўникма ҳосилдир.

Эстетика – гўзаллик манбаидир, тўғри тушуниш, тўғри хурсанд бўлиш, санъатнинг ҳаётдаги ўрнини кўра билишдир – деган Аристотель. Маънавий дид - инсонда гўзалликни ҳис қилиш, сезиш қобилятининг негизидир.

Шахснинг ахлоқий тарбияси – маънавий тарбия билан узвий боғлиқдир. Инсонда мудраб ётган ҳиссиётни уйғотиш – маънавиятнинг асосидир. Бутун иш фаолияти даврида тўғри мўлжалда иш олиб бориш – гўзалликни ҳис қилиш манбаи ҳисобланади.

Ташаббускорлик ҳаётда ўзига ишонч, ҳаётга бўлган муҳаббат, олам гўзаллигини ҳис қилиш, ҳақиқатни ёлғондан фарқ қила олиш, гўзалликни хунукликдан фарқлай олишлик каби ҳислатларнинг такомиллашувида санъат асарларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

-Инсон битта нон, сув билан тирик эмас балки унинг ҳаётда баркамол яшаши учун маънавий бойлиги, дунёқараши, диди ҳам зарурдир.

Инсон ҳаётда бахтли яшаш учун майда-чуйда нарсаларнинг бўлиши етарли эмас. Ҳаётда ҳар бир нарсани ўз ўрни бор.

Ижтимоий ҳаётдаги сабоқлар шу нарсани кўрсатадики маънавий тарбиядаги эҳтиётсизлик мактаб парталаридан ҳиссий бўш, маънавий ноетук, гўзалликни кўра олмайдиган, ҳиссиётсиз, дидсиз шахсларни шаклланиб қолишига сабаб бўлади. Ақлан - заиф, қаҳри - қаттиқ, атроф- муҳитга бепарво, ота-онасига бемехр, қаллоб, шафқатсиз, ўз шахсидан бошқа шахсларни паст кўрадиган, турли оқим ва ақидаларга ишонувчан, динга кўр-кўрона ишонувчан –манқуртлар етишиб чиқишига ёрдам беради.

Улар шиддатли ҳаёт оқимига тайёр эмас, ўз манфатини кўзлавчилар бўлиб қоладилар. Уларни санъатга, гўзалликка йўналтириш бу жамиятимизнинг келажаги ишончли қўлларга ўтиши учун асосий кўприк вазифасини ўтайди. Бу ўринда тасвирий санъат ўқитувчисининг ҳиссаси беқиёсдир.

Гўзаллик бу – такрори йўқ гавҳардир.

Уни кўра билишнинг илк ғунчаси –санъатдир.

- табиат гўзалликни яратувчи боғбон.

- умумбаширият гўзаллик ила тирик ва тўла-тўкис ҳамоҳанг яшайди
- Гўзаллик доимо кўз олдимизда, уни биз ҳар лаҳзада кўришимиз ҳис қилишимиз мумкин лекин бу ҳолатни ҳис қилиб сезиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Оламда хуник нарсанинг ўзи йўқ, ҳамма нарса чиройлидир. Уни қандай қабул кўра олишга боғлиқдир.

- Чиройни, гўзалликни кўра билишлик, қалбдан сезиш, завқланиш, лаззатланиш – бу маънавий дидимизга, ахлоқий дунёқарашимизга боғлиқ.

Рассом одамни, ҳайвонат оламини тасвирлар экан унинг тузилишини ҳамда тасвирлаш методикасини мукаммал билмоғи лозим.

Методика сўзи грекча бўлиб, "тадқиқот" йўли билиш, усул маъноларини беради. Педагогикада ўқитиш методлари деганда, талабаларни билим, маҳорат ва малакаларини оширишда ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ва дунёвий билимларни чуқур эгаллашида ўқитувчиларнинг қўллаган иш методлари - усуллари тушунилади.

Олий таълим муассасаларида таълимнинг турли усуллари қўлланилади. Масалан: ўқув, ўқув тури, режасини дастури ва таълим принциплари, ўқув тарбиявий ишларнинг мақсад ва вазифалари муҳим аҳамиятга эгадир.

## I БЎЛИМ

Мавзу: Тасвирий санъат ўқитиш методикаси курсининг мақсад ва вазифалари.

Республикамизда рўй бераётган ўзгаришлар барча соҳалардаги каби бўлажак тасвирий санъат педагогларининг зиммасига ҳам ўта маъсулиятли вазифаларни юклайди. Дарҳақиқат халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб халқаро миқёсида тўла ўзлигини намойиш қилди.

Тасвирий санъат , яъни маънавият ўқитувчиси бошқа фанлар ўқитувчилари каби биринчи галда энг юксак фазилатли, ахлоқий пок, иймон ва эътиқодли, ҳалол ва софдил, талабаларга, ўсмир ва ёшларга нисбатан ўта меҳрибон, ўта талабчан ва ўзбек халқининг урф-одатларини, анъаналарини мукаммал биладиган ва ҳурматини жойига қўядиган бўлиши керак.

Ўқитувчининг касбий хусусиятлари борасида тўхталганда шуни таъкидлаш лозимки, у энг аввало ўз касбининг жонкуяри, уни дилдан севадиган, ўз ишига ижодий ва илмий ёндошадиган шахс бўлмоғи таълаб этилади. Бу шахсда янги билимлар ва илғор тажрибаларига чанқоқлик, муҳими унда ташкилотчилик, кузатувчанлик, қатъийлик ва инсонийлик хусусиятлари яққол сезилиб турсин. Ўқитувчи тасвирий санъатдан махсус билим ва малакалар билан қуролланмасдан туриб муаллимликни бажара олмайди ёки ўқувчи ёшларга табиат гўзаллигини, она Ватанимизнинг тарихини, миллий меросимизнинг тарихини таърифлаб бера олмайди, ҳамда ўз касбига қизиқтира олмайди.

Бугунги талаба, бўлажак педагог, ўзбек халқининг ҳамда ўтмиши бор бўлган Марказий Осиё халқларнинг амалий ва тасвирий санъат борасидаги ноёб намуналарини ўзлаштирган бўлиши ва тўлалигича ўқувчи ёшларга улашмоғи айни давр талабидир. Шу сабабли бўлажак рассом-педагогларга қуйидаги талаблар юкланади :

-Ўзлари таълим бериши лозим бўлган ўсмир ва ёшларга санъат сирларини, маданий мерос намуналарини ҳар томонлама ўргатиш;

-Айни янгиланиш, ривожланиш даврида ёш авлодни билимдон, яратувчан, юксак маданиятли ва мустақил мамлакат тақдири учун маъсул шахслар қилиб тарбиялаш;

-Улуғвор бунёдкорлик ишида малакали, ғайратли ўқитувчилар ёшлар пешқадамлик қилмоқлари учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш ;

-Талабаларни тасвирий санъат йўналиши буйича ижодкорликка етаклаш, лаёқат сезилганда эса астойдил ўргатиш учун махсус мактаб ёки тўғарақларга жалб этиш :

-Ўқувчи ва ёшларга нафис санъат сирларини ўргатиш борасида ўз устида доимо изланиш, талабалар фаолиятини ривожлантириб, тўғри ва асосли шакллантириш учун педагогик қоидалар асосида тажрибалар олиб бориш :

- Турли давр, турли халқларга мансуб тасвирий санъат асарларини мушоҳада қила олмоғи ва уни тушуниш сирларини ёшларга улашиш

услугларига эга бўлиш:

- Тасвирий санъат инсонни шакллантиришдаги муҳим ва ишончли воситалардандир, бундай имкониятни ҳар бир машғулотда қўллаш учун янгича услуб ва мумкин бўлган усуллари ишга солиш ҳамда амалда қўллай олиш маҳоратини ўргатиш :

- Замон талаби билан дарс ва машғулотларни ноанъанавий дарс режалари билан ўтказиш :

- Жаҳон андозаларига хос янги технологияларини ўрганиб, дарсда қўллай олиш маҳоратини эгаллаши керак.

Юқорида зикр этилган талабларни ўзида мужассам этган ҳар қандай талабага келажак авлодимизни ишониб топширсак бўлади.

Тасвирий санъат муаллими – илмий изланувчан ижодкор. Рассом ўқитувчилар қаерда, қандай ўқув масканида таълим жараёнини олиб боришдан қатъий назар педагогик фаолияти ижодий изланишлар билан бойитиб борса, шундагина яхши шогирдлар, ҳақиқий рассомларни шакллантириш имкониятига эга бўлади.

Тасвирий ва амалий санъат ўқитувчисининг ўз соҳасидаги саводхонлиги етарли даражада бўлсагина ўқувчилар билан ёнма-ён ўтириб ўзлари амалий намуна кўрсата оладилар. Ўшандагина ўқувчилар ўз кўзлари билан мураббий рассомнинг эгаллаган маҳорат сирларини амалий ишларида кўриб руҳан ҳис қилади ҳамда санъатнинг нозик сирларини тушуниб етишишига имкониятлари кенгаяди.

Тасвирий санъат машғулотлари ҳар томонлама ривожланган инсоннинг тарбиялаши учун бой имкониятлар очиб беради. Тасвирий санъат билан шуғулланиш болаларнинг ақлий ва эстетик жиҳатдан ривожлантиради, атроф дунёни тушунишига кўмаклашади, буюмларни эътибор билан кузатишга, уларнинг шаклини таҳлил қилишга ўргатади. Тасвирий санъатдан саводни чиқармасдан туриб, киши санъатни тушуниши ҳам, қадрлаши ҳам, ундан ҳузур қилиши ҳам била олмайди. Болалар тарбиясида замондошларимиз меҳнатини гўзаллигини кўрсатишга, мустақил давлат тараққиёти ютуқларини ўрганиш алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ўқувчиларнинг ижодий активлигини оширишга уларнинг кучини, маънавий қувватини янги ҳаёт қуриш учун курашга сафарбар этишга кўмаклашади.

Эстетик тарбия – бу ўқувчиларда ҳаётдаги, табиатдаги, санъатдаги, фан ва жамиятдаги гўзалликларни тўла-тўқис қабул қилиш қобилиятини тарбиялашдир. Ҳаётдаги гўзал нарсалар, ақл, рух, иродага таъсир қилиб, инсоннинг руҳий оламини бойитади.

Эстетик тарбия ўз ичига бадиий, мафкуравий, маънавий ҳамда ахлоқий тарбияни олади.

Эстетик тарбия жараёнида кишининг қарашлари, ҳиссиётлари, диди ҳамда идеаллари шаклланади : бу шаклланиш мафкуравий тарбия, ижодий фикрнинг ривожланиши билан мустаҳкам боғлангандир. Эстетик тарбия кишини олижаноб, гўзал ҳамда инсонпарварлик ҳаракатларига мойил қилади.

Бугунги кунда маданий ва маънавий тарбия ўз олдига инсонда мавжуд воқеликни ижодий ўзлаштириш қобилиятига эҳтиёжини яратишдан ташқари, балки унда гўзаллик қонунига асосан қайта қуриш эҳтиёжини ҳам тарбиялашга қаратилган. Касб ҳунар коллежлари лицейларнинг вазифаси эстетик тарбиянинг турли методлари ёрдамида боланинг ақл ва вужудига таъсир ўтказиб, унда эстетик ҳиссиётларини пайдо қилиш орқали уни гўзалликка, табиат кўринишларига яқинлаштириш, шунингдек боланинг ижодий имкониятларини, фикрий фаолиятини ривожлантириб, инсон фаолиятининг турли соҳаларида намоён бўлишига кўмаклашишдан иборатдир.

Физика – математика фанлари доктори, профессор А.А.Китайгородский, шундай ёзади: Турли- туман кўринишларга эга бўлган гўзалликни тушуниш ва севиш инсоннинг маънавий бойиши учунгина эмас, балки унинг яхши ишлаши учун ҳам керакдир. Инсон қайси соҳада ишламасин, у адабиётчи ва математик, географ ёки химикми, у нафосат ва гўзалликларни кўра олиши ва тушуна олиши керак.

Ҳар бир ўқувчини ҳаётда, давлатимизнинг моддий ва маънавий ривожланишида фаол иштирок этадиган қилиб тайёрлаш учун унга фақат билим бериб тарбиялашгина камлик қилади, унинг шахсий қобилиятини ривожлантириш, янгилик яратишни ўргатиш, гўзаллик қонуни бўйича яшаш ва ижод қилишни шакллантириш лозим. Ҳаёт гўзаллигини кўришга интилиш инсонни олижаноб қилиб тарбиялайди, унинг кундалик ишини эстетик роҳат-фароғат манбаъига айлантиради.

Болалар кўнглида гўзаллик ва юксак ғоялар ҳиссини уйғотишга даъват этишда тасвирий санъат ўқитувчисининг ўрни ғоят каттадир. Болалар маънавий дидини ривожлантириш учун ўқитувчи, аввало, уларнинг эътиборини ҳаётдаги гўзалликка қаратишга, гўзалликни пайқаш, ҳис этиш, қабул этиш, ҳузурланиш, қувонишга ўргатиш керак. Дид инсоннинг туғма хусусияти эмас. У ривожлантирилади, мактабда уни такомиллашувига ёрдам берувчи биринчи инсон тасвирий санъат ўқитувчисидир.

Ўқитувчи болаларга табиатнинг ранг-баранг оламини, ранг-биранг шакллари кўрсатади. Табиат гўзаллиги, очик ҳавода ўтказилган кунлар ҳақида хотиралар, улар ҳаётда кўриб баҳри-дилларини очилган, тасвирлаш қийин бўлган гулзорларнинг ранглари - уларнинг кўнглини шодихондон этган, ҳаяжонлантирган нарсаларнинг хотираси узоқ вақтгача ўқувчи қалбида сақланиб қолади. Ўқувчилар натурадан манзара, дарахт шохлари, япроқлар, гулларнинг расмини чизар эканлар, уларнинг шакллари ўрганар эканлар, табиатга, унинг шакл ва ранглари нақадар бой ва турфалигига амин бўладилар, табиатдаги гўзалликка, воқеа-ҳодисаларга меҳр-муҳаббатлари оша боради. Мактабдаги расм дарслари туфайли киши дунёсини ҳарёқлама кўрадиган бўлади, уларнинг кузатувчанлиги ривожлантирилади, мантқий фикрлашга ўргатади, кўрган нарсани англаб етишга ўргатади.

Болалар тасвирий санъат дарсларида атрофларидаги яқин турган предметлар уларнинг шакли, ранги, ҳажми ва бошқа ўзига хос жиҳатларидаги

хилма-хиллик билан танишадилар. Бу танишув улардаги кўз хотирасини кучайтиради, буюмлар ҳақидаги аниқ ва тўла тасаввурлари пайдо бўлишига ёрдамлашади. Тасвир жараёни ўқувчига илгари қисқагина назар солиб ўтган буюмларни энди чуқурроқ ўрганишга имкон беради.

Ўқувчи расм чизаётган вақтида буюмнинг формаси, уларнинг шаклий қурилиши, пропорцияси, бўшлиқдаги ҳолати, ранги, унинг оч-тўқлиги, материалининг қандайлиги эътибор билан ўрганилади, шу билан уларни янада самаралироқ, кўп томонлама, теран ва аниқ хис этишга кўникиб боради.

Тасвир чизишга ўрганиш ўзаро боғлиқ бўлган икки масалани ҳал қилади: ўқувчининг кўриш қобилиятини ўстиради, ҳамда тасвирлаётган, кўраётган нарса ҳақидаги тасаввурини ошириб уни чуқурроқ англаб этишга ўргатади.

Ўқувчиларнинг кўриш қобилиятини ўстириш деганда биз улардаги бир мақсадга қаратиб йўналтирилган кузатишни тарбиялашни: буюм ва ходисаларини ўзаро таққослаш, ўхшашлик ва тафовутни аниқлаш, уларнинг шакл ва услубига қараб туркумлаштиришга ўргатишни тушунамиз. Тасвирий санъат машғулотларининг вазифаси жиддий эътибор билан қарашга, фикрлашга, буюмлар шаклини аниқ таҳлил қилишга ўргатишдан иборатдир. Ранг-баранг тассуротларини мулоҳаза қилиш, кузатишлардан умумлашмалар чиқариш ва тўғри хулосаларга келиш натижасида ўқувчиларнинг малака ва кўникмалари ривожланади, уларда янги билимлар эгаллашга интилиш уйғонади.

Ўқувчиларнинг онгли кўриш, эътиборини такомиллаштириб бориш натижасида диққат –эътиборнинг бошқа шакллари, яъни мактаб ёшдаги болалар учун зарур бўлган турларни ривожлантиришга ёрдамлашади. Чунки бу ёшдаги болаларда одатда уюшмаган, беқарор эътибор мавжуд бўлади.

#### МАВЗУ: ТАСВИРИЙ САНЪАТ МЕТОДИКАСИ ФАНИ, МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ.

Тасвирий ва амалий санъат фанлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашда "Тасвирий санъат ўқитиш методикаси" бадий графика факультетида ўрганиладиган асосий курслардин бири бўлиб, у бўлажак ўқитувчиларни амалий машғулотларда методик жиҳатдан тайёргарлигини такомиллаштиришнинг муҳим омилидир. Бу амалада машғулотлар II-IV босқич талабаларини бадий-касбий билимини, малака ва маҳоратини шакллантиришга ҳамда уларни мактаб ўқувчиларига бадий таълим-тарбия бериш жараёнида қўллашга ўргатишга қаратилган.

"Метод" сўзи грекча бўлиб, "Тадқиқот йўли" "билиш усули" маъносини англатади. Пелагогика ўқитиш методлари деганда, мактаб ўқувчиларнинг билим, маҳорат ва малакаларини эгаллашида, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ва дунёқарашини таркиб топдиришда ўқитувчиларнинг қўллаган иш усуллари тушунилади.

Методика таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлаш усулларининг мазмунининг хусусиятларига қараб чиқади. Маълумки,

мактабда ўқитишнинг хилма-хил методлари қўлланилади. Бу ерда таълим усули, ўқув материалларининг жойлашиши (ўқув, режа, дастур), таълим принциплари ва яна (сўнгида), ўқув тарбиявий ишларнинг умумий мақсад ва вазифалари энг муҳим аҳамиятга эгадир.

Методика сўзи аввало таълим ва тарбиянинг самарали усулларини мажмуи маъносини билдиради, мазкур методик қўлланма академик касб ҳунар лицей ва коллежларида тасвирий санъатни ўқитиш методикасининг бир қатор жиҳатлари кўриб чиқилади.

Тасвирий санъат ўқитиш методлари деганда ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлаш усуллари натижасида ўқув материалларини яхши билиб олиш даражасига эришиш ва ўзлаштириш даражасини оширилиши назарда тутилади. Ҳар бир ўқитиш методлари ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билимларининг мазмуни (ҳажми)га монанд тарзида таълим мақсадига, ўқувчиларнинг ёш ва физиологик хусусиятларига боғлиқ. "Усул" ибораси педагогик адабиётларида тез-тез учраб туради. Ўқитиш усули – бу таълим-тарбия алоҳида қисмлари ҳисобланади, уларнинг йиғиндиси ўқитиш методларига киради.

Умумий йўналишга қаратилган маълум бир ўқитиш методлари ва усулларининг мажмуасидан ўқитиш тизими тузилади.

Тасвирий санъат ўқитиш методикаси педагогик илмий фан сифатида тажрибада синалган ишларнинг назарий қисмларини умумлаштириб, амалиётда самарали натижалар берган ўқитиш методларини тақдим этади. Методика, асосан, педагогика, психология, эстетика ва санъатшуносликнинг тадқиқот натижаларига асосланади. У тасвирий санъатни ўргатиш қонун қоидаларини таърифлаб беради, келажак авлодни тарбиялашнинг замонавий методларини белгилайди.

Амалий методика, таълим ва тарбиянинг ривожланиш жараёнини ўрганади. Педагогик маҳорат кўникмаларини ўрганиш уни эгаллашга қаратилган маълум истеъдод, қобилиятлар ва иштиёқлар (мойилликлар) мавжуд бўлишини таълаб этади, чунки методика фани санъат педагогикасининг машаққатли мураккаб ва жуда маъсулиятли соҳасидир.

Демак, тасвирий санъатни ўқитиш методикаси фани педагогика илмининг ўқувчиларни тасвирий санъатга ўргатиш мазмуни, вазифалари ва методларини ўқитишнинг мазмуни, вазифаларини ва методларини аниқловчи, ижодий ишлардаги оқилона усулларини ўрганувчи, таълим ва тарбиянинг мақсад ва вазифаларига таянган ҳолда самарали ўқув жараёнини ташкил этувчи, шакл ва йўллари тадқиқ этувчи соҳасидир.

Тасвирий санъат методикаси методика фанининг бошқа соҳалари каби умумий ва хусусий турларга ажратилади.

**УМУМИЙ МЕТОДИКА** --- ўқув фанинг назарий қисмини асосларига қарашли саволларни ва кўпчилик фанларга тегишли ўқитиш усул ва услубларини қўлланишларини кўриб чиқади. Булар қуйидагилар :

-тасвирий санъат фанининг мақсад ва вазифалари :

-тасвирий санъат фани дастурларининг тузилиши ва мазмуни :  
- ўқитишнинг ташкилий шакллари ва методларини ишлаб чиқиш :  
- кўргазмали методик воситаларни тадқиқ қилиш ва танлаш (ўқув кўргазмали қуроллар ва техник воситалари) :

-тасвирий санъатнинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги (адабиёт, музика, биология, тарих) :

-тушунчаларни, ибораларни таърифлаш ва бошқалар.

**ХУСУСИЙ МЕТОДИКА** –бирон-бир ўқув фанининг ўқитиш услуби назарда тутилади .

-кўргазмали қуроллардан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилади :

- амалий ва ижодий ишларнинг мазмунлари аниқланади ва х.к.

Ҳозирги кундаги расм ўргатиш методикаси бирданига келиб, шаклланган эмас, бунга қадар мазкур методика шаклланиши ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Республикамизда тасвирий санъатни ўргатиш методикасининг шаклланишида маҳаллий олимлар, методистларнинг қатор изланишлари, ўқув қўлланмаларнинг аҳамияти жуда катта ўрин тутди. Бадий педагогика методика соҳасидаги сўнги ютуқлари кўрсатилган ва талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш, уларни методик билим ва маҳоратлар билан қуроллантириш ўқитиш санъатини эгаллашига ёрдам беришни ўзига асосий мақсад қилиб қўйган.

Ўқитувчи тасвирий ва амалий санъат дарсларининг ташкилотчиси, раҳбари ва илҳомчиси.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ўқув-тарбиявий вазифаларни амалга оширишга дастур асосида ўқитиладиган тасвирий санъат машғулотлари нарсанинг аслига қараб тасвир чизиш; хотира ва мавзу асосида тасвир чизиш ; декоратив амалий санъат ва ҳайкалтарошлик : Санъатни идрок қилиш каби турларда олиб борилади. Қўйида биз тасвирий санъат фанининг турларини кўриб чиқамиз.

Ўқитувчи тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни дарс мавзусига активлаштириш учун дарс мавзусининг мазмуни, ҳаётдаги аҳамияти ва уни чиқиш қоидалари тушунтириши зарур. Баъзида ўқитувчилар тасвирий санъат дарсларини ташкил этиш учун ўқувчиларга дарс мавзуси юзасидан саволлар бериб, унга берилган жавобларни тўлдириш каби воситалардан фойдаланилади.

Ўқувчилар дарс ва дарсдан ташқари вақтларда мустақил равишда бажараётган ишлари воситаси билимга, малакага, ижодий кўникмага эга бўлдилар, ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларнинг мустақил ишларига ёрдам бериши, рағбарлантириш методи асосида илҳомлантириш, ютуқ ва камчиликларни ўз вақтида кўрсатиш, уларни ўз кучига ишончини мустаҳкамлашида раҳбарлик қилади.

Дарс жараёнида ҳар бир индивидуал хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиладиган турли ёшдаги ёшлар билан иш олиб борилади. Ўқувчилар орасида кўриб турган нарсаларни тўғри тасвирлай оладиган хотира асосида қийналмай расм чизадиганлар билан бир қаторда, оддий тасвирга қараб нусха

кўчиришга ҳам қийналадиганлар учрайди. Бу борада биз баъзи ўқувчиларнинг кўриш қобилиятининг сустлиги, ранг сезмаслиги каби бошқа ҳолларини ҳисобга олишимиз керак.

Ўқувчиларнинг қобилият ва хусусиятларига қараб гуруҳларга бўлиб таълим бериш методига ўз вақтида рус педагоги Ушинский ижобий баҳо берган эди.

/"Синф болаларини бир бирдан кучли бўлган бундай гуруҳларга бўлиб ўтказиш зарур эмас".- деб кўрсатилган эди./

Гуруҳларга бўлиб ўқитиш шунинг учун қулайки, кучли ўқувчиларга қўшимча топшириқлар берилади, улар ўзларига берилган топшириқларни қийналмай бажариб туришади. Бўш, қийналадиган ўқувчилар эса ўқувчилардан ва кучли ўқувчисидан ўрганади. Бундай ўқувчилар тасвир чизишда сурункасига орқада қоладилар, натижада улар ўқишга қизиқмай қоладилар. Бу ўқиш улардан кўпроқ ақлий куч сарфлашни талаб қилади. Шуларни бартараф қилиш учун синфда олиб бориладиган индивидуал ишни айрим ўқувчилар билан олиб бориладиган индивидуал иш билан қўшиб олиб бориш керак.

"Кучли" биладиган ўқувчиларга "кучсиз" билимли ўқувчиларни бириктириб қўйиш ҳам яхши натижа беради. Ўқувчиларнинг тасвирий фаолиятини активлаштиришда, айрим ўқувчилар билан якка тартибда муносабатда бўлиш ва унга педогогик таъсир ўтказиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Таълимни индивидуаллаштириш масаласи ҳозирги даврда педогок ва психолог олимлар ва методистларни қизиқтирмоқда. М.Н. Скатин, Н.Н. Ростовцев, М.И.Маҳмудов, В.С.Кузин, Б.П.Юсупов, С.С.Булатов асарларида бу масалалар ёритилган. Синфдаги болалар ҳақидаги дастлабки маълумотларга эга бўлгандан кейин, ўқитувчи ҳамма болаларнинг қобилият ва малакаларига қараб қуйидаги гуруҳларга бўладилар :

1. Тасвирий фаолияти яхши ривожланган, кузатувчанлиги, ижодий тасавури тараққий қилган, тасвирий санъат материалларини ўзлаштирган ёки тез ўзлаштира оладиган ўқувчилар. Бу 3 тоифа ўқувчиларнинг ҳар бири билан алоҳида ишлаб, уларнинг барчасини дарсга қизиқтириш учун куйидаги усуллардан фойдаланиши мақул бўлар эди.

2. Кузатувчанлиги, ижодий тасавури ўртача ривожланган тасвирий санъат материалларини ўқитувчи ёрдамида ўзлаштира оладиган ўқувчилар гуруҳи.

3. Кузатиш кўникмаси яхши ривожланмаган ,ижодий тасавури бўлмаган,тасвирий санъат материалларини ўқитувчилар ёрдамида кийин ўзлаштирадиган ўқувчилар.

Бундай дарс утиш бизнинг фикримизча ўқувчиларнинг активлигини оширади.

Ўқувчилар билан индивидуал ишлашнинг аҳамияти катта . бу метод ёрдамида қолоқларсиз ўқитиш даражасига етиш мумкин. Бундан ташқари тасвирий санъат синф хоналари етарлича ёруғ бўлиши керак. Ёруғлик нормал

бўлмаган жойда кўриш сезгиларига зўр бериш зарарлидир. Бундай ҳолларда ўқувчиларнинг тез чарчашлари оқибатида дарсга бўлган қизиқишлари сустлашишига олиб келади.

### НАРСАНИ ЎЗИГА ҚАРАБ РАСМ ЧИЗИШ

НАРСАНИНГ ўзига қараб расм чизиш ўтиладиган тасвирий санъат машғулотларининг асосий турларидан бири ҳисобланади. Бу машғулот жараёнида ўқувчиларнинг нарса ва ходисаларнинг кузата билиш қобилиятлари ривожланади, хотирадан ва тафаккурдан расм чизиш малакалари ортади, нарсаларнинг фазодаги ҳолатларини аниқлай билиш, уларнинг ҳажми, шакли, рангини, шуъла-сояси ёрдамида текисликда тасвирлаш тушунчалари ўсиб боради. Кузатиш жараёнида ўқувчилар нарсаларнинг ўлчовларини ўзаро солиштирадilar, улар ўртасидаги фарқни таққослаш йўллари билан топадилар.

Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш дарслари икки босқичда олиб борилади.

Биринчи босқич --- бу ҳажмга эга бўлмаган перспектив қисқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган текис нарсалар, яъни дафтарлар, байроқча, папка, ўқувчилар сумкаси, болта, арра, ҳар хил дарахтлар барглари ва шунга ўхшаш бошқа нарсалар расмини олд томондан, фронтал ҳолатда чиздирилади.

Иккинчи босқичда--- ҳажмли нарсалар яъни мевалар, гул, ҳайвон, одам, уй анжомлари, қисқаси 3 ўлчовга эга бўлган (эни, бўйи, кенглиги) геометрик шакллар ва нарсаларни чиздиришдан иборатдир.

Ўқувчилар дарс жараёнида биринчидан расм чизишнинг асосини ўргансалар, иккинчидан ижодий қобилиятлари ўсиб, эстетик жиҳатдан тарбияланиб борадилар, I-II гуруҳларда ўзига қараб расм чизиладиган нарсаларни тўғри кўришга асосий шаклнинг бўйини энига нисбатан қоғоз юзига композицион жиҳатдан тўғри жойлашишини, бўлақларнинг нисбий ўлчовини кўрсатиб, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини, рангларини аниқлаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида аҳамият берилади. I-II босқичлардаги тасвирий санъат дарсларида тик, ётиқ, қия чизиқларини тўғри чиза олишни, квадрат, тўғри бурчакли, тўртбурчакли, учбурчак, доира ва бошқаларни тассавур қила олиш, тўғри чиза билиш ҳамда чизиқларни кўз чамасида тенг бўлақларга бўлиш қобилиятларини ўстириб бориш керак бўлади. Чизилган расмни акварель гуашь, бўёқлари билан бўяшдан олдин унинг рангини тўғри аниқлаб олиш ва шу ранг номини тўғри айтишга ўқувчиларни ўргатиб бориш талаб этилади.

Бунинг учун ўқитувчи махсус тайёрланган рангли плёнка, ойна ёки полиэтилин (сарик, қизил ва зангори асосий ранглар) материаллари орқали кўргазмали қурол тайёрлаб ўқувчилар билан савол-жавоб ёрдамида танишиб чиқса яхши натижаларга эришади. I-II босқичларда чизиладиган нарсанинг махсус нусхаси катта ўлчовда бўлиб, яхши кўринадиган жойга ўрнатилади.

Агар чиздириладиган нарса майда ўлчовда бўлса (ҳар хил барглар, гуллар ва бошқалар) уларнинг ҳар бир партага биттадан тарқатиб чиқиш лозим бўлади.

Ўқувчилар нарсани ўзига қараб расм чизганларида чизиладиган предметлар улар олдида шундай қўйилмоғи керакки, яъни перспектив ходисалар аниқ сезилмоғи керак.

I-II боқичларда кўз билан чамаланадиган перспектив ходисаларининг элементар қоидалари билан таништирилади. Ҳажмли нарсалар қалам, акварель, гуашь бўёқлари билан ёруғ-соя ёрдамида қандай кўринса шундай тасвирлаш вазифаси қўйилади.

Нарсалар шаклини, ёруғлик манбаини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг сиртда ёруғ ва сояларнинг жойлашуви, нарса рангининг ёруғлик тушишига қараб ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни оладилар. Шу мақсадда сабзавот ва меваларни алоҳида ва тўп ҳолдаги расмлари чиздирилади. Шунингдек, нарсаларининг шакли ва нисбатлари пропорцияларининг ўзгаришини тасвирлай олиш ва уларнинг малакаларини ўстириш мақсадида оддий геометрик шаклларни эслатадиган уй жиҳозларининг ўзига қараб расм чизадилар. Тўғри тўртбурчак билан чегараланган нарсаларни кенгайтириш ва ўстириш, ҳажмли нарсаларни ёруғ-соя ёрдамида тасвирлай олишни ўргатиш мақсадида ўқувчиларга нисбатан бурчак остида столга қўйилган китоб, яшик, ҳар хил қутилар, қуш уяси ва геометрик шакллар расмлари чиздирилади.

Перспектив ходисаларни кўргазма асосида ўқувчиларга ўргатиш дарс жараёнида анча қулайлик туғдиради. Бунда санъат асарлари, схемалар, плакатлар ва моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан: Ч.Ахмаровнинг "А.Навоий" ёки З.Иноғомовнинг "Чойга" асарларини ўқувчиларга кўрсатиб, ундаги перспектив ходисаларни сўзлаб бериш мумкин.

Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш дарслари тасвирий санъат предмети курсида якунловчи босқич ҳисобланади. Шунинг учун бу гуруҳларда ўтиладиган дарслар ўқувчиларни фақатгина назарий машғулотларини бойитибгина қолмасдан, систематик равишда амалий машғулотлар ўтиб уларнинг билим малакаларини такомиллаштириб бормоқ ҳам керак.

Перспектив қоидаси ва уни қўллаш усулларини фақат нарсаларнинг ўзига қараб расмини чизиш дарслардагина эмас балки ҳаёдан, тасаввурдан расм чизиш дарс жараёнида рассомлар асарлари ҳақида суҳбат ўтказиш машғулотларида ҳам ўқувчиларга ўргатиб, тушунтира бориш катта аҳамият касб этади. Ўқувчилар чизиқли преектива бўйича сурат текислиги марказий кўриш нури, майдони ҳақида билимлар оладилар ва бир ёки ундан ортиқ кесишиш нуқтасига эга бўлган уфқ чизиғи ҳақида олган маълумотларини янада кенгайтирадилар.

Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш жараёнида ўқувчиларга одам, ҳайвон шунингдек қушлар туркумининг ўлчов нисбатлари, умумий ўлчовлар: калла, қўл, оёқ, тос ва бошқа пластик анатомия ҳақида тушунчалар берилади. Бундан ташқари фактура ҳақида маълумот бериб борилади, масалан, юзи гадир-будир бўлган нарсалар билан бир қаторда юзаси ялтироқ бўлган шиша ёки сирли

нарсаларнинг шакли чизилади. Шунингдек, чизилаётган нарсани ўзига ўхшатиб, характери топа билиш билан бирга унинг фактурасини ҳам ифода этиш талаб этилади.

Нарсанинг ўзига қараб чизилган тасвирида эстетик томонга кўпроқ аҳамият берилади. Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш дарси жараёнида ҳар бир ўқитувчи мавзуга оид тасвирий санъат асарларини келтириб унда рассом қандай тасвирий воситалардан фойдаланганлиги, унинг композицияси, асардаги рангларнинг мослашуви ҳақида чизилаётган нарсаларни таққослаб кўрсатса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу борада ўқувчилар фақат нарсанинг ўзига қараб расм чизишдаги малакалари ошиб бормасдан балки санъатимиз намоёндалари ишлаган санъат асарлари намуналари билан танишиб борадилар.

Масалан: бирор сабзавот ва мевалардан ташкил топган натюрмортни ўқувчилар чизаётган бўлсалар шунга мос ёки шу мавзуда бор нарсалардан чизилган ўзбекистонлик рассомларнинг асарларидан рангли репродукцияларни ўқувчиларга кўрсатиш самаралидир. Масалан, рассомлар А.Абдуллаев Э.М.Ковалевский, З.Иноғомов, Ю.И.Елизаров, М.Набиев ва бошқа рассомларнинг асарлари репродукциялари шунга қўл келиши мумкин. Репродукциялар ҳаёдан ва нарсанинг ўзига қараб расм ишлашда ўқувчилардан бевосита кузатишни, предметлар, экран воситалари, китобга ишланган иллюстрациялар, ҳужжатли материаллар, компьютер техникаси воситаларидан кенг фойдаланишни талаб этади ва булар бадиий образни яратишда ўқувчиларга катта ёрдам беради.

### МАВЗУ АСОСИДА РАСМ ЧИЗИШ

Мавзу асосида расм чизиш дарслари тасвирий санъат фанининг қизиқарли машғулотларидан биридир. Бу машғулотларда ўқувчилар ўзлари билган таъсирланган воқеа ва ҳодисаларни ҳаёдан тасаввур қилиб тасвири ишлайдилар, бадиий адабиётларга иллюстрациялар ишлайдилар. Айниқса ўқувчиларнинг кундалик ҳаётларидан олинган мавзулар, ҳайвонларнинг ҳаётига оид мавзулар, адабий асарлар (этак, масал, ҳикоя, шеър) мавзули расм дарсларининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Мавзу асосида тасвир ишлаш дарсларда болаларнинг фантазияси ва тасаввури актив фаолиятга айланади. Мавзу асосида расм чизиш машғулотларининг олдида турган мақсад ва вазифалар педагогиканинг илмий асослари билан белгиланади.

Мавзули расм чизиш болалар ёш хусусиятни эътиборга олган ҳолда энг содда бўлган мавзулар тавсия этилади. Бунда йил фаслларга мос келадиган мавзулар "Тоғда куз", "Кузги ишлар", "Янги йил байрами", "Қишки ўйинлар", "Мактаб боғида", "Навруз", "Ўзбекистон мустақиллиги куни", каби.

Дастур асосида анча мураккаб яъни "Ҳосилни йиғиб-териби олиш", "Мактаб тажриба участкасида", "Баҳор келмоқда", "Молхона", "Ўзбекистонда ҳосил байрами", "Мустақиллик байрами", "Ўзбекистон конситутцияси куни",

"Ҳайвонат боғида ", "Республикамиз меҳмонлари" каби ва бошқа мавзулар билан бир қаторда, бадиий асарларга, эртақ, ҳикоя, масалларга иллюстратив расмлар чизадилар.

Композиция яратишнинг тайёргарлик босқичида ўқувчилар нарсага қараб расм чизиш перспектива, рангшуносликдан олган билимлардан кенг фойдаланишлари керак. Ўқитувчи вазифани тушунтиришда ўқувчиларда мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотиши лозим.

Биргина мавзуни турли хил мазмунда, ҳар бирини ўзига хос кўринишда талқин қилган ҳолда тасвирлаш мумкин. Масалан: "Бизнинг қурилишларимиз" мавзусида ўқувчилар кузатишлари асосида турли конструкциядаги замонавий ўйинларни, ҳар хил машиналарни, турли ишларни бажараётган одамларни тасвирлашлари мумкин.

Тажриба шуни кўрсатадики, ўқитувчи мавзуни қанчалик кенг ва тўлиқ тушунтирса болалар расмлари шунчалик мазмундор ва сифатли чиқади. Ҳар бир мавзуни чизишдан олдин ўқувчилар билан маълум вақтгача экскурсиялар ўтказиш, мавзу асосида ишлаган асарларини таҳлил қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Расм чизиш жараёнида чизиш қийин бўлган образлар, масалан, одам, ҳайвон, мураккаб техника ва х.к.з ни чизиш йўллари ҳақида маълумот бериш, схематик тасвирини чизиб кўрсатиш керак.

## БЕЗАКЛИ – ДЕКОРАТИВ ТАСВИР ИШЛАШ ДАРСИ.

Декоратив расм дарсларида ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг имкониятлари анча каттадир. Чунки бундай дарслардан ўқувчилар халқ амалий-декоратив санъатининг асл нусхалари билан танишадилар, унинг усталари каби болалар ҳам шу соҳада ижод қиладилар. Амалий санъатдаги ритм, ранг, симметрия каби ифодалилиқ воситалари ҳақида фикр юритадилар. Декоратив тасвир чизиш дарсларида болалар ҳар қандай нақшнинг, асосан теварак атрофдаги нарса ва ходисалардан олинганлигини англашлари лозим ўқувчилар нақш намунасида кўчириш дарсларида нақш чизишнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишадилар, рангларнинг номларини ўрганадилар. Бўёқларни аралаштириб ишлаш устида иш олиб борадилар. Нақш намуналаридан кўчириш ва мустақил нақш чизиш дарсларида ўқувчилар кўз билан чамалашни ўрганадилар. Тасвирий санъат халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандчилик анъаналари билан бирга ҳозирги замон техника эстетикаси ва бадиий безаш асослари билан боғланади. Нақш билан безатилган буюмларни ўқий олишга ўргатиш амалга ошириладиган асосий вазифалардан биридир. Нақш намунасида кўчириш ва мустақил нақш чизиш ижодиёти намуналаридан кўрсатиш, нақш санъати асарларини кўчириш ва таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг бадиий диди ўстирилади.

Мустақил нақш чизиш орқали болаларнинг ижодий қобилияти, фантазияси, тафаккури ривожлантирилади. Ўқувчиларга ўзбек амалий-

декоратив санъати ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тушунча бериш ва уларнинг эстетик идрок этиш қобилиятини ривожлантириш мақсадида суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Суҳбатда болаларнинг эътибори турли идишларда, ҳар хил безатилган кийимлар ажойиб ишланган ўйинчоқлар ва бошқаларга қаратилади.

Декоратив график ишларнинг вазифаси ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш дарс жараёнида олган билим ва малакасини ҳаётда амалий фаолиятда қўллай олишга ўргатишдир. Декоратив амалий фаолият дарслари тасвирий санъат предметини текисликда тасвирлаш, пластилин билан ишлаш, санъатни идрок қилиш, композицион фаолият ва бошқаларга таянган ҳолда ўтилади.

### ҲАЙКАЛТАРОШЛИК

Тасвирий санъатнинг турларидан яна бири ҳайкалтарошлик бўлиб, у ҳам бошқа тасвирий санъат турлари қатори ҳаётни реал акс эттиради, дунёни билишга инсонга ёрдам беради, уни ғоявий ва эстетик жиҳатдан тарбиялайди.

Ҳайкалтарошлик, жумладан, думалоқ ҳайкал рассомнинг санъатидан шуниси билан фарқ қиладики, ҳайкални ҳар тарафдан кўриш, ишлаш мумкин, бу унинг ифлодалагини оширади. Ўқувчилар бу дарсда текисликни тасвирлаш ва декоратив амалий фаолият дарсларида олган билимларига таяниб ҳайкаллар ишлайдилар. Болалар ёшлигиданоқ ҳайкалтарошлик сирлари билан танишадилар. Шунинг учун ҳам мактабларда тасвирий санъатнинг бу тури (лепка) пластилин ёки лой билан ишлаш бўйича дарс ўтиш программалаштирилган. Бу ўқувчиларнинг бадиий дидларини санъатга бўлган қизиқишларини орттиради, табиатда, инсонларда бўлган индивидуал хусусиятларни тезда англаб олишга ёрдам беради.

Пластилин ва лойдан шакллар ясаш дарсларида ўқувчилар санъатнинг муҳим тури бўлган ҳайкалтарошликнинг элементар асослари билан танишадилар. Бу дарсда ўқитувчи болаларга ҳайкалтарошлик моҳияти, аҳамияти ҳақида, ҳайкал ишлашнинг ўзига хос томонлари ҳақида маълумот бериб боради.

Ҳайкал ишлашда лой, пластилин, қисман ёғоч ва табиий шакллардан фойдаланилади. Масалан: ёнғоқ пўчоғи, дуб дарахтининг меваси, турли хил шохчалар, илдизлар ва х.к. Лой ва пластилиндан ҳайкалчалар ясаш, айниқса бошланғич синфда ишланганда, ҳар бир буюмнинг конструктив тузилиши, ҳажмини чуқуროқ хис этишга ёрдам беради. Булардан ташқари бу машғулотларда болаларнинг қўл бармоқлари, мушаклари ривожланади, фантазиясининг янада кучайишига хизмат қилади.

### САНЪАТНИ ИДРОК ҚИЛИШ.

Болаларнинг санъат идрок этиш билими тасвирий санъат дарсларида аста - секин кенгайиб боради. Бу эса ўқувчиларнинг амалий ишларда борлиқдаги ва

санъатдаги гўзалликни идрок этишга онгли равишда ёндошиш имконини беради. Дарсларда тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари ҳақида тез-тез суҳбат ўтказиш, машҳур санъаткор ва уларнинг етук асарларини таҳлил этиш болаларнинг бадиий дидини ўстиришга, гўзалликни севиш ва тушунишга ёрдам беради.

Тасвирий санъат бўйича суҳбат ўтказиш учун махсус соатлар ажратилмайди. Суҳбат дарслари тасвирий санъат турлари текисликни тасвирлаш, пластилин билан ишлаш, декоратив амалий санъат билан қўшиб ўтилади.

Тасвирий санъатда суҳбат учун ажратилган вақт 15-20 минутдан ошмаслиги лозим. Суҳбат дарсларининг темаси ҳар хил бўлиши мумкин. Рассомлар, ҳайкалтарошларнинг ижодлари, тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари тўғрисида суҳбатлар ўтказилиши мумкин. Суҳбатда ўқувчилар рассомларнинг ҳаёти ва ижодини, асарларини таҳлил қилишга ўрганадилар. Санъат асарларини идрок этиш бўлимида ўзбекистон халқлари ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи асарларга кўпроқ вақт ажратиш мақсадга мувофиқдир. Тасвирий санъат асарлари билан ўқувчиларини таништиришда, уларга яқин ва теvarак тарофдаги ҳаётдан олинган мавзу асосида ўтказилади. Булар табиат манзарасини акс эттирган истеъдодли ўзбек рассомларининг, Ўзбекистон табиатнинг манзараси, кўкўпар тоғлари, кенг қулоч ёйган ям-яшил далаларини, қурилиш иншоотларини ранг-баранг ёрқин бўёқларда ифода этилган асарлари орқали таништириш мумкин.

Дарс жараёнида ўзбек тасвирий санъатини ва бошқа қардош халқлар тасвирий санъати билан таққослаш усулини қўллаб кўриш мақсадга мувофиқ. У.Тансикбоев, Н.Корахон, Р.Темуров, И.Хайдаров, Н. Кўзибоевларнинг чизган расмлари билан танишаётганимизда рус манзарачи рассомлари И.Левитан, А.Саврасов, ва И.Шишкинларнинг асарлари намунасини таққослаб кўрсатишимиз мумкин. Суратларни солиштириш мабойнида ўқувчилар табиат гўзаллигини хис қилиши, кишиларнинг қадимий ва ҳозирги ҳаёти ҳақида тассаввурга эга бўладилар. Тасвирий санъат методларини илм даргоҳларида ўргатилишини биз илк мартаба тарихда қадимги мисрликлар фаолиятида кўришимиз мумкин.

Болани тасвирлашга ўргатишнинг асосий сабабларидан бири ўқитиш услуби иероглифик хусусиятга эга бўлганлигидир. Чунки шу йўсинда бирор бир маънони англатишини фақат тасвирлар орқали амалга оширишини талаб этарди.

Қадимги Мисрда ёшларни мактабда ўқитиш тизими жуда қаттиқўллик билан ҳаттоки мажбурлаш даражасида олиб борилган. Белгиланган мактаб қонунига амал қилмаган ўқувчи жазоланарди. Қадимги манбаларда ёзилишича, мактаб қонун-қоидаларга бўйсунмаган шогирд гаврон билан саваланиб, сўнгра узоқ вақт қоронги зулматда сақланган экан. Ўша давр мактаб қонуни қуйидагиларни талаб этарди : "Кундалик ўқишда фаол ва атрофдагиларга мулойим бўл. Ҳеч қачон дангаса бўлма, йўқса

калтакланасан!". Мактабларга расм чизишга ўргатиш дастлаб қадимги Мисрда пайдо бўлди. Ўқитиш рассом – педагоглар томонидан аниқ ишлаб чиқилган ва тасдиқланган метод ҳамда қонунлар асосида олиб борилган. Шунини таъкидлаш лозимки, Мисрликлар расм чизиш ва унинг назарий қонунларига асос солганлар. Ўша давр мактабларида ёшларга таълим беришнинг аниқ ишлаб чиқилган дидактик тамойиллари бўлмаган. Ёшларга расм чизишни ўргатиш натурани кузатиш, таҳлил этиш, атроф табиатдаги воқеа ва ҳодисаларни кузатиш орқали эмас, балки олдиндан ишлаб чиқилган андозалар асосида олиб борилган.

Мисрликлардан фарқли ўлароқ

Қадимги Юнон рассомлари тасвирий санъатни ўқитиш борасида таълим-тарбияга ўзгача ёндошиб, уни тубдан ўзгартириб бойитдилар. Улар ёш рассомларни кўпроқ табиатни ўрганишга ва уни ажралмас бўлакларидан бири бўлган инсон гўзаллигини юксак даражада тасвирлашга чақирганлар. Улар қўлаган методлар рассомларнинг борлиқдаги ҳодисаларини инсоннинг табиат билан чамбарчас уйғунлигини кенгроқ билиб олишларига ёрдам беради, нарсаларнинг шакли, конструкциясини элементар таҳлил қилиш ва умумлаштириш қобилиятларини ҳамда кузатувчанлигини ўстириш имконини беради ва тасвирий санъат дарслари шу тарзда ташкил этилади.

#### МАВЗУ: ЧЕТ ЭЛЛАР ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ (МИСР, ЮНОН, РИМ).

#### УЙҒОНИШ ДАВРИДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎРГАТИШ МЕТОДЛАРИ.

Тасвирлашга нисбатан бўлган қизиқиш инсонларни қадимдан ўзига жалб этиб келган. Чунки у ибтидоий давр одамларига ўзаро мулоқат қилиш, сўзлашиш учун зарур бўлган. Аксарияти овчилик билан шуғулланиб келган қадимги одамлар ҳайвонларнинг юрган йўлларини ўрганиб, тик қоя ва ёрларда турли тасвирлар ва улар орқали инсониятнинг илк даврига хос ғоялар қолдирганлар. Вақт ўтиши билан уларнинг тасвирлаш қобилиятлари ривожланиши натижасида кейинчалик ҳар хил ов манзаралари акс эттирилиб тасвирлар чизиб ўша давр ҳодисаларини ифодалай бошлаганлар.

Ибтидоий давр одамлари қоя ва тошларга кўмир билан турли тасвирларни тушириб, сўнгра улар устидан ўткир тошни юргизиб чиққанлар. Кейин эса тасвирларни пушти ранг билан бўяганлар. Шунини таъкидлаш лозимки, аксарият тасвирларни афсонавий ва турли маросимлар асосида ишланган (ритуал) суратлар бўлиб, инсонларнинг ўша даврдаги дунё қарашларининг дастлабки кўринишларини ўзида мужассамлаштирган .

Кейинчалик шулар асосида ёзиш пайдо бўла бошлади ва ривожлана борди. Аввалига пиктографик (тасвирий), сўнгра идеографик, яъни ҳар бир белги сўз маъносини англатувчи, ундан кейин эса ҳарфлардан иборат ёзувлар пайдо бўла бошлади.

Одамлар тасвирлаш борасидаги дастлабки малакаларини табиатни

бевосита кузатиш унга тақлид қилиш, ўрганиш йўли орқали эгаллаганлар. Тасвирлашга ўргатиш палеолит даврида ҳам ривожланмаган эди. Фақатгина кейинчалик неолит даврига келиб деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг бошланғич босқичида инсоннинг меҳнат қилиши натижасидагина санъатга бўлган қизиқиш уйғона борди.

Расм чизишга нисбатан иштиёқ инсонларнинг кундалик ҳаётида ишлатиладиган буюмларни безаш орқали ривожланди. Энг аввало сопол идишларга турли нақш ва тасвирлар тушириш пайдо бўла бошлади. Шу алпозда тасвирлар ишлашнинг дастлабки методлари ҳам юзага келди.

Энди ҳунарманд ўз шогирдининг тасвирларини қандай ишлашини кузатиб унга йўл-йўриқлар кўрсатади. Чунки шогирднинг устоз кўрсатмаларига риоя қилиши кейинчалик шу ҳунарнинг давом этишида муҳим ўрин эгаллаган.

Шундай қилиб тасвир бажаришни ўргатишнинг дастлабки усуллари пайдо бўлди. Лекин ушбу методлар аниқ ишлаб чиқилган, йўл-йўриқлар ва тамойилларга асосланмаган эди. Тасвирий санъатга ўргатиш ҳамда мактаблар ташкил этиш анча кейин бошланди.

Тасвирий санъатга ўргатиш методлари тўғрисида гап борганда аввало Қадимги Мисрнинг юксак ривожланган маданиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Тарих манбаларида ёзилишича Қадимги Миср мактабларида турли фанлар қатори расм чизиш ҳам кенг ўргатилган. Мактабни тугатган ўспирин хона ички кўринишини тасвирлай олиши, катта майдоннинг чизмасини чизиб, унинг ўлчамларини қўя билиши, сув иншоатлари тавирини чиза билиши шарт эди.

Парассий, Эффес, Памфил, Апеплек ва бошқа мактаб рассомлари ўзларининг назарий асарларида дунёдаги барча нарса ва буюмлар симметрик, гармоник, ҳамда математик жиҳатдан ўлчамларга эга эканлиги ҳақида ёзадилар. Жумладан, эрамиздан аввалги 432 йилда яшаб ижод этган ҳайкалтарош Поликлет одам тана бўлакларининг бир-бирига нисбатлари ҳақида ёзиб, унинг исботи сифатида "Дорилфор" маъбудасини яратган. Кейинчалик расм чизишни ўрганаётган ёшларга Поликлет яратган ҳайкаллардан бирини ўзига қараб тасвирлаш мажбурий равишда таълим тизимига киритилганлигини кўрамиз.

Эрамиздан олдинги IV асрга келиб қадимги Юнонда Сикион, Эфесс, Фиван каби ўша даврдаги машҳур рассомлар мактаблари вужудга келди. Шулардан энг кўзга кўрингани Сиккион мактаби бўлиб, у нафақат расм чизиш методларини такомиллаштиришга балки, умуман тасвирий санъатнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди, ҳамда у ёшларга тасвирий санъатни ўргатиш орқали гўзал табиатни севишга, унинг қонуниятларини илмий жиҳатдан ўргатишга қаратди.

Тасвирлаш жараёнида ёшлар табиатни кузатиш билан бир қаторда мавжуд нарсаларнинг тузилиш хусусиятларини ҳам ўрганганлар. Шунинг учун Сиккион мактабининг асосчиларидан бири Памфил расм чизишни фан сифатида барча ўқув даргоҳларида ўқитилишини йўлга қўйган. У тасвирий

санъатга илмий нуқтаи назардан қарашни биринчилардан бўлиб олдинга сурди. Тасвирий санъатнинг асоси бўлган қалам тасвирга юксак баҳо бераркан "Қаламтасвир ишлашда юқори даражада аниқлик ва илмий асос бўлиши керак" деб ҳисобларди.

Кўриб турибмизки, Памфил тасвирий санъатни, хусусан қаламтасвир бўйича ёшларга сабоқ беришнинг илмий асосланган, назарий ва илмий методикасини ишлаб чиққан.

Унинг методикаси асосида сабоқ олиш ёшлардан назарий билимларни эгаллашни ва кўплаб амалий машғулотлар бажаришни талаб этарди. Бу ерда тўлиқ ўқиш даври 12 йил давом этган. Қадимги Юнон мўйқалам усталари ўз ўқувчиларига табиатни кўпроқ кузатиб идроклашни, унинг беқиёс ва такрорланмас гўзалликларидан илҳомланиб расм чизиши ва буюмларнинг ўзига қараб ҳаққоний тасвирлашга биринчи бўлиб асос солганлар. Расм чизишнинг барча мактабларда ҳаққоний тасвирини ифодалай билишлари улар тарбиясига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Қадимги Рим даври санъаткорлари Юнон рассомлари эришган ютуқларни давом эттирган ҳолда, тасвирий санъат соҳасида улкан муваффақиятларга эришдилар ўша даврнинг бой кишилари санъат асари намуналарини йиғиб, кенг оммага бу санъат асарларини кўрсатиш, таништириш, тарғибот қилиш кўпроқ амалга оширилган. Лекин, Юнонистонлик санъаткорлардан фарқли ўлароқ, Рим рассомлари тасвирий санъатни ўқитиш тизимига ҳеч бир янгилик киритмадилар. Рим империяси рассом-ўқитувчи бадиий ижод муаммолари билан шуғулланмас эдилар. Асосан ўқитиш тизимида юнон рассомлари яратган намуналарга эса рассом-ижодкор сифатида эмас, ҳунарманд нуқтаи назаридан нусха кўчириш, уларни намойиш қилишни одат қилганлар ҳалос. Айниқса бу ҳол Цезарь рассом-педогоглари ишлаб чиққан ўқитишнинг илмий асосланган услубларидан воз кечиш оҳир оқибатида тасвирий санъатнинг ривожланишига тўсқинлик қилди.

Ўрта асрларга келиб, реалистик тасвирий санъат батамом инқирозга учради. Чунки бу давр рассоми на буюмни текисликда ҳаққоний тасвирлаш қоидаларини ва на тасвирлашни ва на тасвирлашда Юнон рассомлари томонидан ишлаб чиқилган асосий принципларни тўлиқ билмас эди. Рухонийлар буюк Юнон рассом-педагоглари томонидан ишлаб чиқилган ўқитишнинг назарий асосларини йўқ қилдилар. Уйғониш даврининг кўзга кўринган рассом – назариётчиси Гиберти бу ҳақда шундай ёзди. "Император Константин ва Сильестр папаси даврида Христианлик дини" таркиб топди. Тасвирий санъат мисли кўрилмаган даражада таъқиб қилинди. Буюк санъат асарлари –картиналар, маъбудалар ва инсоннинг энг буюк туйғусини шакллантирувчи рассомлик санъатини ўқитиш борасида тўпланган чизма, қонун ҳамда ёзувлар йўқ қилинди.

Антик номи билан юритилган ушбу давр санъатининг вайрон қилинишида турк истилочилари ҳам ўз "Ҳиссаларини" қўшдилар. Турклар томонидан Юнонистоннинг босиб олиниши тасвирий санъатнинг батамом ривожланишдан

тўхталишига олиб келди. Тасвирий санъат, хусусан рангтасвир санъати билан шуғулланган Стендель ўрта аср даврини шундай изоҳлайди : "Босқинчилар қадимги олимларнинг қўлёзмаларини ёқиб кул қилдилар, буюк санъаткорлар томонидан тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик намуналари йўқ қилинди. IV, X, XI асрларда тасвирий санъат учун, Қора зулмат асрлари бошланди ".

Бу вақтга келиб тасвирий санъат дарсларини умумий таълим фани сифатида ўқитиш олиб ташланди. Оқибатида ўқитишнинг аниқ ишлаб чиқилган назарий ва методик тизими йўқ бўлди. Кейинчалик бу мураккаб ва масъулиятли вазифалар уйғониш даври рассом-иждоқкорлари томонидан қайтадан тикланди.

Уйғониш даври тасвирий санъатнинг ривожланишида янги даврни очди. Расм чизиш назарияси соҳасида рассомлар янгича методларни ишлаб чиқа бошладилар. Салкам минг йиллик турғунликдан сўнг, илмий билимлар ва санъатни ривожлантириш муаммоларига бўлган қизиқиш яна қарор топди.

Тасвирий санъат, хусусан қаламтасвир бажаришнинг янги методлари бўйича Челлини, Рафаэль Альберти, Леонардо да Винчи, Дюрер каби кўплаб буюк санъаткорлар шуғуллана бошладилар. Улар тасвирий санъат соҳасида илмий изланишлар табиат қонунларидан келиб чиқади деб қарайдилар.

Расм чизишга нисбатан кўп бўлмаган 4-6 ўқувчидан иборат гуруҳлар ташкил қилиниб, улар рассомлар устахонасида таҳсил олар эдилар. Қаламда тасвирлаш композиция билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилади. Уста рассомлар қандай қилиб қаламчизги бажариши, кейин уни материалда ишлаш ҳамда картонда хомаки расм тайёрлашгача бўлган барча босқичларни ўргатар эдилар .

Қаламтасвир, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, рангтасвирнинг ҳақиқий асоси сифатида тан олинар эди. Шунинг учун ҳам уйғониш даври буюк рассомлари расм чизиш методларига катта эътибор берганлар.

Бенвунуто Челлини "Рангтасвир қонуниятлари" номли асарида қаламтасвир бажариш методларига катта эътибор бериб, унинг заминияда нарсанинг ўзига қараб тасвирлаш машқлари ётади деб ёзган эди. Унинг таъкидлашича юксак маҳоратга эга бўлиш учун шогирд ҳар куни бир неча соат расм чизиши керак.

Флоренциялик меъмор—Леон Ватиста Альберти ҳам қаламтасвир ва уни ўқитиш методларига катта эътибор беради. Хусусан унинг "Рангтасвир тўғрисида уч китоб" номли машҳур асарлар тўпламида ёзишича, ранглар билан ишлашни ўрганишдан аввал қаламтасвирнинг асосий қонун-қоидаларини ўргатиш зарурлигини айтади. Унинг ушбу асари 500 йил аввал ёзилганига қарамасдан, қонуниятлари, хулосалари, ҳозирги замон академик расм чизиш методларига тўла-тўқис мос келади. Альберти расм чизишга жиддий илмий фан сифатида қарар эди.

Расм чизиш методларини такомиллаштиришга буюк Леонардо да Винчи ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Унинг "Рангтасвир ҳақидаги китоб"ида оламнинг тузилиши, табиатдаги ўзгаришлар, ҳайкалтарошлик, чизиқли ва фазо

переспективаси ҳақида кўплаб илмий асосланган фикрларни кўриш мумкин.

Альберти каби Леонардо да Винчи ҳам тасвирий санъатнинг асоси қаламтасвир деб ҳисоблаб, нарсанинг ўзига қараб тасвирлаш ўқитишнинг зарур қисми эканлигини таъкидлар эди. Леонардо да Винчи инсон аъзолари тузулишини анатомик каби юксак даржада ўқиб ўрганди. Инсоннинг ҳар бир мушак тўқималарини ўрганиб, уларнинг тасвирларини чизиб қолдирган. Уйғониш даврининг уста рассомлари орасида қаламтасвир бажариш методларини такомиллаштириш муаммаолари билан шуғулланганларидан яна бир немис рассоми Альберхт Дюрер ва Шонлардир. Улар тасвирлашда переспективанинг асосий қонун-қоидалари устида кўплаб тажриба синовлар ўтказди. Рассом олимларнинг диққатига сазовар ишлардан яна бири инсон қоматининг нисбатларини ишлаб чиқиш ва уни кесик шакллар орқали акс эттириш методини ишлаб чиққанлигидир.

Уйғониш даври рассомлари жаҳон тасвирий санъатининг ривожланишига улкан ҳисса қўшдилар. Уларнинг тасвирий санъат бўйича ишлаб чиққан переспектива қонунлари кейинчалик ижодкор рассомларга мисли кўрилмаган даражада ёрдам беради. Агар ўрта асрларда тасвирлаш методикаси буюмлар шаклу шамойилининг ўхшашлигини эътиборга олган ҳолда бажарилган бўлса, энди бу давр қаламтасвир илмий асосланган анатомия қонунларини чуқур ўрганиш, переспектива қоидаларига тўла-тўқис риоя қилиш, ёруғликнинг буюмларга тушуш қонуниятларини ҳисобга олиб акс эттирилган тасвирлаш методлари ривожланган давр бўлди. Юқорида таъкидланганидек уйғониш даври рассомлари расм чизиш методикасига катта ҳисса қўшдилар ва қаламтасвирнинг фан сифатида ривожланишига асос солдилар. Лекин, улар ўқитишнинг дидактик негизларига кам эътибор бердилар. Бу муҳим вазифани XVI асрнинг охирига келиб турли давлатларда ташкил этилган бадиий академиялар давом эттириб, ҳал эта бошладилар.

XVII аср тасвирий санъатни ўқитиш методикаси қаламтасвирнинг фан сифатида тўла-тўқис унинг академик тарзда давом этиши учун замин яратди. Академик қаламтасвирни педагогик амалиётда ўқитишнинг тизими дастлаб Флоренциядаги "Қаламтасвир академиясида" ишлаб чиқилди.

Ака-ука Каррачилар томонидан ташкил этилган Болониядаги ёш мусаввирларга қуйидаги усулда сабоқ берилган. Дастлаб қаламтасвир чизиш методлари, қонун-қоидалари билан танишгач, сўнгра гипс намуналарини тасвирлаганлар, шундан кейин инсон қиёфасини ўзига қараб расмини чизганлар. Бу машғулотларда у инсоннинг анатомик тузулишларини ҳам чуқур ўрганиш имкониятига эга бўлганлар. Болония академияси ўз даврида ёшларга бадиий таълим бериш борасида энг мақбул намунали олий ўқув даргоҳи ҳисобланганлиги туфайли унинг методикасини давом эттириб, 1648 йилда Париж қаламтасвир ва ҳайкалтарошлик бўйича қироллик академияси, 1660 йили Римда бадиий академия, 1696 йили Берлинда, 1753 йили Мадридда Сан-Фернандо академияси, 1757 йили Петербург академияси, 1768 йили Лондон бадиий академияси ташкил этилган, юртимиз мустақиллигидан кейин 1998

йили Ўзбекистонда ҳам бадий академия ташкил этилди. Бу бадий академиялар ташкил топиши тасвирий санъатнинг ривожига ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат томонидан ташкил этилган академиялар билан бир қаторда хусусий санъат мактаблари мавжуд эди. Ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминланган мактаблардан бири таниқли Флория рассоми Рубенснинг хусусий мактабидир. Рубенс ўз замонасининг йирик намоёндаси эди. У буюк рангтасвир, қаламтасвир устаси бўлибгина қолмай, балки санъат асарларини юксак қадрлай биладиган олим-тадқиқотчи, давлат ва жамоат арбоби, шогирдларнинг меҳрибон устози бўлган. У юқори даражада маълумотли бўлиб, инглиз, испан, француз, италян, немис тилларида ёзиш ва сўзлашни мукамал билган.

Антик давр санъатини чуқур ўрганиб ўз шогирдларига ўша даврда яратилган ҳайкаллари тўғридан - тўғри кўчириш эмас, балки ушбу намуналарни акс эттириш орқали инсон аъзоларини тасвирлашда илмий томондан ёндошишга даъват этган. Қаламтасвир методларини ривожлантиришда ака-ука Александр ва Фернанд Дюрелар ҳам катта ҳисса қўшдилар. 1835 йил улар Парижда рассом ҳунармандлар учун бепул мактаб очиб, шогирдларга тасвирий санъат бўйича сабоқ бердилар. Диққатга сазовар жойи шундаки, ушбу мактабда ўқитишнинг методик босқичлари ўзига хосдир. Бу ерда бошқа санъат даргоҳлардан фарқли ўлароқ энг мураккаб бўлган инсон қоматини тасвирлашни мукамал ўрганиб бўлганидан кейин гипс нақш намуналарини чизишга ўтилган.

Ака-ука Дюреларнинг таъкидлашича ўсимликлардан ташкил этилган нақш бўлаклари табиатнинг барча энг мураккаб шакллари ўзида мужассамлаштирган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хусусий академиялар янада кўпайиб борди. Баъзи академиялар кўп йиллар давомида тажриба ва синовлардан ўтиб, таълим беришда амалий жиҳатдан тўпланган тажрибаларни инкор этиш асосида қурилган эди. Ўқитувчи-профессор ўзининг хусусий мактабини тарғибот этиш мақсадида ўтмишда ташкил этилган ва мавжуд академияларни "Эскириб, бир ерда қотиб қолган" деб ҳисоблаб кўп ҳолларда ўзлари ёшларга ҳеч қандай тизимга эга бўлмаган усулда таълим берадилар.

Хусусий академияларга 40-50 га яқин ўқувчилар ташкил этилиб, уларни на курсларга ва на гуруҳларга бўлинмаган ҳолда машғулотлар олиб борилган. Машғулотлар қуйидагича тарзда эди: Катта хонанинг бир неча жойда натура қўйилган бўлиб, ўқувчилар ҳеч бир йўналишга эга бўлмаган ҳолда таҳсил олар эдилар. Шуни таъкидлаш керакки, хусусий тарзда ташкил этилган академиялар орасида ҳам аниқ йўналишларга эга бўлган ўқув даргоҳлар мавжуд бўлган : Жумладан Венгер рассоми Шимон Холлоши (1857-1918) ва югослов педагог-рассоми Антон Ашбелар (1862-1905) мактаби диққатга сазовордир.

Яхши йўлга қўйилган методика ва ўзига хос равишда тузилаган дастур

асосида ўқитиш тизими уларни бутун жаҳонга машҳур қилган бўлиб, ушбу мактабдан ўнлаб истеъдодли рассомлар етишиб чиққанлар.

XX асрнинг охирига келиб академик тарзда ўқитиш тизими ўз йўналиши жиҳатдан янги замон талабларига жавоб бера олмай қолди. Қисқа вақт ичида турли бадиий оқимлар пайдо бўла бошлади. Неорепресссионизм, кубизм, экспрессионизм, даизм, сюрреализм ва турли тармоқли оқимларнинг ўзаро зиддиятлари ўқитиш методикасига айниқса, қаламтасвирнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Санъатшунослик академик тарзда ўқитиш тизимига қарши бундай шаклда таълим-тарбия бериш ёшларнинг ижодий ривожланишига тўсқинлик қилади деб ҳисоблар эдилар. XX асрнинг бошларига келиб Фарбий Европа ва Америка Давлатларининг бадиий мактаблари тўла инқирозга учради, қаламтасвир ишлашда услублар ҳам кескин ўзгарди. Тасвирланажак намуна қиёфасини ноизчил ўрганиш, унинг тузилиш қонун-қоидаларини енгил-елпи эгаллаш оқибатида узоқ муддатли академик қаламтасвирлар ишлаш ўрни юксак қораламалар билан алмашди. Баъзи рассом-педагоглар эса ўз ўқувчиларига буюмлар шаклини хоҳлаганича бузиб тасвирлашга рухсат этдилар.

Бу ҳол собик совет тузумининг илк даврида ўқитиш тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Академияларда антик даврга мансуб гипс ҳайкал намуналари йўқ қилинди, иқтидорли рассом томонидан яратилган академик ишлар барбод этилди. Натижада академик расм чизиш мустақил ўқув фани сифатида ўзининг қадрини йўқотди. 1939 йилдан бошлаб собиқ иттифоқнинг кўпгина йирик шаҳарларининг олий таълим тизимида тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш бўлимлари ташкил этилди. 1942 йилдан бошлаб эса ушбу бўлимлар бадиий графика факультетларига айландилар. Ушбу ўқув даргоҳларда тасвирий санъат машғулотлари хусусан - академик қаламтасвир нарсаси ва буюмларни ҳаққоний қилиб ўхшатиб тасвирлаш йўлга қўйилгани билан эътиборлидир. Бунинг натижасида ёшларни турли хил формали йўналишларга кириб қолмасларига имконият пайдо бўлди. 1947 йилда собиқ иттифоқ бадиий академияси ташкил этилди. Унинг ўша йили қабул қилинган қарорларига эса 1947-48 ўқув йилидан бошлаб барча бадиий-олий даргоҳлари биринчи курсларида гипсда ишланган антик давр бош намуналари ва одам портрети, иккинчи курсларда инсон қомати ва гипс торс намуналари, учинчи курсларда инсон қоматининг турли мураккаб ҳолатларини тасвирлаш, тўртинчи ва бешинчи курсларда эса либоссиз гавданинг қаламтасвирни узоқ муддатда академик тасвирлаш вазифалари белгиланади.

Шундан сўнг собиқ иттифоқ республикаларнинг Таллин, Киев, Тбилиси, шаҳарларида бадиий институт ташкил этилди. 1955 йили Низомий номидаги ТДПИ қошида ҳам Бадиий-графика факультети ташкил этилиб, турли йўللarda иқтидорли рассом-педагоглар Ўзбекистон халқ рассомлари М.Набиев, Н.Қўзибоев, академиклар Р.Чориев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари А.Бойматов, М.Саидов, доцентлар К.Эминов, М. Тен, А.Иноғомов, Г.Абдурахманов, каби мутахассислар фаолият кўрсатади.

## МАВЗУ: ШАРҚ МИНИАТЮРА МАКТАБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ ВА ИШ МЕТОДИКАСИ.

I. Талаба ёшлар таълим жараёнида Ўзбекистон ҳудудидаги тасвирий санъатнинг шаклланиши тараққиёт тарихий босқичлари билан узвий боғлиқлиги босқичма - босқич ривожланиб, мукаммаллашиб келаётган методика фанининг, замонавий ўқитувчи кадрлар тайёрлашда тарбиявий моҳияти юксак эканлиги ҳақида билишлари учун аввало ўзимизда ривожланган тасвирий санъат турлари ва тарихи ҳақида чуқур билимга эга бўлиши талаб этилади.

Қадимдан Марказий Осиё, Миср, Хитой, Япония, Ҳиндистон каби мамлакатларда тасвирий санъатнинг анча қийин график чизмалари пайдо бўлган. Миср қадимдан тасвирий санъат мактабларига эга бўлган давлатлардан биридир. Тасвирий санъат борасида назарий билимларни илмий педагогик жиҳатдан талқин этиш масаласига санъат тушунчасининг ўзини таҳлил қилиш орқали ёндошиш мақсадга мувофиқдир.

Одамлар томонидан бирон-бир иш, нарса, буюм ва ҳақозаларнинг моҳирлик билан бажарилиши ва маромига етказиш инсон меҳнатининг санъаткорона бажарилганини билдиради. Демак, педагогларнинг ҳам ўз меҳнати пухта, чиройли, кам-кўстсиз бажариши санъаткорлик намунаси бўлиб ҳисобланади.

Таълим-тарбия беришда тасвирий санъат тушунчасининг ўзи қандай характерга эга эканлиги алоҳида илмий педагогик таҳлилни тақазо этади. Ана шунинг учун ҳам бу борадаги мавжуд назарий тушунчалар, уларнинг педагогика фанидаги ўрни ҳақида тўхталишимиз лозим.

Тасвирий санъат – энг қадимий ва кенг тарқалган санъат турларидан биридир. У кенг маънога эга. Ўз ўрнида ҳайкалтарошлик, рангтасвир, амалий санъат ва графика каби турларга бўлинади. Турлари ҳам ўз ўрнида яна бир қанча жанрларга бўлиниб кетади.

Тасвирий санъат тур ва жанрларини назарий жиҳатдан ўрганиш, шунингдек талаба, ўқувчиларга машғулот ёки суҳбат давомида кўргазмали қуроллар орқали ўргатишнинг услубий асослари, йўл-йўриқлари методик жиҳатдан алоҳида ўзига хос алифбосига эга. Тасвирий санъат воқеаликни, борлиқни шакллар, чизиқлар, ранглар, бўёқлар суртмаси орқали маълум бир текисликда, юзада, маконда ва ҳақозалар ижодкор (ҳайкалтарош ва рассом ) томонидан тасвирланадиган санъатдир. Шунингдек, тасвирий санъат маҳобатли ва дастгоҳли санъат кўринишларга эга. Маҳобатли дейилганда - ҳажм жиҳатдан бир неча баробар катта меъморчилик, меъморлик-ёдгорлик санъатига, шунингдек бирон-бир бадиий муҳитга мўлжалланган тасвирий санъат асарлари тушунилади. Дастгоҳ – бу асосан эркин ижодий фаолият туфайли яратилган асарлар тушунилади, уларни хоҳлаган жойга қўйиш,

намойиш қилиш мумкин бўлади.

Аждодларимиз тарихи биздан қанча узоқ бўлмасин ва уларнинг диний эътиқодлари ўзига хос бўлганлигидан қатъий назар биз билан уларни боғлаб турадиган нозик кўприklar бор. У ҳам бўлса, улар яратган ажойиб санъат намуналари, уларнинг маънавий қадриятлари, умумий дунёқарашларида инсоният тафакурининг узвий ривожланишига ўз таъсирини ўтказиб қолган тушунчалари ва билимларидир. Шунинг учун ҳам замонавий рассом ўқитувчларни ҳар томонлама тарбиялашда, шакллантиришимизда бундай ўтмиш мерос намуналарига мурожат қилиб туришимиз, уларни таълим жараёнида нафақат ўтмиш намунаси сифатида, балки услубий мукамал воситалар сифатида фойдаланишимиз мумкин.

Энг қадимги тасвирий санъатдан фарқли ўлароқ Марказий Осиё санъат мактабини Юнон санъати билан уйғунлашган намуналаридан кўриш мумкин. Бу санъат мактабини Искандар изи бўйлаб шаклланган тасвирий санъат мактаби деб аташга асослар бор. Маълумки, милoddан аввалги 329-327 йилларда Искандар қўшинлари Марказий Осиё ҳудудларини маккорлик ва ҳийла билан босиб олишган. Юнон тили, маданияти, санъати динини тарғиб қилишган. Натижада юнонлаштириш вужудга келган. Маҳаллий халқлар тасвирий ва амалий санъати билан юнонлар санъати ўртасида уйғунлашув бошланган, натижада юнон санъатига хос ҳайкалтарошлик, деворий расмлар, амалий санъат намуналари пайдо бўлган.

Тасвирий санъат тарихида халқларнинг алоқаларини боғлаб турган Буюк ипак йўлининг ҳам таъсири катта бўлган. Халқлар ўртасидаги савдо-сотиқ алоқалари, улардаги ҳар хил асбоб-ускуна, қимматбаҳо санъат намуналари орқали ўтиши натижасида тасвирий санъатнинг уйғунлашувига олиб келиши табиий бир ҳол эди. Буюк ипак йўли орқали халқлар ўртасидаги алоқа тасвирий санъатни нафақат уйғунлашувига таъсири бўлиб қолмасдан, бир-биридан андоза олиб, бойиб боришига сабабчи бўлганини Кушонлар даврини ўрганиш жараёнида гувоҳ бўламиз.

Тасвирий санъатнинг илғор намуналари қадимги маданий тараққий этган ўлкалар Суғдиёна (Зарафшон ва Қашқадарё вилоятлари), Бактрия (Сурхондарё, Жанубий-Ғарбий Тожикистон, Шимолий Афғонистон), Парфия (Туркманистоннинг Ашхобод вилояти, Шимолий-Ғарбий Эрон), Чоч (сирдарёнинг ўрта ҳавзоси, ҳозирги Тошкент вилояти, Жанубий Қозоғистон) шунингдек Қадимги Хоразм, Қадимги Фарғона ҳудудларида мавжуд бўлиб келганини кўрамиз. Қисқаси тасвирий санъат борасида бебаҳо асарларини ҳар бир санъат ўқитувчиси билиши лозим. Чунки Ўзбекистон тасвирий санъат тарихи, унинг илғор ўзига хос анъаналарини ўқитувчилар тайёрлашдаги тасвирий санъат таълимини мазмунини бойитибгина қолмасдан, илмий педагогик жиҳатдан тўғри талқин қилишнинг моҳиятини очиб беради.

Қадимги ҳайкалтарошлик санъати – тасвирий санъат тарихини ўрганишда алоҳида илмий педагогик қимматга эга.

Ўзбекистон ҳудудига мансуб қадимги рангтасвир санъати ўзига хос бебаҳо

намуналарга эга. Афросиёб рангтасвир санъати, Бешиктепа рангтасвир санъати, Варахша санъати, каби ўтмишдаги машҳур рассомларнинг иш тажрибаси, билими шунингдек педагогик маҳоратига эътибор қаратмоқ лозим ва бугунги мусаввир ўқитувчиларнинг шаклланишида санъатимиз меросидан тўғри, унумли ва илмий асосида фойдаланишимиз жоиздир.

Биз аجدодларимизнинг маданияти ва санъати сирларини қанчалик ўрганар эканмиз, улар қолдирлган излар аниқроқ кўзга ташаланаверади, қадимги манзилгоҳлар, улар яратган маданий-маънавий мерослар ҳақида батафсил ҳикоя қилаверади. Биз уларни яқиндан ўрганиб дунёқаршимизни бойитишимиз ва тарихий далиллар асосида тасвирий санъат методикасини янада ривожлантиришга ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Миниатюра санъатига келсак, бу санъат аввало қоғоз билан боғлиқ. Араб олими Ибн Надимнинг ёзишича, 87 ҳижрий (мелодий 706) йилда дастлаб Самарқандга келганларида қоғозсозлик корхоналарини кўриб ҳайратга тушган, деб ёзиб қолдирган.

Бундай устахоналар Хивада, Қўқонда, Бухорода, Самарқанда, Тошкентда ва бошқа жойларда мавжуд эди. Хива хони Саид Муҳаммад ўз саройида бир қанча ҳаттотларни, моҳир наққошлар ва рассомларни тўплагани маълум бўлиб, у китобга ихлос қўйган киши эди. Унинг катта кутубхонаси бўлиб, шу кутубхонада қўлёзмалар кўчирилар ва безатилар эди. Бундан ташқари Бухоро хони Амир Олимхон саройида ҳам машҳур кутубхона бўлиб, унда жуда кўп миқдорда китоблар тўпланган ва ҳаттотлар шуғулланганлар.

Хива мактабига мансуб Худойберган-Девон малакали уста соатсоз бўлиб у бир қанча китобларни безаганлиги маълум. Бухорода туғилиб ўсган шоир Аҳмад Дониш (1827-29-1897) шоирлик билан бирга ҳаттотлик ҳам қилган. Бир қанча қўлёзмаларни қайта кўчириб уларга миниатюралар ишлаган. Бухоро музейида сақланаётган "Лаззати ва Нисо" китобига ишланган 27 та миниатюраси жуда ҳам характерлидир. Бу рассом ижодий фаолияти яхши ўрганилмаган, кенг китобхонлар бу рассом билан яқиндан таниш эмас. Уни шоир деб билишади.

Тасвирий санъатнинг тарбиявий вазифаларини юксак мутахассислик тайёргарлигига эга бўлган ўқитувчи мусаввирлар томонидан амалга оширилиши, тарбиянинг янада мазмунли бўлишига туртки бўлади. Агар тасвирий санъат орқали тарбия олиб борилмас экан, бундай таълим синади ва ўз таъсирини йўқотади.

Бундай таълим-тарбиянинг моҳиятини улўф мутахассислар, олимлар, шоиру ёзувчилар, мусаввир-педогоглардан К.Бекзод, Лутфий, А. Жомий, З. Бобур, Д. Самарқандий, Музаҳҳиб М. Хондамир, К. Бекзод, Аттор, А. Яссавий, Абу Наср бин Аррон, Улуғбек, Х. Абдулхай, Пир Саид Аҳмад ва бошқалар жуда яхши тушинишган. Пир Саид Аҳмад ва Х. Абдулхай каби рассомлар Самарқанда яшаб ижод этган ва уларни Осиё миниатюрачилари қаторида эслашимиз мумкин.

1398 йили яратилган миниатюралар "Антигеологияси" ўз мазмунига

эгадир. Бу китоб Туркиядаги давлат кутубхонасида сақланмоқда.

Турон (Қашқар)дан топилган Моний асарлари Самарқанд қоғозига битилганлигини тадқиқотчилар томонидан аниқлаган. Моний қадимнинг машҳур рассоми бўлган. Унинг асарларидан намуналар топилган "Худудул олам" (олам чегаралари) деган X - аср график асарларида ёзилишича, монийлар (Моний таълимоти тарафдорлари) нинг Самарқандда обрў эътибори кучли бўлиб, ҳижрий 372 (мелодий 682) йилгача ижодлари орқали катта нуфузга эга бўлганлар.

Археологик ёзма манбаларга асосланиб биз Ўрта Осиё миниатюрасининг тарихи жуда қадим-қадимлардан тарқалганини айта оламиз.

Ўрта Осиёда машҳур расомлар, усталар, наққошлар ва ҳайкалтарошлар ўтганлигини тарихий фактлар асосида исботлай оламиз ва Ўрта Осиёда тасвирий санъат ва миниатюра санъати бўлмаган деган баъзи даъволарни асоссиз эканлигини исбот қиламиз. Бизга маълумки Ўрта Осиёда ривожланган маданият ва санъат ўчоқлари Араб, Мўғил босқинчилари томонидан яқсон қилинган. Албатта, Темур ва Темурийлар даврида маданият жуда раванқ топиб гуллаб яшнаган. XIV-XVI асрларда Шарқ мамлакатларида, жумладан Ўрта Осиёда ривожланган бу санъат XVIII-XIX асрларга келиб анча тушкунлик даражасини бошидан кечирди.

### БОБУРИЙЛАР ТАСВИРИЙ САНЪАТ МАКТАБИ.

Бу даврда яъни XVI-XVII асрларда Бобурийлар томонидан ташкил қилинган тамойили янги тасвирий санъат мактабида Ўрта Осиёлик машҳур миниатюрачи расомлар етакчи роль ўйнаганлар.

"Бобурийлар" миниатюра мактабига асос солганлардан бири Мир Саид Али бўлиб, XVI-XVII аср Ҳинд ёзма манбаларида ёзилишича, у ўз замонасининг кўзга кўринган муссавири бўлган. Мир Саид Али Термизда таваллуд топган, мусаввирлик касбини отаси, моҳир расом Мир Мансур ёки уста Мансурдан ўрганган ва тирикчилик тақозаси билан Ҳиндистонга бориб қолган. Бундан ташқари Ҳинд миниатюра мактабида бошчилик қилган Ўрта Осиёлик Муҳаммад Мурод, Муҳаммад Нодир Самарқандийлар ва Фаррухбекларнинг ўз юртини ташлаб кетишларига албатта Ўрта Осиё хонликларининг тарқоқлиги ва маданиятнинг унча қадрланмаслигидан далолат беради. Биз XVIII, XIX, XX аср бошларида Ўрта Осиёда бир қанча Хаттотлик устахоналари, моҳир мусаввир – усталаридан бири Камолиддин Беҳзод тўғрисида гапирар эканмиз, у ижодий фаолиятида Осиёда тенгсиз мусаввир даражасига кўтарила олган шахсдир. Беҳзод ва унинг шогирдлари тасвирий санъатни оммавий даражада – жамият миқёсида кўтаришга эришган мусаввирлардир. Уларнинг ғоявий тарбиясига қўшган ҳиссаси эса ўзига хос тасвирий санъат ўқитишнинг услубий шаклини қолдирганлигида бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ўзининг баҳосини йўқотган эмас. У устоз сифатида ўз шогирдларини формализмдан йироқ тутишга ҳаракат қилади. Буни исботи эса Беҳзоднинг ўта қобилятли, инсон сифатида жуда

мўмин-қобиллиги А.Навоий томонидан жуда юқори баҳоланган.

А.Навоийнинг ва темурийларнинг ҳомийлиги туфайли тасвирий санъат ўта талабга жавоб берадиган даражада ривожланган.

### САМАРҚАНД МИНИАТЮРА МАКТАБИ

Миниатюра мактаблари Шарқда жуда ривожланган бўлиб, турли номлар билан аталади. Мисол, "Бухора мактаби", "Бобурийлар" миниатюра мактаби, "Шероз" мактаби, "Асфохон" мактаби, "Язд" мактаби, "Бағдод" мактаби, "Табриз" мактаби каби йирик тасвирий санъат марказлари мавжуд бўлган. Темур ва Темурийлар даврида Самарқанд ўзининг равноқ топиши туфайли жаҳонни ва Ғарбий Европа давлатларини ҳам лол қолдирган эди. Аммо Самарқанд миниатюра мактаби тўлиқ ёритилмаган. Шарқнинг "Рафаэли" ҳисобланмиш К.Беҳзод бошчилигида камол топган Ҳирот мактабининг шаклланишида Самарқанд миниатюра мактабининг тутган ўрни муҳимдир. Самарқанд Темурийлар даврида илм-фан, санъат равноқ топган давлатнинг пойтахти эди. Ҳирот мактаби Самарқанддек санъат ва маданият ўчоғининг ажралмас бир қисми бўлган. Самарқандга бостириб келган араблар илк бор қоғозни Самарқанд шаҳрида кўришган ва лол қолишган. Аниқ тарихий маълумотларга кўра К.Беҳзод миниатюра санъатини Пир Саид Аҳмад Табризийдан ўрганган. Пир Саид Табризий эса "Умдай ул-мусаввирир" (мусаввирлар пешвоси) номи билан машҳур Бухоралик устоз Жаҳонгирнинг суюкли шогирди бўлган. Устоз Жаҳонгир эса темурийлар давлати тасвирий санъатининг асосчиси устоз Гунг (Соқов)дан таҳсил олган.

Демак, Самарқанд тасвирий санъат мактаби ўзига хос таҳлилни кутуб ётибди. Айниқса "Самарқанд деворидаги жанг" асари (Туркияда "Юлдуз" кутубхонасида) сақланмоқда. Бу асарларда Самарқанд тасвирий санъат мактабига хос портретлар аниқлиги ва табиат манзарасини ёрқинлиги билан миниатюраларга ўзига хос услуб бахш этган. 1441-42 йилларда номаълум мусаввирлар томонидан Мирзо Улуғбек тасвирининг яратилиш даври Ҳирот мактабидан ҳам аввалроқ Самарқандда кенг ривожланганлигининг исботидир. Айниқса, "Соҳибқироннинг бўладиган жанг олди мажлиси" миниатюра асари диққатига сазовардир.

Бу асарда Темур ва унинг аёнларининг сурати чзилган. Бу асарга "Халил Мирзо Шохрух" деб имзо чекилган. Бобурий "Жаҳонгирнинг" гувоҳлигида "Агарда тасвирда мусаввир номи аниқ қилиб ёзилмаганда эди, бу асарни К.Беҳзод мўйқаламига мансуб дейиш мумкин эди". Чунки бу иш услубий жиҳатдан К.Беҳзод ижодий мактабини эслатади. К.Беҳзод фаолиятдан анча аввал яратилган бу асарнинг муаллифи Халил Мирзо Шохрух ўз навбатида устоз Беҳзоднинг устози бўлган. Аммо Жаҳонгир таърифлаб кетган бу асар ҳали чоп этилмаган.

Лекин XIII-XIV асрга мансуб бўлган бу асар муаллифининг асл исми

Халил Мирзо Шохруҳ бўлмаган, чунки ўша даврда Осиёлик мусаввирлар ўз асарининг тагига имзо чекиш одати бўлмаган. Амир Темурнинг ҳаётлигида бошланган бу асар унинг ўлиmidан кейин ҳам давом эттирилган. Соҳибқирон Темур вафотидан кейин Самарқанд тахтини эгаллаган Халил Мирзога ҳам бағишланган бу асарнинг ниҳояси пайтида тахтга Шохруҳ Мирзо ўтирган. Аммо Ўрта Осиёдаги Самарқанд миниатюра мактабларида портрет жанри ва тарихий воқеалар баёни миниатюрачиларнинг изчил мавзусига айланган.

Самарқандлик мусаввирлар Маъсуд ибн Усманий Кўхистонийнинг Абдулхайирхон тарихи асарига чизилган "Чингизхоннинг Сирдарё соҳилларида ўз ўғилларини қабул этиши", "Газанхон Урғонда", "Абдуллахон портрети" ва Хотифийнинг "Темурнома" асарига ишланган "Темурнинг Ҳиндистонга юриши", Шарафиддиннинг Али Яздий "Зафарнома" асарига ишланган "Темур Самарқанд атрофида базми жамшида" миниатюралари юқоридагиларнинг тасдиғидир. Самарқанд миниатюра мактабининг намоёндаларидан Муҳаммад Мурод Самарқандий, Муҳаммад Носир Самарқандий Мир Саид Али (Табризий таҳаллусини олимлар унга бериб, Эрон миниатюра мактабига мансуб деб янги кўрсатма бериб келганлар, аслида эса Термизлик)лардир.

Мир Сайид Алининг отаси Мир Мансур моҳир мусаввир бўлган. Осиёдан Ҳиндистонга келиб ижодий фаолиятларини давом эттиришган.

Мусаввирлардан Муҳаммад Носир Самарқандийнинг ўн битта асари Британия музейида, Париж ва Ленинград илмий муассасаларида эса биттадан имзо чеккан портретлари сақланмоқда.

Мир Саид Али ва қисман Хўжа Абдусамад мўйқаламига мансуб Темурийлар хонадони асари ҳам жуда машҳурдир. Улар Хумоюн, Акбар Жаҳонгир, Шох Жаҳон, Шохруҳ Мирзо, Бобур, Султон Муҳаммад ва Мироншоҳларнинг тасвирларидир. Бу асарлар Лондонда "Британия" музейида сақланмоқда. Хулоса қилиб айтганда Самарқанд миниатюра мактабининг собиқ талабалари асарларини кенг ўрганиш, қидириб топиш, шундай мактаблар мавжудлигини, ишлаш усулларини омиллаштириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир.

1955 йилдан бошлаб педагогик институтлар ҳузурида бадиий графика факультетларнинг тармоқлари тузилди. Шу йили Низомий номидаги Тошкент давлат институтида ҳам шундай факультет очилди. Бугунги кунда Бухоро ва Наманганда, Жиззахда ҳам бадиий графика факультетлари очилган. Мана шу институтларда, рассомлар академиясида, собиқ иттифоқ педагогика фанлар академиясида, ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида расм ўқитиш методикасини ишлаб чиқишга киришилди. Тасвирий санъат ўқитувчиларидан кўпчилиги мактаблар учун қўлланмалар тайёрлашга киришди.

Умумтаълим мактабларида расм ўқитиш методикасини ривожлантириш ва илмий ишлаб чиқиш учун қулай имкониятлар пайдо бўлди.

1970 йилда янги ўқув программалари ишлаб чиқилди ва таъсис этилди, уларда тасвирий санъат ўқитишнинг мақсад ва вазифалари кўрсатилган ўқув материалининг мазмуни аниқлаштирилган эди. Эстетик тарбия

вазифаларининг кенгайтирилиши, ўтмишдаги буюк рассомларнинг методларини ижодларини ўрганиш натижасида "Расм" фани ўрнига янги ўқув предмети "Тасвирий санъат" фани пайдо бўлди.

Ўқувчиларнинг нафосат туйғуси ва ижодкорлик қобилиятини ўстириш учун қарорда кўрсатиб ўтилганидек, эстетик туркумдаги предметлардан унумли фойдаланиш керак: айниқса адабиёт, музика, тасвирий санъат, эстетиканинг бадиий таълим тарбиянинг имкониятларидан яхшироқ фойдаланишни назарда тутилади.

Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий масалаларидан бири: Таълим ва тарбия сифатини оширишни ҳар бир предметни ўқитишнинг юксак илмий даражасини, фан асосларини мустаҳкам эгаллаб олиш, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбияни, эстетик ва жисмоний камолотни яхши таъминлашни, ўқув режалари ва дастурларни, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни, ўқитиш методларини такомиллаштириш керак экан, бу вазифани асосан тасвирий санъат фани ўзига хос ўқитишдаги янги методлари билан бойитади.

### ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДА РОССИЯ МАКТАБЛАРИ.

Собиқ шўролар ҳокимияти ўсиб келаётган авлод тарбияси масалаларини тушунишга тубдан янгича ўзгаришлар киритди. Табақаларининг йўқолиши, мактабнинг диндан ажратилиши туфайли- мактабдаги барча таълим ишлари қайтадан кўриладиган бўлади. Халқ маориф ходимлари олдига ўқитишнинг мазмуни, шакли, ҳам методларини қайта кўриш вазифаларини қўяди.

Лекин бу даврда ҳам педагогларнинг болалар ривожига биологик ҳамда социал омилларга наслий факторларга боғлиқ деб таъкидловчилар бор эди. Бу назария болаларни расм чизиш қоидаларига ўргатиш керак эмас дейдиган аввалги ҳолатига қайтаради. Идеология назарияси тарафдорларнинг фикрига кўра, наслийлик асосий омил бўлиб, ундан келиб чиқадиган хулоса одамда санъатга туғма, наслий қобилият бўлмаса, уни ўқитиш бекорга вақт кетказиш деб ҳисобланар эди. Бу назария мактаб праграммаларида ҳам ўз аксини топган.

Педагогларнинг фаолияти- 20-йилларининг охиридан 1936 йилгача 4 июлда собиқ партия МК нинг "Халқ маориф системаси соҳасидаги идеологик чалкашликлар ҳақида" қарори чиққунгача давом этди.

Бу ишлар умумтаълим мактабларидаги расм чизишга ўргатиш сифатини яхшилашга таъсир қилди.

Бундай кураш расм чизишни ўқитишнинг янги методикаси пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Мактабда тасвирий санъат ўқитиш методикасининг шаклланишида болаларни бадиий тарбиялаш Марказий уйи (ИДХВД), айниқса 1933 йилда унинг қошида уюштирилган Рассомлик методик советининг маълум даражада хизмати бўлди. Гарчанд ЦДХД асосан синфдан ташқари ва мактабдан ташқари

ишлар билан шуғулланса ҳам, шу билан бир қаторда у болаларни бадиий рассомлик масалалари бўйича тарбиялаш соҳасида якаю-ягона илмий методик марказ эди.

Ўша йилларда расм ўқитувчилари томонида қатор қўлланмалар, илмий мақолалар ва тўпламлар нашр этилди. Расм методикаси билан таниқли рассомлар ҳам шуғуллана бошладилар. Шулар ичида умумтаълим мактабларида расм ўқитиш бўйича собиқ совет методикасининг ривожига таъсир кўрсатган таниқли педагог-рассомлардан Д.Н.Кардовский (1866-1943) ҳамда К.Ф.Юон (1875-1958) лар бўлган. Жумладан Д.Н.Кардовский ўрта мактаблар учун расм ўқитувчиларини тайёрлайдиган олий ўқув юртларини очиш ташкилотчиларидан биринчиси бўлди. У ва унинг шогирдлари 1939 йилда дастлабки ўқитувчилар институтини тузишнинг ташаббусчилари бўлдилар, шу институт асосида 1942 йилда Москвадаги В.П.Потемкин номли шаҳар педагогика институтида бадиий графика факультети очилган эди. В.Потемкин номидаги МГПИ даги рассомлик график факультети 1955 йилга қадар олий маълумотли расм ва чизмачилик ўқитувчиларини тайёрлайдиган собиқ СССРдаги ягона факультет бўлиб турди.

Факультетдаги рассомлик таълими системасига Д.Н.Кардовскийнинг педагогик принципи ва методи асос қилиб олинди. Кардовскийнинг шогирдлари, издошлари қатор институтларнинг бадиий-графика факультетларида унинг принцип ва методларини ривожлантириб, такомиллаштира бордилар.

Д.Н.Кардовский ўтмишдаги энг яхши анъаналарига таянган ҳолда расм ўрганиш методикасининг янги қирраларини намоён этди. У ўз методикасига "қирқма" (обруб), яъни буюмларнинг ўта мураккаб шаклини жуда соддалаштириш принципини асос қилиб олди ва шу метод ёрдами билан уч ўлчовли шаклдаги предметни икки ўлчовдаги саҳнда тўғри ва қонуний жойлаштиришга эришди. Масалан, хурмачага қараб бола расм чизар экан, у аввало буюм шаклининг асосини- цилиндрми ёки думалоқ шарми, шуни билиб олиши, кейин натурага қараб аниқлаштириш керак деб тушинтирилади.

Д.Н.Кардовскийнинг расмга ўргатиш методидаги асосий қоидаларининг кейинчалик турли рассомлик, педагогик ва умумтаълим ўқув юртларида дарс берган унинг издошлари давом эттириб ривожлантирди. Улар ўрта умумтаълим мактаблари учун расмга ўргатиш ўқитувчиларини тайёрлаш ишида Кардовскийнинг системасининг қоидаларига таяниб иш кўрадилар.

Константин Федорович Юон ҳам умумтаълим мактабларида расмга ўргатиш методларини ривожлантириш ишига маълум ҳисса қўшганлардандир. Юон рассомлик мактабларидаги ўқитиш методикаси масалаларига катта эътибор бериш билан бирга, умумтаълим мактабларида расмга ўргатиш масалалари билан ҳам қизиқди, шу борада қимматли фикрлар айтди. Юон кўзга кўриниб турган дунё қонунларини мунтазам ва оғишмай ўргатиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлади.

40-йилларда собиқ совет мактаби сиёсий санъат йўлига мустаҳкам

ўрнашиб олди. Расм чизишга ўргатишнинг принцип ва методлари тасдиқланди. Расмдан таълим бериш проблемаларини янада чуқурроқ илмий ҳал этиш зарурати пайдо бўлди.

Ўрта мактабда расмга ўргатиш собиқ совет методикасининг янада ривожланишига РСФСР педогогика фанлар академияси (1943) ҳамда собиқ СССР рассомлик академияси (1947) катта таъсир кўрсатадилар. Собиқ РСФСР Педагогика фанлар академиясининг педагогика назарияси ва тарихи институти ҳузурида (1944) махсус эстетик тарбия кабинети тузилди, сўнгра бадий тарбиялаш бўйича илмий-тадқиқот институти (1947) барпо этилди. Бу институтнинг ходимлари болалар ижодий илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, мактаблар учун ўқув программаларни ҳамда ўқитувчилар учун методик қўлланмаларни ишлаш билан шуғулланадилар.

Собиқ РСФСР ПФА, СССР ПФА си қилиб қайта тузилганига қадар бадий тарбия институтида қўлланмалар тайёрланди, тўпламлар нашр этила бошланди, журналларда қатор мақолалар эълон қилина бошланди. Асосан рус тилида расм чизишдан дарс бериш методикаси масалалари билан кўпгина мутахассислар шуғуллана бошлайдилар. Мактаб ўқитувчилари учун китоблар нашр қилиши кенгайди. Жумладан, С.С.Кондахчаннинг 1951 йили "Ўрта мактабда расм ўқитиш методикаси" китобининг нашр этилишини ўқитувчи ва мутахассисларларнинг асосий оммаси маъқуллаб кутиб олишди, бироқ баъзи бир танқидий фикрлар ҳам айтилди. Дарҳақиқат, китоб камчиликлардан холи эмас, бироқ Е.С.Кондахчаннинг принципаал қоидалари тўғри эди. Бу асар расм ўқитувчиларини санъатга ўтмиш меросини ўргатишга, хусусан, Кондахчанга тез-тез мурожат қилиб турадиган П.П.Чистяковнинг педагогик меросини ўргатишга даъват қилар эди.

50-айниқса 60-йилларда бир қатор илмий тадқиқот асарлари пайдо бўлдики, булар ўқитиш методикаси назариясини кўп жиҳатдан бойитдилар.

Бу асарлар расм методистларига ўз проблемаларини ҳал этишга тўғри ёндошишга кўмаклашдилар

50-йилларда мактабдаги методик ишларни тартибга солиш мақсадида расм бўйича махсус дарсликлар тузиш ғояси пайдо бўлди.

1957 йилда биринчи ва иккинчи синфлар учун дастлабки синов дарсликлари (муаллифи Н.Н.Ростовцев), кейин унга қўшимча сифатида методик қўлланма чиқди. 1961 йилда янги иккита дарслик-III ва IV синфлар учун (муалифли Н.Ростовцев) китоблари чиқди. Мана шу дарсликликларга болаларнинг таълими бошиданоқ натурага қараб расм чизишни ўргатувчи П.П.Чистяковнинг системаси асос қилиб олинган эди.

60-йилларнинг бошларидан эса расм экспериментал дарсликлари мунтазам чиқа бошлади.

Шу йилларнинг ўзидаёқ мактабларда тасвирий санъатни ўқитиш методикасига бағшланган назарий асарлар нашр этилди.

1966 йилда собиқ совет ҳукумати қарорига асосан Педагогика Фанлари Академияси қилиб қайта тузиш ҳақидаги қарори чиқди. Шу билан бир қаторда

Академиянинг илмий тадқиқот институтлари ҳам, шу жумладан бадиий тарбия институти ҳам қайта қурилди. Айни вақтда собиқ РСФСР Маориф Минстрлиги ҳузурида тасвирий санъатни ўқитиш методикасини ўрганиш бўйича махсус лабораторияли илмий-текшириш институти ташкил қилинди.

XX аср бошларида рус педагоглари тарбияда чексизлик назарияси тус олди. Бу эса ўқувчи, ўқитувчисиз ўқиши кераклигини тақозо этади.

Бу нуқтаи назар янгилик эмас эди. Мактабда расм ўқитишнинг методлари ва ўқув режалари мазмуни қайта ишлаб чиқилади. Бу ўқув режаларида натурадан, мавзу асосида ҳамда декоратив расм ишлаш кабилар киритилади. Шулар билан биргаликда суҳбат ўтказиш дарслари ҳам берилган эди. Футурлайлар шу йилларда ҳам копировка методларини ёқлаб, талабаларнинг ўқишларида перспектива назариясига қарши чиқдилар.

А.Сапожников ўзининг серунум меҳнати билан тасвирий санъат бўйича бадиий Академияга ўз улушини қўшди. Россия XIXасрда Европада биринчилар қаторида эди. Бунда К.Брюлов ҳам ўзининг катта хизматларини кўрсатди. 1758-1805 йилларда Академия тасвирий санъатнинг намунали маркази бўлди. Арзамас ҳамда Венецианов рассомлик мактаблари бошқалар Академияга боғлиқ эдилар. Бу мактабларга Академия методик ёрдам жиҳатдан катта хизмат қилади.1834 йили А.Сапожников "Расм курси " китоби нашр этилди. Муаллиф китобида турли чизиқлар воситасида ўз ўқувчисига маълумотлар бериб, ундан сўнг бурчаклар, турли фигуралар билан таништиради. А.Сапожников ҳажмли буюмлар билан машхур моделларига мурожат қилиб, перспектива ҳамда геометрик жисмларга келади. Китобда ёруғ ва соялар устида ҳам гап бориб, кўргазмали моделларга тўхталади. Ўқувчилар оддий ва геометрик жисмларни яхши ўзлаштириб олсалар, сўнг мураккаб геометрик жисмга ўтар эдилар. Олдин геометрик фигуралардан натюрмортлар ишлаб, сўнг эса гипсли каллалар ишлаштишни олдига сурган. Сапожников калла конструкциясини, кўргазмали воситасини ишлашди. Кўргазма гипс каллани ишлашда анча олдинда туради.Сапожников ўз ўқувчиси олдига натурани ўлчаш, уни ҳис этиш каби маслаҳатлар беради. Модел ва перспектив таблицалар ишлайди.

Расм таълимини ўрганишда натурадан фойдаланмай Прейслер китобидан нусха олинар эди. Бундай методлардан барча педагог ва рассомлар ҳам фойдаланишган. Яна бу методлардан рассомлик мактаблари ҳамда бадиий Академияда фойдаланишган. Прейслер методида камчиликлардан бири улар натурадан фойдаланмадилар. Нусха олиш билан шуғулланди. Шаклларни чуқур таҳлил этмадилар. Нарсаларни конструкцияси ўқитилмади.

Педагог ва методист П.П.Чистяков 1832 йили деҳқон оиласида туғилади. У 8 ёшга қадар отаси қўлида таълим олади. 1840 йили Красний Холм шаҳрига отаси томонидан ўқишга юборилади. Талаба 12 ёшга етганида Бежецк шаҳридаги 4 класс уезд ўқишига боради. Уезда умумтаълим ва расм фанларини жиддий равишда ўқиб мактабни аъло тугаллайди. Ўқишни тугатганидан сўнг /1847/ ер ўлчовчисининг ёрдамчиси бўлиб хизмат қилади.

1849 йили Чистяков Петербург бадий Академиясига ўқишга киради. Академияни аъло тугатиб, чет мамлакатларга бориб келгандан сўнг, у Академияда ишлайди ва 1890 йили Бадий Академияни мозаика бўлимини бошлиғи бўлади ва ана шу вақтларда методика таълимига асос солади. У ҳаётини билим билдан боғлайди. Ҳақиқий буюк санъаткор, илмсиз бўлиши мумкин эмас. Юқори рангтавир техникаси учун перспектива ва фантазия илми зарурдир. Чистяковнинг ўқувчилари унинг яхши ҳислатларини эслайдилар. Бадий академияни 2 сессиясида собик СССР Бадий Академияси президенти, Академик А.М.Герасимов шундай дейди, "Биз эски рус макабининг энг яхши анъаналарига амал қилиб, уни шакллантиришимиз керак. Асосан Чистяковнинг педагогик система анъаналарини ривожлантиришимиз ва шакллантиришимиз зарур"—дейди.

Мактабларда расм дарсини ўқитишда расм педагоглардан. Д.Н.Кардовский /1866-1943/ ва К.Ф.Юоон /1875-1938/ собик совет тасвирий санъат методикасига катта ҳисса қўшдилар.

Д.Н.Кардовский қаламтавир соҳасида кўзга кўринган намоёндалардан биридир. У П.Чистяков Академия мактабини ўтаган ҳамда Мюнхенда таниқли расм-педагог А.Ашбе қўлида таҳсил олади.

Кардовский мураккаб формаларни оддийлаштириб ишлашни кўрсатиб берди. У "обруб" принципини ишлаб чиқди. Ўқувчи айланали нарсаларни ишлаш учун у олдин цилиндрли қилиб, сўнг уни оддийлаштириб ўхшашликни чиқаришга ўргатди. Шундай қилиб, уч ўлчовли формаларни келтириб чиқаради. Унинг ишларини кейинчалик ўқувчилари давом этирди. Тасвирий санъат ўқитиш методларини ривожлантиришда Юоон К.Ф. ҳам ўзининг қимматли умрини бағишлади. Таълим мактабларида расм дарсларига катта аҳамият берди. Расмнинг инсон шахсини аниқлашида ҳамда теварак ҳаётни тушунишида жуда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб беради ва томошабин дунёни қўллар ёрдамида доим ўрганиш кераклигини ҳам кўрсатади. Ўша йиллари қуйидаги методик китобларни ўқувчиларга тавсия этади: П.Я.Павликов "Графическая работа", Кардовскийнинг 1938 йили чоп этилган "Детский рисунок" китобларидир.

К.Ф.Юоон расм фанини зарур эканлигини кўрсатади. Агар унга вақт тўлиқ берилганда эди, масалан, ўқитиш методик образларини ишлаб чиқиш устида, ана унда бошқа фанлар бўйича билим олишлари осонлашар эди. "Инсон шахсини шакллантиришда расм катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳаёт ходисаларини тушунишни шакллантиради",-- деган эди. К.Д.Юоон. "Менинг асосий чизишим шундан иборатким, уни доим ўрганиш керак ҳамда томошабин дунёсига қонидлар бўйича кўрсатмоқ керак".

Перспектива ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш зарур. Горизантал чизиқларнинг ҳолатлари инсон кўзининг жойга қарашга нисбатан бўлиши керак. Талабалар ранг билан ишлаганларида эса спектр ёруғ ва сояларни чиқаришдаги режаларни олиш ва бошқалар. Шу билан Юоон ўқувчиларни геометрик шакллар билан ишлашни айтиб утади. Расмнинг бошқа фанлар

билан боғликлигини ва уни илмийлигини кўрсатади.

МАВЗУ.1920-1990 ЙИЛЛАРДАГИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТИШ  
МЕТОДИКАСИНING ҚИСҚАЧА ТАРИХИ  
/РОССИЯ, ЎЗБЕКИСТОН/

Янги вазифаларни амалга ошириш катта назарий ёки практик ишларни амалга оширишни, халқ маориф барча ходимларнинг жипслашувини талаб этди. Бундай бирлашувга бирданига эришиш мумкин эмас эди. Дастлабки пайтларда санъатни давлатнинг вазифаларидан четда туришига ҳаракат қилган, ўтмиш меросини ўрганишнинг аҳамиятини рад қилган арбоблар бу ишга анчагина тўсиқ бўлдилар.

Бадиий ижод соҳасида реалистик санъатнинг мустаҳкам эътиқодли тарафдорлари билан жиддий мактабни рад этувчи буржуа формалистик йўлнинг тарғиботчилари ўртасида кескин ғоявий кураш борар эди.

Афсуски, ҳокимиятнинг дастлабки йилларида расмий санъат маъмурияти, маориф ходимлари вазиятга тўғри баҳо бериша олмадилар. Рассомчилик Бадиий академиясида антик давр ҳайкалларида ишланган ганч кўчирмалар уриб синдирилди, чиқариб ташланди, унинг назарияси ва методикаси соҳасида бошбошдоклик ҳукмрон эди. 1921 йили ягона меҳнат мактабида ўргатиладиган тасвирий санъат ўқитиш праграммаси илмий жиҳатдан жиддий камчиликларга эга эди. Масалан, праграммада таълимнинг дастлабки поғонасида "натурага қараб мажбурий расм чизишдан мутлақо воз кечиш керак" деб айтилган эди.

Праграммаларда тасвирий санъатдан савод чиқаришни эмас, балки болаларни тўла равишда ўз ихтиёрига ташлаб қўйиб, уларнинг қобилиятини ривожлантиришга интилиш асос қилиб олинган. Йигирманчи йилларнинг бошларида кўпчилик мактабларда болаларни тўғри, реалистик расм чизишга ўқитишган эмас. Мазмунсиз устомонлик методиканинг моҳиятини чиқарибгина қолмасдан, балки умумтаълим мактабларидаги расм ўқитиш ва вазифаларини ҳам бузиб қўймоқда эди. Натижада расм чизиш болаларнинг ақлий ривожига ҳеч нарса бермагандан ташқари, аслида уларнинг эстетик тарбиясига тўсиқ бўлиб қолган эди.

20 - йилларнинг охири 30 – йилларнинг бошида ўқитишнинг формалистик методлари кенг ва адолатли танқид қилина бошланди. Бу методларнинг келтирилган зарарлари яққол кўриниб қолади. Собик ВКП (б) Марказий комитетининг 1931 йил 25 августидаги қароридаги мактабдаги таълим етарли даражадаги умумтаълим билимларни бера олмаётгани, техникумлар учун, ҳамда олий мактаблар учун тўла билимли бўлган, фан асосларини яхши ўрган кишиларни етказиб бериш вазифасини қониқарли ҳал қила олмаётгани кўрсатиб ўтилган эди.

Праграмма ва ўқув планлари мазмунини қайта кўриб чиқиш натижасида мактабда расмдан дарс бериш методлари ўзгартирилди. Расм ўқитиш дунёни ўрганишнинг жиддий воситаларидан бири сифатида қараладиган бўлди.

Ўқитувчи расмдан дарс бериш жараёнида ўқувчилар зарур билим ва кўникмаларни эгаллаб, улар онгли равишда расм чизадиган бўлишларини кўзлаб дарс бермоғи лозим эканлигини таъкидланди.

1931 йилда нашр этилган праграмма ўқув материаллари ва расмдан таълим бериш методлари мазмунини янгидан белгилаб берди. Унинг асосига натурадан расм чизиш йулга қўйилган эди. Шу билан бирга праграммада хаёлдан, безакли расм чизиш, темалар бўйича расм ишлашга ҳам жой ажратилган. Санъат ҳақидаги суҳбатларга муҳим аҳамият берилган. Бу суҳбатлар ўқувчиларни тасвирий санъат асарлари билан таништириши, ғоявий ва сиёсий тарбияга кўмаклашуви керак эди.

Кейинги йилларда собик СССР Рассомлари саюзи, собик СССР Педагогика Фанлар Академияси қошидаги бадий тарбия институти биргаликда илмий ходимлар ва педагоглар группаси бадий таълимни яни мазмунини ишлаб чиқди. /1974/ 1984 йиллар/ умумтаълим мактабларида тасвирий санъат фанини ўқитилишини такомиллаштириш борасида назарий ва амалий тавсиялар берилди.

Мана шу ишларнинг ҳаммаси ўқитувчиларда янада жиддий ва чуқур тайёргарликни, педагогика ва ўқитиш методикаси қоидаларини назарий жиҳатдан билишни талаб қилади.

Расм чизиш ҳамда санъат асарларини идрок этиш жараёнида ўқувчиларнинг тафаккур қилиш қобилиятлари ривожланади, ва шу шу тариқа уларнинг дунёқарашлари шаклланиб боради. Расм чиза билиш ва санъат асарларини идрок этилиши ҳар бир киши учун зарурдир. Расм чизишни билиш агрономга, шофёрга, дастгоҳ ёнидаги ишчига, оғир операцияни бажараётган хирургга кўмаклашади, олим ва ўқувчига, архитектор ва конструкторга, шунингдек фаолият даражаси бевосита расм билан алоқодор бўлган бошқа мутахасисларга кўпроқ нафи тегади. Мана шу ишларнинг ҳаммаси ўсиб келаётган авлодни ҳаётга тайёрлаш ишида расм чизишнинг улкан амалий аҳамияти борлигидан далолатдир.

Ўрта мактабдаги тасвирий санъатга ўқитишнинг асосий амалий вазифаси – бу реалистик расмнинг, унинг усуллари ва расм чизишнинг малакаларини ўрганишдан иборатдир. Ўқувчи қаламни қўлда қандай тўғри ушлаш, чизикларни қандай чизиш, чизиклар орқали текисликда ҳажми катта предметларни қандай тасвирлаш кераклигини кўрсатади. Ўқитувчи турли рассомчилик материаллари ҳамда қуроллари билан таништиради, методик изчилликни сақлаган ҳолда расм устида қандай ишлаш кераклигини кўрсатади.

Умумтаълим мактабларида тасвирий санъат машғулотлари ўз олдига болаларда бошқа сифатларни тарбиялаш вазифасини ҳам-уюшқоқлик, иш режасини уйлаб олиш, онгли ва планли равишда ишлашни мантиқан тафаккур қилиш сифатларини ҳам ўргатади. Расм чизиш жараёни мақсадга қаратилган меҳнатдир. Ўқувчи расм чизар экан, маълум бир мақсадни ўз олдига қўяди. Маълум мақсадларга эришиш йўлида ўз кучларини бир ерга тўплай олиш маҳорати кишининг амалий фаолияти учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Меҳнат жараёнида мақсадга интилиш ҳиссасини ривожлантирар экан, биз шу билан бирга мактаб партасида пайтидаёқ одамнинг келажакдаги ҳаёти учун зарур бўлган сифатларни тарбиялашга ёрдамлашган бўламиз.

Ниҳоят тасвирий санъат машғулотида ўқувчилар машҳур санъат асарлари ва уларнинг ижодкорлари билан танишадилар. Санъат ҳақидаги суҳбатларда ўқитувчи тасвирий санъатнинг ҳар хил турлари : графика, рангтасвир, ҳайкалтарошлик, меъморлик, безак – амалий санъат турлари ҳақида ҳикоя қилади. Санъат ҳақидаги суҳбатлар ўқувчиларни инсоният маданияти тараққиёти тарихи, санъатнинг улуғ асарлари, буюк рассомнинг ҳаёти ва ижоди, маълум бир даврнинг услублари, ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги атоқли кишилар ҳаёти, ижоди билан танишадилар.

Ўқитувчининг вазифаси мана шу маълумотларни содда, лўнда қилиб тушунарли шаклда болалар онгига етказишдан иборатдир. Бу иш асосан тасвирий санъат турларини ҳамда улуғ рассомларнинг номларини санаб чиқиш билан иш битмайди,- ўқувчиларни санъат асарларни қадр-қимматини тушунишга ўргатиш, ўшалар ҳақида болаларнинг ўз фикрлари ва мулохазаларини ривожлантириш қобилиятини ўстириш керак. Бунинг учун пелагог ўқувчиларни муттасил суҳбатга тортиб туриш, уларга ўз фикрларини айтишга имконият бериши, у ёки бу асарга ўқувчи тўғри баҳо берганда рағбарлантириш, рассомларнинг асарларидаги энг муҳим ва қадрли, қимматли ўринларни тушунмай қолганда одоб билан тўғрилаб тушунтириши лозим.

Тасвирий санъат билан танишиш санъатдаги ҳамда ҳаётдаги гўзалликни тушунишга,табиат, ватанга муҳаббат ҳиссасини ривожлантиришга қаратилгандир.

Ўқитувчи санъат ҳақидаги суҳбатлар орқали болалар эътиборни бадиий тасвир воситаларга , ижро этиш техникасига ўргатади, яъни санъат асарларини "ўқийдиган" қилади.

Санаб чиқилган ўқув-тарбиявий вазифаларни амалга оширишда ўқитувчи ўқувчилар билан ишлаганда маълум бир системага риоя қилиши ҳамда ранг-баранг методикадан фойдаланиш зарур. Ҳар бир машғулоти ўзининг методикасини, ишга ўзига хос ёндашувини талаб этади. Машғулотларга ижодий ёндашувида педагогнинг топқирлиги ва маҳорати ўзига хос катта аҳамиятга эга.

Ўқитувчи иш жараёнида ютуққа эришмоқчи экан, у шунингдек ўқувчи қайси ёшда қанча ҳажмдаги билим ва малакани эгаллай олишини яхши билиши, ўқувчилар билан иш методикасини пухта ўйлаб кўриши, улар иш хусусиятларини назарда тутиши лозим. Бу вазифа асосан собик СССР Маориф министрлиги таъсис этган тасвирий санъатдан мактаб ўқув праграммасида ҳал этилган, бироқ праграммада ўқитувчи ишининг барча хусусиятларини аниқлаш мумкин эмас. Энг муҳим-программани билганда уни қуруқ ёдлаш эмас, балки ўйлаб, назарий жиҳатдан пухта ўйлаб тушуниб билиши керак.

Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи фани ҳаётда ва амалиётда тутган ўрни ва мавқеига кўра асосий ва етакчи фанлардан бири ҳисобланади.

Халқимиз тасвирий санъатини ибтидосидан то бугунги ранг-баранг ютуқларигача бўлган жиҳатларини ўз ичига қамраб олган ҳолда бўлажак миллий педагогларимизга ўргатилиши керак бўлган энг долзарб масалаларидан бири. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон тасвирий санъати тарихининг улкан бир қисми сифатида шакллантирилишига етарли асос бор.

Бугунги ўзлигимизни англаш, ўз қадримиз ва фарзандларимиз истиқболини яратиш имкониятига эга бўлган даврда мустақил Ўзбекистонда миллий маданиятимизнинг ўзига хослигини тиклаш, умумтаълим, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёшларни бадиий тарбиялаш ва камол топтириш ҳамда ҳозирги кунимизни тўлароқ идрок этиш учун энг тўғри тарихимизни яхши билмоқлик ҳисобланиди. Чунки ҳар бир янгилик тарихий боғланиш орқали амалга оширилади. Тарихий манбалардан фойдаланиш эса аждодларимиз тўплаган қимматли тажрибаларга асосланган бўлади.

Ҳар бир соҳа кишисига ўз ижодий фаолиятида истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш имкониятини яратади.

Ўтган даврларда ёшларнинг жуда кам қисми бадиий таълим олиш учун ўша даврдаги тажрибали халқ усталаридан, подшоликнинг сарой устахоналаридан машаққатли ҳунар таълимни ўқиб ўрганган.

Бадиий-эстетик таълим-тарбияни янада ривожлантириш, унга маҳаллий ёшларни жалб қилишда бир неча йиллар мобайнида Туркистонга келган рус рассомларининг хизматлари сезиларли бўлган.

Улар ўлкамизнинг бир неча йирик шаҳарларида бадиий студиялар ташкил этганлар, ўзларининг яратилган асарларидан кўرғазмалар уюштирилган.

1918 йили ана шу бадиий студиялар базасида Тошкентда бадиий очилади. Бошқа шаҳарларда 1918 йилдан 1920 йилгача бирин кетин махсус мактаблар, интернатлар, бадиий тугарак ва устахоналар барпо этилди. Бу барпо этилган бадиий мактабларда дарсларни асосан мутахассис бўлмаган ёки иши юришмаган баъзи бир рассомлар олиб борган. Машғулотларни ўқитиш ва ўргатишга миллий дастурлар ишланмаган, маҳаллий бадиий материаллар, асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ҳолда ўта ночор аҳволда дарслар ўтилган.

1920-21 йилларга келиб илк очилган бадиий мактаблар тажрибаси ўрганилиб, уларнинг иш тажрибаларини умумлаштириб биринчи бор тасвирий санъат, "расм" дарсига дастурлар ишланди.

1923-24 йилларда маҳаллий педагогларнинг иш тажрибалари асосида янги ўқув дастурилойихаси тузилди. 1925 йилда ўқув дастури яна ҳам мукаммаллаштирилди ва "Биринчи босқич мактабда бадиий тарбия" дастури номи билан нашр этилди.

1927 йили Тошкент ва 1928 йили Самарқандда ташкил этилган бадиий билим юрти Ўзбекистон мактабларида тўғарак ва студияларни раҳбар ва ўқитувчилар билан тامينлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1927-28 ўқув йилида собик Маориф Халқ Комиссарлиги собиқ ЎзССР мактаблари учун янги дастур ишлаб чиқди. Бу йилда ишлаб чиқилган дастур иккинчи босқич мактаблари учун ўқув жадвалида тасвирий санъатга 1-5

синфларда ҳафтасига соатдан ўрин берилди. Ўйил давомида ҳар бир синфда 34 соатни ташкил этди. Дастурда асосан Тошкент, Самарқанд ва Россия мактаб дастурларидан кенг фойдаланилди. Шу тариқа тасвирий санъат дастурлар ҳар 3-5 ўйил давомида қайтадан ишланиб турган. Ўша пайтдаги статистик маълумотга кўра Туркистонда ҳаммаси бўлиб 100 кишига яқин рассом-педагог мутахассислар бор эди.

Уларнинг кўпчилиги асосан Тошкент ва Самарқандда фаолият кўрсатганлар.

Мусулмон расм ўқитувчилари мутлоқа йўқ эди. 30 ўйилларнинг биринчи ярмида тасвирий санъат ривожига катта салмоқли ҳисса қўшган Исканлар Икромов дастлабкикитоб графикаси рассоми ҳисобланган.

1932 ўйилда ўзбек тилида унинг "расм ўрганиш қўлланмаси" нашр этилди.

Бу қўлланма оддий, тўғри бурчакли ҳарфларнинг ёзилиши тўғрисида бошланғич маълумот берилди. Булар ўзбек тилида ёзилган бирдан-бир қўлланма бўлиб, мактабда тасвирий санъатни ўқитиш методикасида оид дастлабки қўлланма бўлди ҳамда ўзбек мактабларидаги тўғаракларга катта методик ёрдам берди.

Дастурлар қайта қайта ишланиб ўз замонасига монанд ҳолатга келтирилган. 1937 ўйилдан бошлаб собиқ Ўзбекистон ССР Маориф Халқ Комиссарлиги /МХК/ бошланғич мактаблар бошқармаси томонидан тузилган "бошланғич мактаб дастурлари"да расм "расм ва лой иши", - деб юритилди. Дастурнинг мақсади ўқувчиларнинг билим ва тасаввурини кўргазмали шаклда ифодалаш учун уларга зарур бўлган малака ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилди. Шунингдек, талабаларнинг шакл ва ранг ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва кенгайтириш, уларни кўриш ва кузатишга ўргатиш, бўёқ ва пластик материаллар билан ишлашда бошланғич техник малакани таъминлашни таркиб топдиришга хизмат қилган. Бундан ташқари дастурдаги мавзулар ўқувчиларнинг ёшини ҳам ҳисобга олган ҳолда тузилган.

Бу дастур ўз ичига қуйидаги тартибда бўлимлардан иборат бўлган :

-мавзули расм ишлаш /эркин расм ишлаш/:

-тасаввур ва кузатиш асосида расм ишлаш:

-ҳаётдан олинган айрим буюмлар ёки буюмлар гуруҳининг расмини ишлаш:

-оддий нақшлар ишлаш ва ранг хусусиятлари билан талабаларни таништириш учун баъзи бир машқларни бажариш:

-шрифт ва плакат ишлари:

-лой ишлари:

бундан ташқари ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб талаб даражаси белгиланади.

Мисол, 1 синфда ўқувчилар қизил, сариқ, кўк, яшил, қора ва тўқ сариқ фойдалана олишни, 2 синфда мавзули расмлар билан бирга айрим буюмларнинг расмини тасаввур ва кузатиш асосида ишлашни назарда тутилган. 3 синфда ўқувчилар буюмларнинг шакли, рангги, фазовий ҳолати,

переспективасини билиши талаб этилган.

1936, 1937, 1939 йиллар давомида "расм ва лой иши", "расм солиш", 1945-46, 1947-48 йилларга келиб "расм" ўқув дастури билан жамланиб қайта ишлов берилди ва амалда фойдаланилди. 1942 йилларда Ўзбекистонда бошланғич 7 йилли ва ўрта мактаб бўйича ўқувчиларнинг педагогик маълумоти аниқланганда мусиқа, чизмачилик ва расм ўқитувчиларининг умумий сони 246 кишини ташкил этган, аммо бу дегани ҳаммаси махсус маълумотли дегани эмас.

1941-45 Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон жуда кўп тасвирий санъатни турларини маълум миқдорда жонлантирди.

1949-50 ўқув йилида тузилган дастурларни амалда қўллашга эътибор берилмади. 5-6 синфларда расм дарслари учун соат ажратилмади, балки синфдан ташқари қўшимча дарс соатларига қўшиб қўйилди.

1954-55, 1957-58, 1958-59 ўқув йилларда расм дастурига ўзгартиришлар киритилмади.

1959-60 ўқув йилида дастур қайта қурилиб 1-4 синфларнинг расм дарслари қайта жадвал соатларига киритилди.

1960 йил Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий - текшириш институтининг тузилиши ҳам тасвирий санъат педагогикасининг равнақига салмоқли хисса қўшди.

Худди шундай Ўзбекистоннинг миллий тасвирий санъат усталари Б.Ҳамдамий, Ш.Хасанов, А.Абдуллаев, У.Тансиқбоев ва М.Набиев ҳамда бошқаларнинг ижодий ишлари, педагогик методик ўқув қўлланмалари ҳамда ўзларининг иш тажрибалари билан ёшларимизни тасвирий санъат таълимига бўлган интилишини яна ҳам илҳомлантириш хиссиёти билан суғорди.

Эндиликда мустақил Республикамизда амалда оширилаётган инқилобий ўзгаришлар жамиятимизни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий жиҳатдан жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Олий мажлиснинг 1997 йил 28 августдаги IX сессиясида қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" муҳим тарихий, амалий ҳужжат бўлиб, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни дунёнинг илғор демократик давлатлари даражасига етказиш ва ёш кадрларни юксак маънавий, ахлоқий, юқори билимларга эга қилиб тарбиялашни мақсад қилиб қўяди.

Кейинги вақтда ҳамма соҳаларда бўлгани каби халқ таълими тизимида ҳам кўпгина амалий тадбирлар амалда оширилмоқда. Хусусан, Педагогика университети ва институтлари Бадий графика факультетларида ёш педагог – рассомларни тайёрлаш бўйича янги ўқув режалар, дастурлар тузилмоқда.

## II – БЎЛИМ.

МАВЗУ: Тасвирий санъат ўқитиш таълимининг давлат концепцияси.  
/стандарт/ Тошкент 1995 й. қарори юзасидан.

Ўзбекистондаги ҳозирги ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар, республикамиз халқ таълимотидаги танглик мактабларда ҳамма фанлар қатори тасвирий санъат ўқитилишини ҳам тубдан қайта кўришни тақозо этади. Мазкур муаммо бадиий таълимнинг тарихи, унинг назарий ва амалиётдаги аҳволини, мамлакатларда бу ўқув фанига бўлган муносабатни ўрганиш ва улардан хулосалар чиқаришини шарт этиб қўяди.

Маълумки, бизнинг мавжул ижтимоий таълим ва тарбия тизимида узоқ йиллар давомида юқори идоралардаги сиёсатдон раҳбарлар томонидан белгилаб келинди. У тизим инсонга жамият томонидан бериладиган қадриятларини акс эттирадиган формулаларни текшириш ва ёдлатишнинг норматив тизими бўлиб қолди.

Талабаларга инсон эмас, меҳнат ресурслари сифатида қаралиб келгани, табиий-математик туркумдаги фанларга эътиборни хаддан зиёд ошириб юборилганлиги ва аксинча, нафосат, тарбия ва ижодий йўналишдаги ўқув фанларга /адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат/ эътиборини хаддан зиёд сусайиб келганлигига ёшларимизни роботлашган янги авлодларни шаклланувига олиб келади.

Мактаб ўқув режаларда бадиий таълимнинг ўрни илмий хулосалар асосида эмас, балки юқоридан, бир гуруҳ раҳбарлар томонидан белгиланиб, улар тасвирий санъатга ижтимоий ривожлантирувчи, ижодкорликни ўстирувчи омил эмас, балки талабаларнинг кўнгил очувчи фани сифатида муносабатда бўлдилар, аниқроғи унинг аҳамиятини яхши тушуниб етмадилар.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг тасвирий санъатдан мутахассис эмасликлари, шунингдек, уларни кўп ҳолларда бу ўқув фани ўрнига математика, ўқиш, она тили дарсларини ўтказишлари тасвирий санъатга бўлган қизиқишни аста-секин сўндира бошлади. Қолаверса, тасвирий санъат ўқув фанига бўлган муносабат кўпчилик мактабларда бу соҳа бўйича маълумотли ўқитувчиларнинг етишмаслиги таълим ва мазмунини пухта ўзлаштириш имконини бермади, натижада ўқувчиларнинг бадиий маданияти талаблар даражасида ривожланмади.

Мактабларни рассом - ўқитучилар билан таъминлаш, моддий техникавий беа ва ўқув-методик таъминот энг кам миқдорда ҳам бажарилмади.

Тасвирий санъатдан махсус маълумотлилар Ўзбекистоннинг бир вилоятида керагидан ортиқ бўлса, иккинчидан етишмайди. Ўрта махсус педагогика ўқув юртларида тайёрланаётган рассом - ўқитувчилари эса бутунлай талабга жавоб бермайди.

Мактабдаги таълим қатори бадиий таълимга оид бу қониқарсиз аҳвол ёшларимиз орасида маънавий ва маданий қашшоқликни келтириб чиқариш билан бирга улар орасида жиноятчилик ва қонунбузарликнинг авж олдиришига ҳам таъсир кўрсатади. Бунинг устига бадиий таълим мазмунида хилма-хилликни жорий этилаётганлиги, хорижий мамлакатлардаги бадиий таълим ривожига илғор тамойилларни /тенденцияларни/ ҳисобга олмаслик ва ундан фойдаланмаслик /АҚШ, Олмония, Англия, Франция каби

мамлакатларда тасвирий санъат 1-12 синфларда ҳафтага 2 соатдан 5 соатгача, Япония, Покистон, Миср, Эфиопия, Ҳиндистон кабиларда эса биздагига қараганда 2-3 баробар кўп ҳажмда ўқитилади/ халқ таълимидаги энг катта хатолардан бири бўлди. Буларнинг жами бадий таълимни халқ таълими тизимидаги энг қолоқ бўлимлардан бўлиб қолишга олиб келади.

### МАКТАБДА ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.

Талабаларда ижобий қобилиятларини, кўриш хотираси, маром ва уйғунлик туйғуналари, ҳаётдаги ва санъатдаги нафосатни кўра билиш ҳамда англаб етиш маҳоратини, ранг сезиш, эмоционал сезгирлик, кузатувчанлик ва образли тафаккурни ўстиришда, сабр-тоқат ва фикрни бир жойга тўплаш кўникмасини ҳосил қилишда мактабда тасвирий санъат фанининг олдида тушадиган бирорта ҳам ўқув фани йўқ. Шахс камолотида эса ҳар бир шахснинг турмушдаги ва касбий фаолиятида бундай хусусиятлар ниҳоятда керак бўлади. Шу билан бирга бу ўқув фани инсон ақл-идрокининг ҳамда унинг теваарак-атрофини, ундаги воқеа-ҳодисаларини билиш ҳамда уни ўзгартириш йўллариини ўргатади. У иқтидор ва истеъдоднинг шаклланиви учун кенг имкониятларини очиб беради. Тасвирий санъатни ўқитиш жараёнида унинг олдида қўйиладиган топшириқлар эса ўқувчиларни бирдан-бир ва бетакрор ва ўз шахсини, ўзининг маънавий имкониятларини намоён этишга шароит яратади.

Муайян билимлар, малака ва кўникма мажмуига эга бўлган киши фақат ижрочи кишилар, холос. Жамиятимиз учун эса ижрочилар эмас, балки ижодкор, ташаббускор, ўйловчи ва ўзгартирувчи кишилар керак. Эртанги кун ишчиси, муҳандиси, олими махсус билимлардан ташқари яхши ривожланган фахм-фаросат ва айни чоғида аниқ мантикий тафаккур, ҳаётда кўзда тутилмаган янги вазиятларига тез ва тўғри жавоб бера олиш, кутилмаган ностандарт ечимлар топа билиш маҳоратига эга бўлиши ниҳоятда муҳимдир. Кишиларнинг ташаббускорлиги, ижодкорлиги, мустақиллигига кенг имконият яратиб бериш керак.

Мактабда бадий таълим мазмунини аниқлашнинг энг катта ва энг қийин, лекин муҳим ва асосий вазифаси ана шундан иборат.

Мактабда бадий таълимнинг янги сифат даражасига кўтариш биринчи галда олий махсус маълумотли ўқитувчилар тайёрлаш билан боғлиқ. Бунинг кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимини расом - ўқитувчилар тайёрловчи ўқув юртларининг ўқув режаларини тубдан ўзгартириш лозим бўлади. Бусиз концепцияда илгари сурилган ғоя ва режаларини ҳал қилиб бўлмайди. Янги ўқув режаларида ўзбек халқ амалий санъати, меъморчилигини ўрганиш асосий ўринни эгаллаш керак бўлади.

Бу йўналишдаги ишлар синфдан ва мактабдан ташқари тўғарак ва студиялар учун тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатлари бўйича раҳбарлар тайёрлашга ҳам йўналтирилган бўлиши лозим. Маълумки, академик

леций ва коллежларда тасвирий санъат таълими асослари миллий маданиятимизнинг ва унинг анъаналарининг, шунингдек, жаҳон бадиий маданияти дурдоналари асосида белгиланади. Бу нарса ўз - ўзидан қатор дастур, дарслик методик қўлланма ва кўргазмаларини қайтадан ишлаб чиқишни тоқазо этади ва у катта илмий - методик кучларни талаб қилади. Бунинг учун бадиий таълим бўйича Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон тасвирий санъат муаллимлар Уюшмаси, вилоят педагогика ва малака ошириш институтлари, академик лицей ва коллежлардаги мавжуд кучларини марказлаштириш лозим бўлади. Бу кучлар эътибори долзарб муаммоларини ечишга қаратилган. Муаммоларини ечишдан аввал уларнинг қўлами ва ишларининг режаси ишлаб чиқилади.

Мазкур ишлар билан педагогика фанлар илмий-тадқиқот институти ва РУММ иштирокида тузилган марказ шуғулланади. Бу марказда тасвирий санъат ўқув фанининг мазмуни ва соатлар ҳажмининг хилма-хиллиги, синфдаги ўрта, яхши ва ёмон ўзлаштирувчи талабалар учун мўлжалланган дастурлар, методик қўлланма, тавсиянома ва бошқа материаллар ишлаб чиқилади. Тасвирий санъатни ўқитишнинг илмий-методик таъминотида нашр ишлари билан бир қаторда матбуот, телевидение, махсус илмий- амалий конференциялар, танловлар катта роль ўйнайди.

Мактабда узлуксиз бадиий таълимни амалга ошириш, уни талаблар даражасида ўқитилишини ҳоҳлар эканмиз, бошланғич синфларда /мутахассислар бор жойларда/ тасвирий санъат дарсларини расом-ўқитувчилари олиб борилиши шарт. Акс ҳолда бадиий таълимда ҳам, қолаверса умуман бошланғич таълимда ҳам яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Лекин тасвирий санъат ўқитувчиларини бошланғич синф ўқитувчиларининг ёш хусусиятларини, ўзига хос хусусиятларини, ўзига хос жиҳатларини мукамал билишлари ва улар билан иш олиб бориш усулларини эгаллашлари зарур бўлади.

Тасвирий санъат машғулотларининг бир қисми, айниқса табиатни ва меҳнат жараёнларини идрок этиш, табиий материаллар ёрдамида тасвирлаш, табиатдаги рангларни ўрганиш бевосита табиат қўйнида, меъморчилик, халқ амалий ва тасвирий санъат асарларини идрок этиш эса музейлар, майдонлар, кўргазма заллари ҳамда санъат асарлари ва меъморчилик обидалари мавжуд жойларда, шунингдек расомлар халқ усталарининг устахоналарида амалга оширилиши лозим.

Мактабларда тасвирий ва амалий санъат, меъморчиликни ўқитишнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб, машғулотлар учун камида икки синф хонаси ва натура ҳамда кўргазмали қуроллар учун махсус хона бўлиши талаб этилади.

Тасвирий санъат бевосита ўқувчиларнинг ижодий фаолиятлари билан боғланганлигини ҳисобга олиб, табақалашатирилган таълимни жорий этиш мақсадида бу машғулотларни икки гуруҳга бўлиб ўқитилади.

Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат ўқув фани ўқувчиларида маънавий

маданиятнинг ажралмас қисми ҳисобланган бадиий ва ахлоқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилади. Бу ўқув фани мазмунан интеграллашган курс бўлиб, у тасвирий санъат декоратив-амалий санъат турларини ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам бу фандан таълим мазмуни аввалигилардан кескин фарқ қилиб, унга умумий таълим мазмунида кенг ўрин берилиши назарда тутилади.

Бу ўқув фанининг яна бир ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бундай дарсларда талабаларга бадиий билимлардан ташқари яна тасвирий малакалар шакллантиришдан, уларда кузатувчанлик, кўз хотираси, чамалаш қобилиялари, образли тасаввур каби кўникмалари ўстирилиб борилади. Тасвирий санъатнинг энг муҳим вазифалари талабада ижодкорлик, мустақиллик, ташаббускорлик, бадиий эстетик дид каби ҳислатларни ўстиришга қаратилгандир.

Шуни ҳам ёддан чиқармас керакки, Ватанимизга ҳар томонлама (ҳам мафкуравий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий) ривожланган, илмий фикрлайдиган, мустақил ташаббускор шахслар керак бўлади, фақат ижодкор кишиларгина халқимизнинг фаровон келажагини яратишлари мумкин.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон хорижга юз тутиб, ҳамма фанлардан таълимни дунё стандартлари даражасига олиб чиқишни мақсад қилиб қўйган экан, бадиий таълим, хусусан, тасвирий санъат таълимини ҳам дунё стандартлари даражасига олиб чиқиш керак бўлади.

Бунинг учун тасвирий санъати ривожланган мамлакатларнинг ўқув режаларидаги ўрнини яхши ўрганиш лозим.

Тасвирий санъат ўқув фани ривожланган мамлакатларда (АҚШ, АНГЛИЯ, ФРАНЦИЯ, ОЛМОНИЯ, ИТАЛИЯ в.б.) умумий таълим мактабларининг биринчи синфидан охириги синфларгача ҳар бир синфда ҳафтага 2-5 соатгача ўқитилиб турган бир пайтда, бизда 1-7 синфларда ҳафтасига 1 соатдан ўқитилаётганлигини нормал ҳол деб бўлмайди. Натижада мактабларда тасвирий санъат ўқитувчиларнинг тегишли соатлар билан таъминлай олмаслик муаммоси ҳам пайдо бўлди. Бу эса кўпчилик ўқитувчиларни мактабни ташлаб, бошқа соҳаларга ишга ўтиб кетишларига мажбур этмоқда.

Ҳар қандай ўқув фани таълим мазмунида албатта ўзбек халқи яратган беқиёс бой маданий ва маънавий меросни асос қилиб олиш керак. Уларни болалар кўпроқ билишлари шарт. Шундай экан, ўзбек халқини дунёга машҳур қилган меъморчилик, амалий ва тасвирий санъатни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларда кўпроқ ва чуқурроқ ўргатилиши талаб этилади. Шу билан бирга таълим мазмунини вилоят ва шаҳарлар бўйича табақалаштирилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Хивада меъморчилик, декоратив-амалий санъат кенгроқ ўқитилиши мумкин. Чунки, Ўзбекистоннинг вилоят, шаҳар, хаттоки қишлоқларида декоратив-амалий санъат ва меъморчиликнинг ривожланишида ўзига хослик бор. Буни Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Каттақўрғон, Риштон, Шахрисабз, Нурота, Марғилон, Ғиждувон, Ургут, Хўжайли каби шаҳарларнинг санъатида яққол кўриш мумкин.

Миллий санъатимиз бизнинг фахримиз, уни биз кенг ўрганишимиз табиий.

Лекин жаҳонда ҳамма халқлар томонидан тан олинган умуминсоний бадий қадриятлар ҳам бор. Уларни талабаларга ўргатмасдан туриб, халқимиз жаҳон маданиятидаги ўз ўрнини топа олмайди. Акс ҳолда ўқувчиларимиз миллий қобикқа ўралашиб қолиб, жаҳон дурдоналаридан баҳраманд бўла олмайдилар.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, кўп асрлик миллий-бадий маданиятимизни (тасвирий санъат, безакли амалий санъат, меъморчилик санъати) ва шу билан бирга ўқувчиларнинг тасвирий ва амалий санъатдан ўзлаштириши лозим бўлган малакалар ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Мазкур стандартда Республика ўқувчилари ўзлаштиришлари лозим бўлган минимал билим ва малакалар баён этилган. Бу асосида Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, Қорақолпоғистон халқ таълими вазирлиги ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси тасвирий санъатдан ўзларидаги ўзига хосликни ҳисобга олиб, таълим мазмунини ишлаб чиқадиладар. Бу таълим мазмунида ҳар бир худуднинг санъати ва маданияти, унинг бадий аънааларини ўз ифодасини топади.

Жаҳоннинг илғор санъатини ўқув режаларида берилган ҳафтасига бир соатлик тасвирий санъат дарсларида етарли даражада ўзлаштиришга имкон йўқ. Шундай экан, ўқув режаларида тасвирий санъат ўқув фанининг салмоғини ошириш ва уни ҳар бир синфда камида 2 соатдан ўқитилишини таъминлаш зарур бўлади.

Республиканинг академик лицей ва касб - ҳунар коллежларида ўқитиладиган бу йўналишдаги ўқув фани "Тасвирий ва амалий санъат", "Тасвирий ва меъморчилик санъати", "Тасвирий санъат ва бадий меҳнат", "Санъат" бўлиши мумкин.

Юқорида номлари қайд қилинган ҳар бир ўқув фани бўйича таълим мазмуни талабаларнинг кучига (бўш, ўрта, юқори) шунингдек, қишлоқ ва шаҳар мактабларига мослаб табақалаштирилади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тасвирий санъат машғулотлари талабаларда бадий ва эстетик маданиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўяр экан, у қуйидаги фаолият турлари асосида амалга оширилади :

1. Қаламтасвир.
2. Рангтасвир,
3. Композиция,
4. Амалий санъат,
5. Ҳайкалтарошлик,
6. Санъат тарихи,
7. Қуриш-ясаш. (қоғоз пластикаси)

Борлиқни идрок этиш машғулотларида талабаларга уларни ўраб олган табиат-ўсимликлар, гуллар, дарахтлар, ҳашоратлар, қушлар, балиқлар, ҳайвонлар в.б. турмушда қўлланиладиган буюмлар ва халқ амалий санъати намуналари, кийим-кечаклар, бинолар ва меъморчилик обидалари, меҳнат қуроллари ва транспорт воситалари, халқимизнинг турмуш тарзи, меҳнат

жараёнлари, йил фаслларидаги ўзгаришларни кузатиш ва уларни билиб олишни назарда тутди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, ҳаётни ва борлиқни билмасдан туриб, тўлақонли бадиий ижодни амалга ошириб бўлмайди.

Композиция – тасвирий санъат ўқув фанининг энг йирик ва муҳим қисмлардан ҳисобланиб, бу бўлимнинг асосий вазифалари талабаларда ижодий тафаккур, фантазия, кўз хотираси, бадиий дид каби психологик жараёнларни ривожлантиришга қаратилган. Бундай фаолият орқали фақат бадиий ижод вазифаларини ҳал қилиниб қолмай, балки ёшларни ахлоқий сифатлари, хусусан миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғулари ривожланади.

Рангшунослик бўлими рангларнинг киши ҳаётидаги роли тўғрисида, айниқса табиатда ранглар, рангнинг халқ истеъмоли моллари ва техника буюмларини ишлаб чиқаришдаги роли, рангнинг тасвирий ва декоратив-амалий санъат, меъморчиликдаги аҳамияти ҳақида айрим назарий маълумотларни беради. Бундай тушунчалар ва тасаввурлар рангшунослик бўйича мустақил машғулотлар жараёнида ҳам, натурага қараб тасвирлаш бўйича машғулотларда ҳам, теварак-атроф, воқеалар ва санъатни идрок этишда ҳам, композиция фаолиятида ҳам бериб борилади.

Мазкур таълим стандарти турлича бадиий материаллар ва тасвирлаш воситаларидан фойдаланишга жиддий эътибор беришни ҳам назарда тутилади. Бундай бадиий материаллар қаторида қалам, соус, пастель, сангина, кўмир, акварель, тушь, лой, пластилин, рангли қоғозлар, табиий материаллар, ойна, тош ва газлама парчалари ва ҳакозолар киради. Тасвирлаш техникаси эса штриховка, ҳўл ва қуруқ қоғозларда ишлаш, хомаки ишлар /қоралама, ранглама/, гравюра, мозика, аппликация, коллаж кабилардан иборат.

"Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси"ни ўрганиш жараёнида талабаларга қўйилган минимал талаблар қўйилади.

#### 1.Тасвирий санъат фанининг атама ва иборалари:

Натура, фон, /замин/, симметрия, ёдгорлик, қирмизи, себарг, чорбарг, ойгул, пахтагул, натюрморт; манзара, турмуш жанрлари, шакл, сурат, қаламтасвир, ритм.

Портрет, тарихий, батал, анимал, мифология, барикрам, гулнор, тутиё, феруза, перспектива, уфқ чизиғи, эскиз, силуэт, ёруғ, соя, ярим соя, шуъла, рефлекс, шахсий соя, тушувчи соя, композиция, рангтасвир, ҳайкалтарошлик композицияси, мўъжиз рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, маҳобатли ҳайкал, мозаика, фреска, мармар, гипс, стилизация.

Наққошлик, ганчкорлик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик, бадиий каштачилик, зардўзлик, матога гул босиш, наққош, ганчкор, зардўз, сополдўз, мисгар, каштачи бофта. Кўпбарг, чиннигул, гуллола, марғула, гулсафсар, қўшбанд, ислими, гириҳ, мураккаб, формат меъмор, кошин, арка, панжара, пештоқ, гумбаз, минора, колонна /устун/ қаср.

Автопортрет, нилоби, шингоб, новвоти, ложувард, китоб графикаси,

газета-журнал графикаси, дастгоҳли графика, зарҳал ҳарф, бош безак, якуний безак, иллюстрация, зарварақ, титул, афиша, гумбаз, равоқ, макет, готика, романтизм, этюд.

Декорация, диптих, триптих, ранг доираси, садаф ранг, нилгун, симоб, новшадил, кумуш хал, тилла хал, плакат перо, шрифт, репродукция.

Колорит, абстракционизм, кубизм, авангардизм, академизм, импрессионизм, реализм, формализм, галерея, каракатура, мольберт, оригинал, панно, пастель, соус, сангина, этюдник, тагкурси, ретушь, салон, санъатшунос, слайда, экспозиция.

## 2. Тушунчалар:

Илиқ ранглар, совуқ ранглар, хроматик ранглар, ахроматик ранглар; оғир ранглар, енгил ранглар, манзара ва турмуш жанрида ижод қилувчи 3-4 рассом исми ва фамилияси ; 1-2 амалий санъати устасининг исми ва фамилияси; халқ санъати устаси.

Композициянинг асосий воситалари: уфқ чизиғи, кузатиш нуқтаси, ёруғ соя қонунлари; нарсалардаги ёруғ ва сояларни ёруғлик манбаининг кучига боғлиқлиги, чизиқли перспектива, ҳаво перспективаси; натюрмортда ишлаш тартиби ва қоидалари; ўзбек миниатюра асарлари /6 та/; Камолиддин Бекзоднинг ҳаёти ва ижоди; Ўзбек рассом ва ҳайкалтарошлари /5-6 та/ Шарқ санъати марказлари -/5-6 та/; ганчкор уста Ширин Муродов ижодининг ўзига хос томонлари; Ўзбекистон халқ амалий санъати ривож топган марказлар /8-10 та/; очик /Чексиз/ нақшлар ёпиқ нақшлар, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарлардаги машхур меъморчилик обидалари /10-12 та/; кийимлар ва уларнинг турлари.

Тасвирланаётган нарсаларнинг конструктив тузилиши ; Шарқнинг миниатюрачи рассомлари /4-5- та/; Шарқ мамлакатларининг қадимий меъморчилик обидалари /Хирот, Деҳли, Бомбей, Пекин, Миср, Истамбул, в.б./; У.Тансиқбоевнинг ҳаёти ва ижодининг ўзига хос хусусиятлари.

Бадий устахона; бадий кўргазма; мумтоз санъат; Ўзбекистон худудидан топилган қадимги тасвирий ва меъморчилик /Варахша, Афросиёб, Тупроқ қалъа, Куй, Болалик тепа/ ёдгорликлари;

Ўзбекистоннинг ҳозирги замон тасвирий санъат усталари ва уларнинг асарлари /5-6 та/; хорижий мамлакатларнинг илғор тасвирий санъат усталари ва уларнинг асарлари /10 та/; Ўзбекистоннинг ҳозирги замон меъморчилиги /5-6 та/; Хорижий мамлакатларнинг ҳозирги замон илғор меъморчилиги /АҚШ, Япония, Франция, Мексика, Россия, Олмония в.б./; тасвирий ва амалий санъатни кишилар ҳаётидаги ижтимоий аҳамияти билан таништириш керак.

МАНЗУ: УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ҲАМДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА  
КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНING  
МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.

Тасвирий санъат ўқитиш методикаси Бадий Графика факультетида ўрганиладиган махсус курс бўлиб, у бўлажак ўқитувчиларни касбига оид билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантиради.

Тасвирий санъат ўқитиш методикаси машғулотларида фаннинг назарияси ва ўқитиш усуллари, шунингдек, тасвирий санъат асослари ҳамда унинг тарихи масалаларига алоҳида эътибор берилган. " Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси "- дастури кетма-кетлик босқичлари асосида тасвирлар чизиш, мустақил равишда тасвирий ва амалий мавзуларига композициялар ишлаш, лой ва пластилиндан ҳар хил нарсаларнинг ҳайкалчаларини яшаш, рангли ва рангсиз қоғозлардан қирқиб яшаш, ранг хусусиятлари билан яқиндан таништириш, тасвирий санъат тарихи асосларини ўргатиш ҳамда академик лицей; касб-ҳунар ва коллежларида тасвирий санъат ўқитиш методикасига оид материалларни ўз ичига олади.

Талабаларга таълим беришнинг асосий шакллари бу маъруза, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари ва мустақил тайёрланиш каби йўналишларда бўлиб кетма-кет амалга оширилиб борилади. Талабалар маърузаларда тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикасини назарий асосларини, методлари ва тизимини тарихий ривожланишини ўрганадилар, намунавий дастурлар билан танишадилар.

Амалий машғулотларда талабалар дастурларга мувофиқ мавзули-иллюстратив режалар, дарс турларига кўчирмалар тузади ва уларга дидактик материаллар тайёрлайди ҳамда бадий безак санъат ва графикасини амалий безак ишлари, ҳайкалтарошликнинг дидактик материаллари билан шуғулланиш кабилар назарда тутилган.

Лаборатория машғулотларида талабалар қалам орқали тасвирлашнинг оддий асосларидан бошлаб мураккаб нарсаларни тасвирлашгача бўлган чуқур билим ва амалий малакаларни ўзлаштиради, рангтасвир ва композициялар бўйича ранг билан ишлаш хусусиятларини аниқ ва нозик фаҳмлаб амалда бажаришни, бадий асарларга бадий безак ишлов беришини ўрганадилар.

Расм чизиш ва унинг методикаси бўйича чуқур билим ва амалий малакаларга эга бўлиш талабаларни тасвирий санъат саводи асосларини пухта ўрганишга, буюк рассомларнинг асарларини ўқий олиш ва уларни ҳиссий идрок этишга олиб келади.

Академик лицей ва касб - ҳунар коллежларида расм чизиш ва унинг методикаси машғулотларида бу фаннинг назарияси, ўқитиш методикаси, шунингдек тасвирий ва амалий санъат асослари ҳамда унинг тарихи масалаларига алоҳида эътибор берилади. У бир неча сеансли расмлар чизишдаги кетма-кетлик системаси, пленэрда ёки ўқув хонасида этюдлар ишлаш, мустақил равишда берилган мавзулар асосида композициялар ишлаш (улар тасвирий ва амалий санъат турларига хос бўлиши мумкин), ранг масалалари билан шуғулланиш кабиларни ўз ичига олади. Булар эса тасвирий санъат бўйича профессионал тайёргарликка эга бўлиш билан боғлиқ бўлиб, теварак-атрофдан нарса ва ҳодисаларнинг шаклидаги ва рангидаги турли-

туманликни кўра билишга ўргатади.

Расм чизувчининг кўра олиш қобилиятини системали ва мақсадга мувофиқ равишда ўстириб бориш натижасида у шакл ва бўёқларнинг ҳамма хусусиятларини аниқ ва нозик фаҳмлаб, ҳаётдаги энг қизиқарли воқеа ҳодисаларини сезиб оладиган бўлади.

Расм чизиш ўрганилиши лозим бўлган нарсаларнинг тасвирини натурадан механик равишда кўчириб олиш асосига эмас, балки реал борликни тушунган ҳолда тасвирлаш асосига қурилиши керак. Расм чизишнинг биринчи йилиданоқ талабалар тасвирдаги энг муҳим томонларни ажрата билишни ўрганиб олишлари лозим.

Ҳар қандай ўқув жараёни сингари тасвирий санъат дарсларининг асосида ҳам талабаларни юқори ғоявий руҳда тарбиялаш, уларга санъатдаги халқчилликнинг ролини тушунтириш ётади. Бу вазифалар тасвир чизиш машғулотларининг ҳар бир турида амалга оширилади.

Расм чизиш жараёнида диққатни бир ерга тўплаб ишлашга ҳаракат қилмоқ даркор, чунки бусиз яхши натижаларга эришиб бўлмайди.

Тасвир чизиш техникасини ва назариясини ўзлаштириб олишда дарсдан ташқари вақтларда хомаки ишлар қилиш, композициялар тузиш, кишини ўраб олган борлиққа ва ҳодисаларга синчиковлик билан муносабатда бўлиш, уларни ўрганиш, амалий ва тасвирий санъат асарларидан репродукция ва откриткаларни тўплаш (альбом шаклида) тасвирий санъат музейи ва кўргазмаларга тез-тез бориб туриш, расм чизиш методикаси, тасвирий санъатга ва санъатшуносликка оид адабиётларни мунтазам ўқиб туришнинг роли бениҳоя катта.

Тасвирий фаолият билан шуғулланиш кишиларга эстетик завқ бағишлайди ва уларнинг руҳий дунёсини бойитади.

Тасвирий санъат назариясини ўрганишда қуйидагиларга эътибор берилади: - Талабаларнинг билимларини синаш учун қуйидагилар тавсия этилади ва синов ўтказилади.

Қаламтасвир – рангтасвир санъатнинг асосидир.

Ҳажмсиз нарсаларни тасвирлаш ва уларнинг шакли, тузилиши элементлари. Нрсаларни кузатиш, таҳлил қилиш, ўлчаш нисбатларини аниқлаш.

Перспектива ҳақида умумий маълумот. Перспектива турлари.

Нрсаларни тасвирлашда перспективанинг қонун - қоидалари ва асосий тушунчалари, қаламтасвир композицияси.

Штрих, тус, туслар нисбати. Қаламтасвирда шуъла, ёруғ, ярим соя, шахсий соя, рефлекс ва тушувчи соялар ҳақида. Нарса ва буюмларни тус орқали фактурасини белгилаш. Буюмларнинг фазовий ҳолатини тасвирлаш.

Рангшунослик ва бўёқ билан ишлаш.

Ранг ўзи нима? Ранг спектрлари. Ахроматик ва хроматик ранглар. Иссиқ ва совуқ ранглар. Рангтасвир асарларида ранг уйғунлиги, ранг контрасти, туси.

Акварель, гуашь, мойбўёқ, фломастерлар. Бўёқларнинг рангини танлаш,

қўйиш, янги ранг ҳосил қилиш. Бўёқ билан ишлаш техникаси ва унинг кетма-кетлиги. Политрадан фойдаланиш.

Манзара жанри ҳақида тушунча. Табиатдаги дарахтлар, ўсимликларни якка-якка ҳолда тасвирини яратиш. Табиат кўринишини умумлашган тасвири устида ишлаш.

Ранг натюрморт тузишнинг қоидалари. Нарсаларнинг ранг нисбатлари ва композицияси.

Тасвирий санъатда одам қоматининг тасвири. Одам қоматини тасвирлашдаги методик кетма-кетлик.

Композиция ва унинг тасвирий санъатдаги аҳамияти.

Композиция ҳақида умумий маълумот. Рассомлар ижодида мавзули композициялар.

Мавзули композициялар тузиш ва уни тасвирлашдаги методик кетма-кетлик. Натюрморт композицияси. Турли мавзулар композиция бўйича ҳомаки тасвирлар ишлаш.

Бадий амалий санъат ва унинг моҳияти, инсон ҳаётида тутган ўрни. Халқ амалий санъати ва маданий, миллий мероси. Амалий санъат ва унинг турлари: Наққошлик, ўймакорлик, кулолчилик, каштачилик кабилар. Ҳозирги дизайн санъати.

Бадий безак графикаси ва унинг аҳамияти. Шрифтлар ва уларнинг тарихи, тури. Шрифтларни ёзиш технологияси. Таълим масканининг (бино, кабинет, коридор, синфхона, ошхона) бадий безатилиши.

Ҳайкалтарошлик ҳақида умумий маълумот.

Ҳайкалтарошлик ўзи нима? Унинг тасвирий санъатда тутган ўрни. Ҳайкалтарошликнинг ривожланиши, тарихи ва унинг мақсади, мазмуни. Ҳайкалтарошликнинг назарий-амалий асослари. Ҳайкалтарош ва уларнинг ижоди. Ҳайкалтарошлик материаллари ва асбоб-ускуналари.

Ҳайкалтарошликдан бошланғич машқлар.

Лой ва пластилин билан ишлашнинг даслабки машқлари. Геометрик шакллар, рўзғор буюмлари, мева-сабзавот ва орнамент ва розеткалар устида ишлаш.

Санъат тарихи.

Тасвирий санъат ва унинг моҳияти. Санъатнинг кишилик жамияти тараққиётида тутган ўрни. Санъатнинг келиб чиқиши ва моҳияти.

Санъатнинг ривожланишида:

а) Чет эл санъати (қадимги дунё ва ўрта асрлар даври санъати, Уйғониш даври санъати, Европа санъати).

б) Рус тасвирий санъати (Қадимги рус ва славянлар санъати, заргарлик, меъморчилик, монументал рангтасвир санъати, Мозаика, икона ва деворий расмлар. XIX-XX аср бошларида Рус тасвирий санъати).

в) Ўзбек санъати.

Қадимги ўзбек санъати. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган қадимги халқлар санъати ва маданияти (Зараутсой, Варахша, Афроиёб ва бошқалар). Ўрта Осиё халқлари санъати, XIV-XV аср Темурийлар даври санъати. Нафис санъат, архитектура ва амалий санъат. Ўзбек китоб графикаси. Шарқ миниатюраси ва мактаблари (К.Бекзод, М.Музаххиб, М.Мурод).

### Тасвирий санъат ўқитиш методикаси.

Тасвирий санъат ўқитиш методикасининг умумий масалалари.

"Тасвирий санъат ўқитиш методикаси" курси фани, мақсад ва вазифалари, қисқача тарихи ва тараққиёти.

Замонавий тасвирий санъат дастурлари, дарсликларда, ўқув методик қўлланмалари. Дастурдаги мавзуларни режалаштириш ва унга қўйиладиган талаблар.

Тасвирий санъат ва унинг бошланғич синфларда ўқитилиши. Дарсларнинг методик босқичлари. Дарс турлари, кўриниши ва тузилиши.

Тасвирий санъат дарсларида маҳаллий материаллар, кўргазмали қуроллар ва замонавий техник воситалардан фойдаланиш. Тасвирий санъатни ўрганишда бошқа фанлар билан боғлаш.

Тасвирий санъат дарсларидан ташқари бадиий эстетик тарбиявий ишларни ташкил этиш каби вазифаларни ўрганиб амалда мустақил бажариб берибгина талабалар тасвирий санъат ўқитиш методикаси курсини ўрганиш натижасида қуйидаги билим ва кўникмаларни эгалашлари мумкин :

Тасвирий санъат турлари ва жанрларини билиш.

Жамият тараққиётида тасвирий санъатнинг роли.

Эстетик тарбияда тасвирий санъатнинг бадиий аҳамияти.

Бадиий ўзбек фольклорининг ўзига хос хусусиятларини тушуниш ва унинг реал тасвиридан фарқини билиш ҳамда турли хил усулларда ишлаш техникасидан фойдаланишни билиш.

Тасвирий санъат атамаларини эгаллаш.

Тасвирий санъат дарс турларининг ўзига хос хусусиятларини тушуниш ва дарс вазифаларига мувофиқ кўринишларини тузиш.

Педагогик ва методик маҳоратини эгаллаш.

Бадиий таълимда кўргазмалиликнинг аҳамиятини билиш.

Педагогик расм ишлаш усулларини эгаллаш.

10. Талабаларнинг ишларини таҳлил қилиш ва баҳолашни билиш.

Тасвирий санъат ўқитиш методикасини бошқа ўқув фан мазмуни билан боғлаб ўтишни билиш.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ, УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ВА КАСБ-ҲУНАР  
КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНING  
МАЗМУНИ ВА ТУРЛАРИ.

Мактабда расм чизишга ўргатиш, энг аввало боланинг мактаб шароитидаги рассомлик фаолияти биринчи синфданоқ шунчаки ўйин учун эмас, балки таълим сифатида бажарила бошлашни эсдан чиқармаслик керак.

Биринчи синфдан бошлаб ўқувчиларда реалистик тасвирга хос билим ва кўникмалар асосида тарбияланади. Ўқитувчи мактабда болаларга илмлар асосида ўргата бошлайди, худди шундай тасвирий санъат соҳасида ҳам шаклни текисликда тасвирлаш қоидалари ва қонунлари ҳақида тўғри тушинтира олиш дарс жараёнлари тўғри ташкил қилиниб, ўқувчининг эътиборини энг асосий масалаларига қарата олиб, ўқув материални тез ўзлаштириш йўллари кўрсатиши лозим. Бу ўринда ўқитувчининг асосий раҳбарлик ролига эга эканлиги ўз-ўзидан тушунарлидир.

Бадий маълумот, педагог томонидан қилинадиган моҳирона раҳбарлиқнинг зарурлигини қайд қила туриб, болалар санъат билан юзаки танишиб қолмасдан, иложи борича чуқурроқ билим ва кўникмалар ўзлаштиришларига интиламиз. Инсон ўзи билмаган нарсани сеза олмайди, у ҳеч қачон шуғулланмаган бирон ишга қизиқа олмайди.

Ёшлиқда болалар ҳар қандай иш билан шуғулланишига ҳам тайёрлар, улар бажонидил шаҳарлар қуришга киришадилар, расм соладилар, рақс тушадилар, ашула айтадилар ва ҳ.к. аммо шу иш жараёнида такомиллашиши зарур бўлган паллада улар педагог ёрдами ва раҳбарликка муҳтож бўладилар. Ана шундай пайтда уларнинг олдига тажрибали раҳбар келмас экан, улар олдин бутун вужуди билан қизиқиб бажарган машғулотларидан совиб қоладилар. Педагогик тафаккурнинг ажойиб вакиллари қисмдан дарс беришни тўғри йўлдан олиб бориш зарурлигини ҳам доим уқтириб келадилар.

Мактабда расмдан дарс беришни умумтаълим предмети сифатида баҳолаш билан бирга уни айни вақтда ўйин, эрмакка айлантириб юбормаслик зарур. Революциядан олдинги Россияда бой дворян оилалари ҳам ўз болаларининг эстетик тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиб, энг яхши рақс ўқитувчиларини, ажойиб созанда – композиторларни, атоқли рассомларни таклиф этганлар. Бу рассомлар фақат имтиёзлар учун мумкин бўлган эндиликда мамлакатимизда ҳамма болалар ҳам тасвирий санъат, музыка, ашулани ўрганиш имкониятига эгалар, чунки бу фанлар таълим предмети сифатида мактаб курсига киритилган.

Шундай қилиб, ҳар бир тасвирий санъат ўқитувчиси таълим ва тарбия учун масъул бўлиб, ўқувчилар фаолиятини бошқаради ва изга солади, уларнинг машғулотларини ташкил қилади. Педагогнинг раҳбарлиги ва йўл кўрсатувчи ролисиз, ҳар бир ўқувчини ҳормай-толмай диққат билан кузатиб бормай туриб мактабда таълим-тарбия ишини олиб бориши мумкин эмас.

Тасвирий санъатни кўпдан-кўп мактабларда ўқитиш, айтиб ўтганимиздек, даставвал махсус мақсад эмас, балки умумтаълим мақсадларини кўзлайди. У болаларнинг теvarак-атрофдаги олам билан танишишларига кўмаклашади, кузатувчанликларини ривожлантиради, буюларнинг шаклини ва рангини фарқлашга, уларни ўзаро таққослашга, ўхшашлик томонлари ва фарқини

аниқлашига ўргатади.

Ўқитувчи ўқувчилар олдида гўзаллик оламини очиб беради, уларнинг эстетик дидларини ривожлантиради, билим олишга, камолотга эришишида, уларни куршаб турган ҳамма нарсани яхшироқ ва гўзалроқ қилишга бўлган интилишларини тарбиялайди. Педагог бунинг ҳаммасига ўқувчиларни катта санъат реалистик йўналишидаги санъат асарлари билан илҳомлантирибгина эмас, балки тасвирий савод асосларини ўқитиш билан эришиши мумкин.

Тасвирий санъат асосларини ўқувчи фақат ўқитувчи кўмагидагина ўзлаштириши мумкин. Таълимнинг дастлабки қадамлариданоқ унга устоз, раҳбар даркор. Масалан, натурадан расм чиза бошлар экан, ўқувчи унинг қандай қилиб чизилмоғи кераклигини, қандай қилиб бир варақ оқ қоғоздаги ишнинг уддасидан чиқмоқ кераклигини билмайди.

Тажрибали педагог унга ўзи ишини бўлакларга қандай қилиб бўлиш ва уларни қандай изчилликда ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатиб беради.

Натурадан расм чизишни ўргатиш палласида педагог даставвал натурани кузатиш ва қабул қилиш масалаларига эътибор беради. Тўғри кўра билиш қобилияти инсонда табиий бўлиб, у ривожланмоғи зарур. Бунинг учун уни болалик чоғидан уни нарсаларни диққат-эътибор билан кўздан кечиришга, унинг шаклидаги, рангидаги, пропорциясидаги ўзига хос хусусиятларига эътибор беришга, буюмлар қурилишини таҳлил қилишга ўргатмоқ керак.

Натуранинг таҳлилига киришмасдан туриб, ўқитувчи болаларнинг эътиборини мазкур буюмга қаратиб, қуйидғидай қатор саволлар беради: буюм шаклининг хусусияти қандай? Пропорциялар қандай, яъни буюмнинг баландлиги энидан зиёда, ё аксинчами? Буюмга ёруғ қандай тушмоқда? Унинг ранги қандай? Натура билан шу тариқа танишиш уни кейинчалик ўрганиб боришда йўлланма бўлади. Педагог аста - секин чуқурроқ кузатишларга ўтади: у натурадан қурилишининг асосий хусусиятларини кўрсатиб, уларнинг ўзига хослигини очиб беради, яъни жиддий илмий таҳлилни бошлайди. У буюм шакли қурилишининг тақсимланиш қонунияти, перспектив ҳодисалар қонуниятини тушунтиради.

Ўрганилаётган объектни аниқ тасаввур этиш учун ўқувчи даставвал унинг шаклини бутунлигича қамраб олиши, сўнг мазкур буюмнинг барча белгиларини, унинг барча деталларини, аниқ билмоғи ва шу билан бирга мазкур элементларнинг ўзаро жойлашиши, яъни натуранинг қурилиш бирлигини ёрқин тасаввур қилмоғи зарур.

Ўқувчининг тушунтиришларини синф доскасида расмлар билан кўрсатмали қилиб изоҳлаб берилса, ёки методик қўлланмалардан фойдаланиб тушунтирилса ҳамманинг англаб олиши осонлашади.

Ўқувчи натура билан танишиб олганидан кейин расм чизишга ўтиши мумкин бўлади. Педагог унинг олдида ўқув вазифаларини қўяди, маълум системага кўра тасвирни чизиш жараёнида унинг кузатишларини ташкил қилади, натура қурилишидаги энг муҳим хусусиятларга унинг эътиборини қаратади.

Педагог ўқувчи фикрининг фаолиятини диққат билан кузатиб боради, доим уни тўғрилаб, қўллаб - қувватлаб туради. "Ўқувчи учун ўйлаш" керак эмас, айниқса унинг ўрнига расм чизишнинг ҳожати йўқ, у ўз фикри, кўникмалари машқ қилдирсин, лекин унинг ишини ҳам назардан четлатиб бўлмайди. Ўқувчи мушкулликларга дуч келганида унга ўз вақтида ишора, ёрдамчи савол билан қўмаклашиш керак.

Бошланғич синфларда болалар натурани тасвирни бунёд этиш жараёнида таҳлил қилишга ўрганмаган бўлиб, расмни дастлабки таассурот бўйича бажарадилар. Улар натурага камдан кам мурожат қиладилар, расмларни натура билан таққосламайдилар ҳам деса бўлади.

Уларнинг ўқувчилар болалар диққатини юзаки кузатишдан натурани қандай таҳлил қилишга йўлланган ҳолда кўниктириб ўргата боради. Расм чизаётиб ўқувчилар шошмасдан, эҳтиётлик ва изчиллик билан бир қийинчиликдан иккинчисига ўтиб бормоқлари зарур.

Агар ўқувчи нотўғри чизса, педагог дарҳол унинг хатосини кўрсатиб, тузатишни маслахат беради. Ўқувчи тасвирни илгаригидай, қаламнинг учини қоғозга аста тегизган ҳолда, иложи борича ўчирғичдан фойдаланмасдан тузатади. Расм жуда кирланган бўлиб, уни тузатиб бўлмайдиган ҳолдагина ўчирғич ишлатилади.

Хатоларни тузатиш техникасини ўқитувчи шогирдининг ўзи чизган расмида кўрсатиб беради. Шу билан бирга хатони тузата туриб ўқувчига батафсил тушунтириш керак, токи ўз хатосининг сабабини ва уни тузатиш методикасини яққол англаб олсин. Амалда бу қоидага кўпинча амал қилинмайди. Ўқитувчи "нотўғри" деб қўя қолади хато нимадалигини ва уни қандай қилиб кузатмоқ кераклигини тушунтирмайди.

Хатони ўз вақтида кўрсатиш ва ўз вақтида ёрдам бериш керак. Бу борада ўқитувчи кечикар экан, кейинчалик ўқувчига хатосини тузатишда қўмаклашиш анча мушкул бўлади.

Ўқувчилар энди расм чиза бошлаганда ўқитувчи синфда ўз ишини қандай қилиб яхшироқ уюштириш мумкин? Тушунтиргандан сўнг 2-3 минут ўтгач у синфни айланиб чиқади ва болаларнинг ишини кузатади. Ўқувчининг хатосини сезгач, унинг диққатини шунга қаратади.

Шундай қилиб, ўқитувчининг биринчи айланиб чиқишида ҳар бир ўқувчи педагогдан ишини давом эттиришда тўғри кўрсатма олади. Синфни айланиб чиққан ўқитувчи яна ўша энг олдин кўрсатма берган ўқувчисининг ёнига қайтади.

Педагог ҳамма болаларни типик хатони сезиб қолса, у ишини тўхтатиб, барча ўқувчиларнинг диққатини ана шу хатога жалб этади. Бундай ҳолларда тушунтиришни досканинг ёнида туриб олиб борган маъқул. Ўқитувчи дастлабки хатонинг сабабини батафсил тушунтиради, сўнг синф доскасида уни қандай тузатиш кераклигини кўрсатиб беради.

Ўқув материални баён қилиш жараёнида ўқитувчи олдида доим ўқувчилар уни тушуниб олишлари учун қилиш керак бўлган барча ишни

бажариш вазифаси туради. Ўқитувчининг ҳар бир сўзини ўқувчилар англаб олмоқлари лозим. Ўқув материали шундай баён этилсинки, болалар уни қийналмайдиган, у биринчи бор эшитаётган сўзлар ва ибораларини ишлатмасликка ҳаракат қилиш керак. Агар ўқитувчи бундай сўзларни ишлатмасликнинг иложи бўлмаса (масалан: тон, колорит, лессировка), у шу ердаёқ уларнинг маъносини ўқувчиларга тушунтириб, бу ҳақда аниқ ва ёрқин қилиб айтиб бериши лозим.

Материал баёни қуруқ ва зерикарли бўлиб қолмаслиги ҳам аҳамиятлидир. Ўқувчиларни қизиқтириб, мафтун этмоқ керак.

Маълумки гўзаллик, нафосат сирларини ўрганиш орқали инсонларга хос олий фазилят-эзгулликка етаклаш борасида бошқа бирор соҳа ўқитувчиси тасвирий, амалий санъат мутахассиси бера оладиган вазифани бажара олмайди. Дарҳақиқат, ўқувчи ва ёшларни эстетик ва ахлоқий камолатга этказиш, уларни ҳар томонлама маънавий озуқа беришда тасвирий амалий санъат мутахассисининг имкониятлари кенг.

Мамлакатимиз келажаги учун Олий Мажлиснинг IX сессиясида қобул қилинган кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг амалга оширилиши жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки таълим- тарбия- онг махсули, лекин айтиш вақтда онг даржаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир.

Энг асосий мақсад замонавий тасвирий педагоги, ўқитувчиси орқали ўқув, ёшларимиздаги қобилият ҳамда имкониятларни аниқлаб, уларни тўғри шакллантириш ва юзага чиқаришдир.

Тасвирий санъат педагогикасининг ўзига хос мураккаблиklarини тушуниб, унинг нозик қирраларини ўқувчи ва ёшларга улашиш маҳоратига эга бўла оладиган устозларни етиштириб чиқариш.

Мамлакатимиз тараққиётида мустақиллик руҳи тобора мустаҳкамланиб, барча соҳаларда жаҳон андозасига мос ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада юртбошимиз И.А.Каримовнинг – "Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги ахвол, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятини тиклашиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир", - деган сўзлар билан маънавият чўққисига интилишга чорламоқда.

Бунинг учун таълим олаётган ҳар бир талабани санъатга мойиллигини, мавжуд иқтидорлик қобилиятини бойитиб уни амалий, назарий, илмий жиҳатдан шакллантириш мақсад қилинган. Таълимнинг самарадорлик мезони унинг халқаро стандартлар талабаларига жавоб бериш билан белгиланади.

Тасвирий, амалий санъат ўқитувчиларини шакллантириш учун бу соҳадаги барча амалий назарий билимлар таълим сифатида зарурдир. Булар асосан :

- Қаламтасвир;
- рангтасвир;
- композиция;
- амалий безак санъати;

- ҳайкалтарошлик;
- санъатшунослик асослари;
- санъат тарихи;
- кўриш санъати;

ва энг асосий бу билимларни ўргатишнинг методик асосларини эгаллаш ҳисобланади. Таълим мазмунидаги бу билимларни эгаллаш воситасида бўлажак ўқитувчи бу соҳанинг устаси бўлибгина қолмасдан, ана шу санъат сирларини ўқувчи ва ёшларга улаша олиш малакасига эга бўлади.

Тасвирий, амалий санъат талими ва тарбияси мазмунида миллий санъат меросимиз билан биргаликда умум тасвирий таълимшунослиги ва услубиятга таяниш лозим. Педагог – рассом тасом тайёрлашда таълим мазмунининг муҳим йўналишлари, умум тасвирий ва миллий анъаналарнинг устуворлигига амал қилиш даркор.

Ўқитишнинг барча талаблари учун зарурий шарт тасвирий ва амалий санъат сирларини ўзлаштириш билан бирга ўқувчи ва ёшларга ҳар жиҳатдан ўргата олиш усуллари эгаллашдир.

Тасвирий санъат ва амалий санъат педагогикасининг мутахассислигида бадиий таълим мазмуни қуйидагича таркиб топади.

Қаламтасвир – бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари қаламтасвир (графика)дан етарли билим, малака ҳамда ижодкорлик савиясига эга бўлишлари лозим. Маълумки қаламтасвир тасвирий санъатни ўзлаштиришнинг бош мезони ва асоси бўлиши билан бирга алоҳида санъат тури сифатида ҳам характерлидир. Қаламтасвир сирларини яхши билган амалий санъат ижодкорлари ҳамда педагоги ўз фикри-туйғуларини тезроқ, шунингдек, аниқроқ, амалга ошириш имкониятига эга бўлади. "Тасвирлаш бу кузатиш, яратиш, ихтиро қилиш демакдир." Бўлажак рассом ўқитувчилар қаламтавирдан қуйидагиларни билишлари талаб қилинади :

- графика санъати ҳақида назарий маълумотлар;
- қаламтасвирда ишлатиладиган материаллар, уларни тайёрлаш қоидалари ва йўл йўриқлари;
- натурадан қаламтасвирда расм ишлашнинг асослари;
- тасвир қуриш - қаламтасвирда перспектив қисқариш қонуниятлари борасидаги билим ва назарий тушунчалар;
- қаламтасвирдаги ишни ниҳоясига етказиш тажрибаси ва малакаси;
- қаламтасвирда қалам билан бажарилган ишга шакл бериш йўллари ва услублари каби бир қатор мақсад ва вазифалари мавжуд.

Бундан ташқари юқоридаги кўрсатилган талаб ва қонун - қоида асосларини мукамал билган ҳолда бўлажак рассом-педагоглар оддий физик-геометрик шакллари тортис, ҳаракатдаги одам, ҳайвонлар ҳамда табиатнинг турли кўринишларига бўлган жараёнларни қаламтасвирда бажара олиши керак. Бундан ташқари китоб, газета, журнал безаш, муқовалаш ва бошқа график ишларни бажара олиш малакаларини билишлари лозим.

Рангтасвир – табиат, жамият, умумий инсоният турмуш тарзини,

характерини билишда бўёқлар бениҳоят катта роль ўйнайди.

Ранглар ҳаётдаги ҳар бир ҳолатни кўриш характерини очиб берибгина қолмай, унинг сиру асрорларни ифодалаб берувчи ишончли воситадир. Ана шунинг учун ҳам рангтасвир санъатнинг ўзига хос алоҳида бир тури ҳисобланади.

Табиат ва ҳаётдаги нафислик, гўзаллик сирларини рангтасвир санъати даражасида бошқа бирор-бир соҳа очиб бера олиш имкониятига эга эмас. Бу борада ўқувчи - ёшларга ана шу санъат сирларини улашиш вазифаси табиийки, тасвирий санъат ўқитувчилари зиммасига юкланади.

Шу боисдан, ўқувчи - ёшлардан қуйидагиларни билиш талаб қилинади:

- рангтасвир санъати ҳақидаги назарий билимларга эга бўлиш;

рангшунослик ва рангтасвир технологияси ҳамда унинг асослари хусусида тушунча ва билимларга эга бўлиши;

рангтасвирда ишлатиладиган материаллар асбоб-ускуналар ва қуролларни ишга тайёрлаш йўл-йўриқларини билиш;

рангтасвирда тасвир қуриш - расм ва ҳавойи перспективаси ҳақида маълумотга эга бўлиш;

-гуашь, мойбўёқ, сувбўёқда расм ишлаш қоидалари, босқичлари, шакл бериш ва характерини топиш усуллари бажарилиши;

ҳомаки расмлар ишлаш, эскизлар асосида композициялар тузиш кабилар.

### АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ СИРЛАРИ.

Халқ амалий санъати ўзига хос жуда кўп намуналарга, рангбаранг турларга эга. Тасвирий санъат ўқитувчиларнинг фаолияти билан узвий боғлиқ бўлган ҳамда мактаб, лицей, коллеж таълими мазмунини олиб боришда амалий санъатнинг наққошлик, ганчкорлик ва бадий безакнинг бошқа кўринишлари намоён бўлади. Демак, рассом - педагог шу кўринишларнинг бирини ўз шароити, ҳоҳиш иродаси ва қизиқишига қараб бирортасини танлаб олиб, унинг тарихи, давомчилари кимлигини, санъатни яратишдаги сир асрорларини мукамал ўзлаштириши лозим. Агар танлаган амалий санъат тури "Наққошлик" бўладиган бўлса, бу санъатни ўзлаштириб олиш учун қуйидаги талаблар қўйилади:

- наққошлик санъати ва унинг ҳаётимизда тутган ўрни;

- наққошлик санъатида ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва улардан фойдаланиш йўллари;

- нақш элементларини ўргатиш, ижодий композиция тузишда фойдаланиш қоидалари;

- нақш композиция тузишда фойдаланиш қоидалари;

- нақш композициясини турли жойларга мослаштириб тузиш йўллари ва усуллари;

- нақш ранг ва бўёқларни танлиш ва ишлатиш сирлари;

- нақш сирларини ўқувчи ёшларга ўргатишнинг методик томонларини

билиш.

### Ҳайкалтарошлик санъати.

Бу санъат ҳам тасвирий санъатнинг алоҳида бир тури бўлиб, рассом-педагогларнинг мукамал шаклланишига катта ҳиссасини қўшади.

Ҳайкалтарошлик санъатини ўргатиш учун ўқувчи ва ёшлар энг аввало санъатнинг назарий ва амалий тушунчаларига эга бўлишлиги мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли қуйидагиларни билиши ва ўрганиши лозим:

-ҳайкалтарошлик санъат тарихини, умумий назарий тушунчаларини ўзлаштириш;

-ҳайкал ишлашда керакли материалар, асбоб-ускуналар ҳамда уларни тайёрлаш ва фойдалана олиш;

-ҳайкал ишлашда одам ва ҳайвон пластик анатомиясини ўрганиш;

### Композиция.

Талабаларда тасвирий ва амалий санъат борасидаги барча билимларни амалий ҳамда назарий жиҳатлардан ривожланиш, шунингдек ижодий шакллантиришда композиция тушунчасини кенг маънога эга бўлиб, қаламтасвир ва рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва амалий санъатнинг ҳар бир турида ўзига хос йўсинда ва ўзига хос мазмунини ташкил қилади.

Композициядан олган билимлар талабаларни ўз соҳасига ижодий ёндошишларига, ўқитувчилик фаолиятини жиддий ва қизиқарли олиб боришларига катта ёрдам беради.

### САНЪАТ ТАРИХИ ВА САНЪАТШУНОСЛИК АҲАМИЯТИ.

Маданиятимизнинг ажралмас ва улкан бўлаги тасвирий ва амалий меросидир. Бу борада ўтмиш ижодкорлар томонидан ўта қимматли ва беҳисоб намуналар яратилган ҳамда санъат тарихининг айнан шу борасидаги ранг-баранг кўринишлари, тури, услуб ва мактаблари мавжуддир.

Санъатшунослик фани санъат тарихини илмий ва назарий жиҳатдан ўрганадиган бир бўлаги ҳисобланади. Шунинг учун санъатшуносликдан қуйидагиларни ўзлаштириш талаб қилинади:

-санъат тарихи ва санъатшуносликнинг моҳияти ва мазмуни;

-санъатшунослик асослари;

а) тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари,

б) тасвирий санъатдаги эстетик йўналишлар.

-жаҳон санъати тарихига доир билимлар;

в) жаҳон санъат тарихининг ривожланиш босқичлари,

г) замонавий жаҳон санъатининг ўзига хос жиҳатлари.

-Ўзбекистон санъати тарихига оид билимлар;

а) Санъатнинг қадимги анъаналари,

б) Моний ва монийлик мактаблари,

в) ислом маданияти ва санъат муаммолари,

г) миниатюра санъати анъаналари ва "Ангористон" мактаби,  
д) замонавий Ўзбекистон тасвирий санъатининг ютуқлари ва ўзига хос шакллари.

### ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ.

Мактабларда таълим-тарбия ишларини самарали бўлиш машғулотларнинг тўғри мазмунли ва изчил олиб боришга боғлиқ.

Таълимнинг тарбияловчилик хусусиятини таълим мазмуни билан, таълим методлари билан амалга оширилади. Ҳар бир фан ўқитувчиси каби санъат ўқитувчиси ҳам педагогика назарияси ва унинг принципларини мукамал ўрганишларини талаб қилади.

Дидактика – педагогика таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганиладиган қисмидир. Дидактика грекча сўз бўлиб, сабоқ бўладиган сўздир, яъни дидактика – таълим назарияси демакдир.

Дидактика хусусий методикалар билан мустаҳкам боғланган ҳолда, барча ўқув фанлари учун қонун ва қоидаларни белгилаб беради.

Умумий дидактика асосида баъзи ўқув предметлари бўйича хусусий дидактикалар келиб чиқади. Улар методика деб аталади. Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси, математика, адабиёт методикалари ва тасвирий санъат фани асосларини ўрганишда қуйидаги педагогиканинг назарий унинг принциплари катта аҳамият касб этади.

Таълим-тарбиянинг бирлиги.

Таълимнинг илмийлик принципи.

Таълимда кўрсатмалик принциплари.

Таълимда онглилик ва активлик принциплари.

Таълим процессида ўқувчиларни ёш индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.

Тасвирий санъатнинг бошқа фан материаллари билан боғликлиги.

Таълим принципи тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнининг характери, йўналиши, ўқувчилар томонидан илмий билимларни ўзлаштиришнинг, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилишнинг қонун ва қоидаларини ўз ичига олади. Бизнинг давримизда мактаб таълим системасида онглилик ва активлик принциплари муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги мактаб таълими ўқувчиларининг онгли, мустақил, актив фаолиятига суянади.

Таълимда онглилик ўқувчиларнинг илмий билимларини асосли равишда чуқур ва англаб ўзлаштиришлари, назарий билимларни амалда қўллай олишларини ўз ичига олади.

Мактабларда ўқувчиларга бериладиган билимлар ҳозирги замон билимлар даражасида бўлиш, ўқувчиларга уларни муайян системада бўлишни таъмин этиши лозим.

Ўқитувчининг вазифаси объектив жиҳатдан нарса ва ходисалар тасвирини ифодалашда реалистик санъатининг моҳиятини илмий равишда очиб бера олиши керак.

Мактабда тасвирий санъат дарс предмети бошқа фанлар қатори ўзининг мустақиллигига эга. Шунинг учун тасвирий санъат предмети бир қатор илмий асосларга ёндошилади.

### ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ БИРЛИГИ, ПРИНЦИПИ.

Мактаб шароитида илфори ўқитувчи бўлиш учун ҳозирги замон дидактик принципларини эгаллаб уни ижодий равишда амалиётда қўллай билиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги педагогика таълим-тарбиянинг моҳиятини, дидактик принципларини очиб беради, шунинг учун биринчи ўринда сиёсий ғоянинг мақсадга йўналиши ва таълим-тарбиянинг бирлигидадир.

Умумтаълим мактабнинг вазифаси ёш авлодни тетик руҳда тарбиялаб, уларнинг дунёқарашларини маънавий шакллантиришдадир.

Тасвирий санъат ўқитувчисининг вазифалари таълим-тарбияда яратилган принципни тасвирий санъат асарлар ғоявий-сиёсий йўналишини кўрсатишдадир.

Ўқитувчиларда таълим-тарбия бериш таълимотлари ҳамда давлатимизнинг кўрсатмалари асосида ёш авлодни ҳар томонлама камолатга етган маълумотли ва замон талабга жавоб берадиган, юксак даражадаги фазилатларни ўзида мўжасамлаштирган кишилар қилиб тарбиялашдир.

Ўқувчиларга тасвирий санъат бўйича таъсир кўрсатиш кучидан фойдаланишда, тасвирий санъат ўқитувчиси кенг имкониятга эга.

Ёш ўқувчиларига тасвирий санъатни тарғиб этишимизда, унинг мақсад ва вазифаларини, жамиятимизнинг қурилишдаги аҳамияти, санъатнинг ҳаққонийлиги ва халқчиллиги, санъатнинг реалистик принциплари асосида яратилишини очиб беришимиз лозим.

Тасвирий санъат ўзининг ёрқин образи билан болалар ҳаётида, ҳаққонийлиги, гўзаллик востасида, асарда тасвирланган бадиий образларда ҳаётни реал очиб беради.

У инсонга эмоционал таъсир кўрсатиб, ўқувчилар сезгисини ўстиради, бадиий дидини шакллантиради. Ана шундай сифатларга қараб, тасвирий санъат ўқитувчиси тарбиявий мақсадларни кўзлаб ундан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Санъатнинг инсонга таъсир қилиш кучига суяниб, ўқитувчи болалар билан ҳар томонламатарбиявий ишларни олиб бориши мумкин.

Болаларни санъат билан яқинлаштирар эканмиз, аввало биз уларга санъатнинг мақсад ва вазифаларини очиб беришимиз керак ва асосан реалистик санъат принциплари, халқчиллик ва унинг принци, жамият қурилишида тасвирий санъатнинг аҳамиятини тушунтириб беришимиз керак.

Ҳаётни адабий образларда акс эттира туриб, унга эстетик баҳо бериб,

тасвирий санъат ҳаётда гўзалликни кўра билиш учун кучли қуролдир. У кечаги ҳақиқатни билдирибгина қолмай, балки эртанги ҳаётни ҳам тўғри ифода этади.

Агар ўқувчиларнинг ўзида ижодий қизиқиш катта бўлса, уз фикр мулохазларини, хиссиётларини ифода эта олишса атрофдаги ҳар бир нарсага эстетик жиҳатдан қарай билишса эстетик ғоявий тарбия жуда муваффиқиятли келади.

Эстетик тарбия билан шуғуллана туриб, бўлажак ўқитувчи, мактаб ўқувчиларининг санъатни тўғри тушуниб камолатга эришаётганини яхши билиши керак.

Тасвирий санъат ўқитиш болаларга атроф-муҳитни тушуна билишлари гўзалликни кўра олишда ёрдам беради.

### ИЛМИЙЛИК ПРИНЦИПЛАРИ.

Ўқувчиларнинг дунёқарашларининг таркиб топтириш ва уларни амалий фаолиятга тайёрлашда илмийлик принципи асос ҳисобланади.

Бунинг асосий негизи объектив қонуниятдан иборат бўлиб фан асосларини чуқур ўзлаштирмай туриб, ўқувчиларда дунёқарашни вужудга келтира олмайди.

Илмийлик принципи мактаб таълими мундарижасига фан томонидан аниқ берилган ўқув материали киритилишини /бу талаб мактаб программаларини ва дарсликлари тузиш вақтида шунингдек ўқитувчи ҳар бир дарс учун материал танлаётганда ҳисобга олинади/ ҳамда ўқувчиларнинг ёши учун муносиб бўлган илмий тушунчалар ва терминлар билан қуроллантиришни тақоза қилади. Программаларда ва дарсликларда терминологияни эгаллашдаги тартиб ва изчилик белгиланади.

Бу тартибга қатъий риоя қилиш ҳамда ўқув жараёнида қабул қилинган терминларнигина жорий этиш муҳимдир.

Илмий назариялар билан таништириш талаби кўпроқ даражада ўрта ва юқори синфларга тааллуқлидир, аммо бошланғич мактабда ҳам ўқитувчи дарслар мундарижасига илмий билимлар жорий этиб, бу ишга муайян хисса қўшади. Ўқувчиларга рус тили грамматикаси, тасвирий санъат, табиатшуносликдан баъзи илмий тушунчалар берилади.

Илмийлик принципи бошланғич мактаб ўқувчисидан мактаб ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқида алоҳида эътибор беришини талаб қилади. Ўқитувчи болаларнинг айрим масалаларини илмий асосида тушунишда ҳеч қандай четга чиқишларига йўл қўя олмайди, ҳамда илмий тушунчалар ва терминларни тўғри ишлата билишга ўргатади.

Ўз предметини яхшилаб ўрганган, болаларнинг психологиясини таълим ва тарбия назариясини биладиган ўқитувчигина ўқитишнинг дастлабки йиллариданоқ ўқувчиларни илмий билимлар дунёсига олиб кира олади, уларда билимларни, фанни эгаллашга зўр интилиш уйғота олади.

Тасвирий санъат ўқитувчисининг вазифаси, ўқувчиларга текисликда предметларни тасвирлаш қонунларини ва теварак-атрофда тутган ўрнихакида

тушунча бериш, ўқувчилар асосий принциплар бўйича фикрлашлари, реалистик санъатга объектив қарашлари ва нарса ва ҳодисаларга ҳақоний тасвирлашларига ёрдам беришлари керак.

Тасвирий санъат таълимининг ўқитилишида ўқитувчи турли шакллари тузилишини конструктив жиҳатдан унинг табиатдаги гўзаллигини очиб бериб ўқувчиларнинг эстетик дидларини ривожлантириш лозим.

Расм таълимининг илмийлик принциплари асосида перспектива, ёруғ соялар ва уларнинг қонунлари, анатомия ва бошқалар ётади.

Масалан: расм таълимида перспектива қонунлари қурилишларини ўқувчиларга тушунтириб ва уларнинг перспектива ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиб, уни амалда қўллай олишга эришмоқ керак.

Предметларни конструктив қурилишини ўқувчиларга албатта таҳлил этиб бериш лозим.

Расм индивидуал бўлиши мумкин, у ҳолда ҳам ҳамма ўқувчиларни ишлари текисликда перспектив қонунлар асосида қурилиш лозим.

Шундай қилиб, бадий жараёнда ҳам илмийлик принциплари зарурдир.

Ўқитиш жараёнида мактаб ўқувчилари реал ҳаётни тўлароқ акс эттирадиган, фан томонидан аниқ белгиланган билимлар системасини яхши ўзлаштиришлари лозим бўлади.

Педагогнинг масаласи қонунларини, яъни уларни текисликда шундай ифодалаш лозимки, ўқувчилар чизаётиб реалистик санъат методлари ҳақида фикр юритишга одатланиши шарт.

Расм чизишнинг асослари перспектива, рангшунослик, соялар назарияси каби фанлар мўжассамланган. Перспектив расм чизишга ўргата туриб, болалар диққатини перспектива қоидаларига риоя қилишга жалб этамиз. Ўқувчилар бу дарсларда буюмнинг конструктив формасини аниқ тўғри чиқаришга одатланадилар.

Расм чизишнинг техникаси ҳар хил бўлиши мумкин, лекин тузиш қоида ва қонунлари ўзгармайди.

Санъатда материалистик ва идеалистик нуқтаи назар қандай акс этиши ҳақида алоҳида тўхтаб ўтишимиз керак. Реалистик санъат бу ҳақиқатдаги бор нрсани реал ижодий ифодалашдир. Рассомнинг табиатдага бўлган муносабатнинг баҳосидир.

Формалистик санъат-рассом турли ҳодисаларни юзаки ифодалашдир. Формалистик рассомнинг асарида реализмдан йироқ субъектив ҳаёт муҳимдир.

Реал ҳақиқат рассом реалистикасининг дастлабки моментида. Реалистик санъат объектив дунёни биринчи ўринда кўрди, шу билан бирга материя бирламчилигини ва онгнинг иккиламчилигини кўрсатди.

Натурага қараб расм чиза туриб, биз фақат буюмни текширибгина қолмай, унинг ички структурасини ҳам билишга қизиқамиз.

Буюмнинг ташқи кўриниши унинг ички тузилишидан аниқланади.

Масалан, скелет кўзга кўринмайди, лекин ташқи формани тўғри чизишимиз учун жуда муҳимдир, шундай қилиб, чиза туриб одам дунёни

ўрганади, уни анализ қилади. Реал ҳақиқатни идрок этиш жараёнида илм ва санъатнинг асосидир.

Расм чизишни ўқитишнинг илмийлик принципи реалистик санъат методларини эгаллашдагина эмас, кузатиш ва қизиқувчанликни ривожлантиришда ҳам аҳамияти катта.

Ташқи муҳит билан танишишда унинг қонунларини ўргана билишда ўқувчиларни актив бўлишга ўргатади. Ҳар бир педагогга маълумки, болаларни ўйламай натурадан кўчирма қилишдан сақлш қийин. Ўйламай чизишдан сақлай олиш усулларида бири: тадқиқот қилиш ҳарактерига эга бўлган масалани ўртага қўйишдир.

Академик лицей, касб-ҳунар коллежи ишларида илғор ўқитувчи бўлиш учун ҳозирги замон дидактикасини эгаллаши ва уни ижодий равишда амалда қўллай билиши мақсадга мувофиқдир. Чунки таълим ва тарбиянинг моҳиятини қўйидаги дидактик системадаги принциплар очиб беради. Таълим-тарбияда ўқувчи ёшларга таълим-тарбия беришда мутахассисликнинг мақсадга интилиш, ёш авлодни мустақиллик таълимотлари кўрсатмалари асосида ҳар томонлама маълумотли ўзлигини англашлик, хиссиётларини ўзида мужассамлаштирган кишилар қилиб тарбиялаш. Шунинг учун аввало, тарбия ишларида ўзликни англаш ғоявийликда алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ўқувчилар ёшларга тасвирий санъат бўйича таъсир кучидан фойдаланишда, тасвирий санъат ўқитувчиси кенг имкониятга эга. Биз ўқувчи ёшларга тасвирий санъатни тарғибот этишимизда унинг мақсад ва вазифаларидаги катта аҳамиятга эга бўлган санъатнинг реалистик принципи асосида яратилишини очиб беришимиз керак. Санъат асарлари ўқувчиларга хаяжонли таъсир кўрсатиб, инсон сезгисини ўстиради фикрини шакллантиради. Ана шундай хислатларга кўра тасвирий санъат ўқитувчиси тарбиявий мақсадларни кўзлаб, ундан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳаммамизга маълумки, фаолиятимизда илмийлик принципи энг муҳим ўринлардан бири ҳисобланади. Чунки ўқувчи, ёшларга бериладиган барча билимлар илмий асосланган бўлиб, у амалиёт билан чамбарчас боғланган ҳулосадан иборатдир.

Тасвирий санъат ўқитувчисининг вазифаси ўқувчи, ёшларга текисликда нарсаларни бўёқ билан тасвирлаш қонунларини ва уларни теvarак-атрофдаги тутган ўринини ўқувчи ёшларга уларни реал тасвирлай олишларига ёрдам бериши керак. Ўқитувчи ўқувчи, ёшлар олдида кетма-кетлик топшириқлар системасини қўйиб, расм таълимининг асосий тузилиш қонунларини тавсия этмоғи лозим.

Тасвирий санъат дарсларини ўқитишда рассом-ўқитувчи, турли шаклларни тузилиши конструктив жиҳатдан табиатнинг гўзаллигини очиб бериб, ўқувчиларда эстетик дидларини ривожлантириши керак.

### ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИДА КЎРГАЗМАЛИЛИК ПРИНЦИПИ .

Асосан ўқувчи ёшлар кўргазмалилик принципларида восита ёрдамида аниқ тушунчаларга эга бўлиб борадилар. Предметга қараб, уни тузилиши хислатларини аниқ кўрадилар. Натурага қараб расм ишлашнинг ўзи ҳам кўргазмалиликдир. Натурадан расм ишлаш давомида шаклни кузатишда ҳис-туйғулар, фарқлашлар юзага келади. Ана шунинг учун ҳам ўқув жараёнида натурадан фойдаланилади. Педагогиканинг вазифаси ўқувчи, ёшларга диққат-эътиборни бир жойга жамлашни ўрганиш, ишга мустақил равишда ёндоштига ўргатиш. Шунинг учун педагог ҳар бир натура постановкасини жиддий равишда ўйлаб кўриши керак. Натурани кузатишда кўрсатмалиликлардан ҳам фойдаланиб борилади. Бунда картон ва бошқа материаллардан фойдаланилади. Кўргазма ҳам методик томондан ўқувчи, ёшларга тушунарли бўлиши керак. Масалан, талабаларга геометрик жисмларни ишлаётганиларида унинг конструктив тузилишига, схемаларни кўрсатиш ва уни чизиш, кўргазмалардан фойдаланиш жуда ўринлидир. Бу ҳолда ўқувчи, ёшлар тез фикрлаб натурани чизиш йўллариини ўрганиб оладилар.

Таълим системасида кўргазмалилик принципи жуда муҳим аҳамиятга эга. Педагогика классиклари таълимнинг кўргазмали бўлишига оид қимматли фикрлар берганлар. Буюк педагог Ян Амас Коменский, Пестолитци, айниқса улуғ рус педагоги К.Д.Ушинскийнинг таълимини кўргазмали бўлиши ҳақида айтганлари муҳим аҳамиятга эга ва у ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқатмаган.

Ҳозирги педагогика тарихий педагогик назарияларига танқидий ёндошиб тажрибалар ва ютуқларга асосланган ҳолда кўргазмалиликнинг илмий асосларини ишлаб чиқади ва уни амалда қўлланишнинг йўл-йўриқларини белгилаб бери.

Таълимнинг кўргазмалилик принципини бошқа дидактик принциплардан ажратган ҳолда талқин қилиб бўлмайди. У дидактиканинг бошқа принциплари, айниқса таълимда онглилик ва активлик, мустаҳкам ва пухта ўзлаштириш каби принциплар билан мустаҳкам боғлиқдир.

Таълимнинг кўрсатмалилик принципи ўқув материални конкрет образлар орқали бевосита ўқувчиларнинг идрок қилишларини таъминлашга қаратилган принцип бўлиши билан характерланади.

"Бу /кўргазмалийлик/ шундай таълимки,- у мавҳум тасаввур ва сўзларга эмас, балки болалар бевосита идрок қилган конкрет образларга асосланади. Бу образларни болалар ўқитувчиларининг раҳбарлиги остида ўтиш процессининг ўзида билиб олишгани, илгари мустақил кузатиш натижасида билиб олганми, бари бир" !

Кўргазмалилик принципи ўқувчиларни ишонарли билимлар билан қуроллаш идрок эта билиш манбаи бўлган буюмларнинг ўзига мурожот этишдан иборатдир.

Натурага қараб расм чизишнинг ўзи кўргазмали ўқитиш методидир. Натурага қараб расм чизиш процесси буюмни кўра билиш, хис қилиш, кузатишдан бошланади.

Кўргазмалилик натурани кузатиш ва уни анализини тўғри талқин қилиниши билан бевосита боғлиқдир. Бу буюмни ва ходисаларни яхши тушунишда таъсир қилади, шу билан бирга, тасвири қоғоз сатҳида тўғри ифодалашдаги сифатини ҳам яхшилайдди.

Физика ва геометрия ўқитувчиси тажриба билан ўз фанини тушунтиришга тиришганидек тасвирий санъат ўқитувчиси ҳам худди шундай моделларининг формасини кўрсатиш керак. Кўрсатмалиликнинг ҳамма хиллари ўқувчига форманинг структурасини нимадан иборатлигини тўғри кўришга, тушунишга ёрдам беради.

Мактаб таълимида ўқувчиларининг ўқувчи материалларини факт, нарсас, ходиса ва воқеаларнинг конкрет образини идрок қилиш, сезиш орқали рўй беради. Айни бир вақтда кўргазмали материаллар сезиш объекти бўлиб хизмат қилади.

Биобарин, кўрсатмалилик орқали идрок қилиш мураккаб психик процессдир. У /кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм-маза билиш, мустақил ҳаракат ва бошқалар/ сезги органларининг алоҳида-алоҳида ва бир йўла бир объектив устида бир неча сезги органларини сафарбар қилишни талаб қилади.

Кузатилаётган объектнинг характери ёки ўқув материалининг хусусиятига қараб идрок қилиш турлича бўлиши мумкин: ҳаётдаги нарсас, ходиса ва воқеаларни ёки ўқув материалларини тўғридан тўғри кузатиш орқали бевосита идрок қилиш, илгаридан сезилган ва идрок қилинган нарсалар ва ўқув материалларининг образларини қайтадан эсга тушуриш, тасаввур қилиш.

Нарсас, ходиса ва воқеалар ёки ўқув материалларининг тасвири ифодаланган кўргазма материалларини намоёни қилиш йўли билан идрок қилиш. Таълимда қўлланилаётган кўргазма қуроллар ўқувчиларнинг қанчалик яққол ва конкрет образли идрок этишни таъминласа ва кузатилаётган объектга мумкин қадар кўпроқ сезги органлари сафарбар қилинса, ўқув материаллари шунчалик тез, қулай ва осон ўзлаштирилади. Бу эса ўқув материалларини пухта ўзлаштиришни таъминлайди.

Кўргазма материаллар орқали ўқувчилар объектив борлиқдаги нарсас, ходисалар ва воқеалар билан, уларнинг хусусияти, белгилари ва бир-бири билан боғланиш воситалари билан танишадилар.

Мавхумий ходисаларнинг конкрет образлар орқали идрок қилиш натижасида ўқувчиларнинг мантикий фикр қилиш фаолиятлари ривожланади. Айниқса, бирор ўқув материали хусусиятларини мустақил фикр юритиш / таққослаш, анализ қилиш, умумлаштириш, хулоса чиқариш / орқали аниқлаб, тушуниб, ўзлаштиришларига қаратилган схема, таблица, диаграмма каби материаллар устида ишлаш муҳимдир.

Кўргазмалиликни юқоридагича ташкил қилиш ўқув материалларини онгли, мустақил ва активлик билан ўзлаштиришни таъминлайди.

Кўргазмалиликнинг самарали натижалар бериши учун унинг бошқа томонлари ҳам назарда тутилиш лозим. Биринчидан, ишлатиладиган кўргазмали қуроллар ҳар бир синф ўқувчиларининг савияси, ёш ва умумий

характер хусусиятларига мос келадиган бўлиши лозим.

Иккинчидан, фойдаланиладиган кўргазма қуроллар ўтилатган дарс темасининг характер хусусиятларига мос келадиган теманинг мазмунини очиб беришга ёрдам берадиган бўлиши керак. Дарсларда кўрсатма материалдан ортиқча фойдаланиш тавсия этилмайди. Кўргазмали қуроллар кўпайиб кетган пайтда таассуротларининг кўпайиши, фикрда қайта ишлашни қийинлаштиради, ҳамда ўқувчилар билимларининг сифатига путур етказди.

Инсон билиш фаолиятида хиссий образ қандай роль ўйнашини атрофлича тушунишга, аниқ фикрлашдан абстракт фикрлашга, хиссий образга ўтишини англашга имкон беради.

Ўқувчиларнинг ривожланишидаги аниқ образли билан мустақил жараён ҳам, абстракт фикрларининг шаклланиш воситаси ҳам бўлиши мумкин.

Таълимнинг кўргазмалилиги термини боланинг ривожланишидаги хиссий билиш бойлиги ва унинг аҳамиятини ифодалай олмайди. Кўрсатмали ўқув қуроллари ўқувчининг хиссий билишини ташкил қилиш томонларидан биридир. Улар ўқувчининг билиш фаолиятидаги хиссий ва ақлий билишнинг ўзаро мураккаб диалектик зиддиятли боғланиш моменти, холос.

Шахсни гармоник равишда ривожлантириш, ўқувчиларининг ақлини ўстиришнинг мураккаб вазифалари ўқитувчидан боланинг хиссий билишини мохирона йўлга қўйишни талаб қилади.

Ўқитиш процессидаги билиш фаолиятини шу асосида бошқариш ўқувчиларнинг ақлини ўстириш учун имкониятлар яратади.

Кўргазмалилик принципи ўқитиш мақсадларига мос бўлиб, материалнинг мазмуни билан белгиланади. Бу материални ўрганиш эса ўқувчиларни чинакам илмий ва ҳаётий муҳим билимлар билан қуроллантиришга ундайди. Кўрсатмалик бу билимларни яхшироқ ўзлаштириб олишга ҳамда уларнинг ҳаёт билан, меҳнат практикаси билан боғланишига ёрдам беради. Машғулотларда турли хил кўргазмали қуролларни қўллаш ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини активлаштиради, уларнинг диққатини сафарбар этади. Шунинг учун кўргазмалилик воситалари ўқитишнинг ҳамма босқичларида ўқувчиларининг янги материални идрок қилишларида, билимларни мустаҳкамлашда, текшириш ҳамда амалий фаолиятда ва ишда қўлланишда, меҳнат кўникмалари ва малакаларини ҳосил қилишда татбиқ этилади.

Таълим процессида кўргазмалиликдан фойдаланишда бир қатор методик талабаларга риоя қилиш керак.

Биринчидан, кўргазмали қуролларнинг у ёки бу хилини танлаш дарснинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Иккинчидан, кўргазмали қуроллар билан ишлаганда ўқитувчи ўқувчиларнинг бу қуролларини идрок этишга раҳбарлик қилишлари, уларнинг диққат эътиборини ўрганилатган буюмнинг асосий ва муҳим томонларига қаратишлари, ўқувчиларнинг мумкин қадар кўпроқ актив ва мустақил равишда ишлашлари учун шароит яратишлари керак.

Учинчидан, дарсни кўрсатмали қуроллар билан тўлдириб юбормаслик,

улардан таълим мақсадларига эришиш учун зарур бўлган миқдорда фойдаланиш лозим. Агар дарсда бир неча кўргазмали қуролни кўрсатишга тўғри келса, уларнинг ҳаммасини бирданига эмас, балки эҳтиёжга қараб кўрсатиш керак. Кўргазмалилик принципидан яна бири, у ҳам бўлса ўқитувчини чизган расмлари. Биринчидан, ўқитувчи ўзи чизиб кўрсатган расмларида керакли бўлган расм техника ўқув материалларидан қандай фойдаланиш кераклигини ҳақида тушунтиради.

Бу борада ўқитувчининг синф доскада бўр /мел/ билан чизган расмлари алоҳида ўрин эгаллайди. Синф доскасида расм чизишни ўзига хос хусусияти бўлиб буни тушунтираётган материални тез ва содда қилиб 2-3 минут ичида схематик равишда чизиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Айрим ўқитувчилар синф доскасида чизаётган расмларга 10-15 минут сарфлашади, шу билан бирга улар ўқувчиларни вақтларини оладилар.

Иккинчидан, ўқитувчи ўқувчиларнинг расм дафтарларини четига чизиб кўрсатиши. Бунда биз ўқувчиларни ишга назар ташлаб кўпчиликни фикрини чалғитмасдан айрим ўқувчиларни ишини кўриб чиқамиз ва тузатиш киритамиз.

Сим ва бошқа нарсалардан ишланган каркасли моделлар конструктив жиҳатдан ишланган ва бўялган қоғозли кўрсатмалар;

Ёруғ ва соя, перспектива қоидаларини асослаб ишланган махсус кўргазмалар;

Турли шаклларнинг қонунлаштирилган схематик тасвирлари;

Методик жиҳатдан ишланган кетма-кетлик тартиби;

Тасвирий санъат намоёндаларининг расм ва репродукциялари;

Ўқитувчининг кўрсатмаси, қоғоз ва синф тахтаси кабилар.

Буларнинг ҳаммаси ўқувчи, ёшларга натурани кўриш ва уни чизиш йўлларини ўрганишга яқиндан ёрдам беради. Я.А.Коменский – "кўргазмалилик принци – дидактиканинг олтин қоидаси", - деб бежиз айтмаган.

Чунки кўрсатмали қурол ўз холича қолиб кетмаслиги уни сўз билан исботлашни такоза этади.

Тасвирий санъат предметларидан қўлланиладиган кўргазмали қуролларни қуйидагича группаларига ажратиши ва уларнинг таълим тарбиядаги мақсадларига тўхталсак:

а)/ Натурага қараб расм ишлаш дарсларга боғлиқ бўлган кўргазмалар /ясси предметлар, дафтар, китоб, байроқчалар/ ҳажмга эга бўлган предметлар, мева ва сабзавот маҳсулоти, геометрик жисмлар, мактаб ва ўқув қуроллари, уй ва рўхғор буюмлари, одам, қуш ва ҳайвон турлари ва бошқалар;

б) нарса, предметларни конструктив қурилишлари жиҳатдан ҳамда перспектив ва ранг қоидалари асосида ишланган кўргазмали қуроллар;

в) таблица ва схемалар. Перспектива қоида ва қонунларини тушунтириш учун ишланган поезд йўли, катта кўчалар, метро ичи ва бошқаларга қараб, методик томондан ишланган чизиқли ёки рангли кўргазмалар;

г) картина репродукциялари.

Ўқувчи ҳайкалтарошлик; графика, рангли тасвирланган асарларни яратган

таниқли рассомлар ҳақида маълумотлардан фойдаланиш зарур.

д) педагогнинг чизма расмлари.

Синф тахтасида ўқитувчи томонидан қўйилган натура предметларни композиция перспектива томонидан синф тахтаси ёки варақда хомак расмларни чизиб кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари турли рангли қоғозларга чизиб кўрсатиш мумкин. Шунинг учун ўқувчилар натурадан кўра билишлари, натура деталларини таҳлил эта билиб, натурани образли қонун қоидалар асосида ишлай билишлари, бўяшда умумийдан деталлаштиришга ва яна умумийга ўтиш кабиларни талабалар амалда қўллай билишлари мақсадг мувофиқ қилиб қўяди. Этапли кўрсатмалар қалам ва аквареллардан икки предметдан ташкил топган кетма-кетлилик, кўрсатма одатда 4 этапдан ташкил топиши мумкин. I этапда натюрмортни композицион тузилиши, натюрморт предметларини устки ўнг ва чап четки қирраларини аниқлаб қоғоз сатҳига умумий жойлашиши белгиланади.

Замонавий ҳамда жаҳон андозаларига мос мутахассислар тайёрлаб ўқитиш фаолияти. II этапда натура предметларини бир-бирларига бўлган нисбатлари аниқлаб олинади.

III этапда натура предметларини перспективада қисқаришлари ҳамда уларни конструктив қурилиши, ҳар бир предметнинг ҳарактерларини маконда кўрсатади. IV этапда ишнинг тамомлаш жараёни кўрсатилиб сўнги этапларда эса натурани ранглар бўйича ишланганлиги ва бошқалар кўрсатилади.

Турли геометрик жисмлар конус, цилиндр ҳамда тўғри бурчакли шакллардан ташкил топган предметларда ёруғ-сояларни белгилаш бўйича ишланган ҳолда ўқитувчининг кўргазмали қуроллар катта аҳамиятга эга.

Одам, қуш ва ҳайвон каби бошқа мураккаб нарсаларнинг конструктив қурилишлари бўйича ишланган таблицаларни ўқувчиларга кўрсатиши зарур ҳисобланади.

Турли туман ишланган кўргазмали қуролларни ок ватман қоғозда бажарилиши планшетларга қўйиб уни ўқувчиларга кўрсатишда яхши натижаларга эришилганлиги ўқитувчиларни иш тажрибалардан кўриниб турибди.

Тасвирий санъат таълимини ўқитишда дарс самарадорлигини янада ошириш, омилларидан бири техника воситаларидан фойдаланишдир. Булар ўз навбатида талабаларни билим даражаси ўсишида катта аҳамиятга эгадир.

### ТАЪЛИМ ОНГЛИЛИК ВА АКТИВЛИК ПРИНЦИПЛАРИ.

Педагогика фанида активлик ва онглилик асосий педагогиканинг принципларидан ҳисобланади. Онглилик активлилик ва мустақил ишлаш ҳамиша ўқув материални яхши эгаллашга олиб келади. Бундан ташқари онглилик ва активлилик ўқувчилар олган билимларни чуқурроқ ўрганишда зарур бўлади, ишга қизиқиш уйғотади, ижодий ишлашга чорлайди.

Бу принцип ўқитишни шундай ташкил этишни назарда тутадик, бунда ўқувчилар билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш методларини онгли ва

актив эгаллаб олишсин ижодий ташаббускорлик кенг дунё қараш таркиб топадиган бўлсин. Фақат шундай ўқитиш ёш авлодни ижодий меҳнатга лаёқатли жамият қурилишига актив иштирок этувчи шахсни таёрлаш имконини беради.

Ўқитишдаги онглилик принципи ўқувчиларнинг ўқув ишларини конкрет мақсадларини аниқ тушуниши, ўрганилаётган ходиса жараёнларни ва улар ўртасидаги боғланишларни тушунган ҳолда ўзлаштириб олишини, олинган билимларни амалий фаолиятда қўллай билишини тақозо этади.

Ўқитишдаги онглилик ўқувчиларнинг ўқишга маъсулиятини сезган ҳолда муносабатда бўлишини, ўқувчининг топшириқларини ўз вақтида аниқ, мустақил ва ижодий равишда бажаришга ҳаракат қилишга ҳам йўллайди.

Ўқувчиларнинг активлиги уларни назарий материални эгаллаб олишида ва тасвирий санъат хоналарида ҳамда табиатни кузатиш натижасида бажарган вазифаларида намоён бўлади. Активлик ўқувчиларнинг ўқув ва меҳнат фаолиятидаги мустақиллигини ривожлантириш билан мустаҳкам боғланган.

Онглили ва активлик принципини амалга оширишда ўқувчилар ўрганишга киришган фан ёки унинг билимининг мақсади ҳамда вазифаларини уларга очиб беришдан, касбий тайёргарлик учун унинг амалий аҳамиятини кўрсатишдан бошланади.

Таълимнинг самарадорлиги ўқитувчининг ўз амалий ишида болаларни тасвирий санъат дарсларида изчил ва мунтазам қизиқтириб бориш усулларига жуда ҳам боғлиқдир.

Билимга қаратилган жараёнлар етарли даражада активлашган ва рухий ҳолат актив бўлган вақтдагина ўқув материални ўзлаштириш мумкин. Рухий воқеликнинг ойнавий акси, эмас, балки актив ифодасидир. Рухнинг фаол инъикоси ташқи омиллар таъсирида пайдо бўлади, ўз моҳиятига кўра у ўқувчи ички ҳолатининг, ўқувчидаги билиш кучлари ва шахсий ҳислатларнинг ифодасидир.

Ўқитувчининг вазифаси ўқувчининг билим олишига бўлган интилишидан фойдаланиш, унда билишга қизиқишни шакллантириш ва мустаҳкамлашдир.

Ўқитувчининг вазифаси бошланғич синф ўқитувчиларининг билим олишидаги умумий активлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, уларни тасвирий санъатга ижодий муносабатда бўлишига мустақилликка ва ишчанликка одатлантиришдир. Ўқитувчи болаларнинг активлигини ошириш учун керакли саволлар бериши зарур. Шу билан бирга, болаларни системали мустақил ишлашга ўргатиш керак. Уйга бериладиган вазифа ҳамда дарсдаги топшириқ ҳарактерга жиҳатдан ҳар хил бўлиши мумкин, натурадан фақат қалам билан чизиш, ёки бўлмаса акварель гуашь бўёқлари билан ёруғлик ва соялар ёрдамида чизиб, ўқувчилар тўғри бўяш ёки штриховка билан ифодалашга ҳаракат қиладилар, ҳар бири мустақил ва ақл билан ишлайди.

Ўқувчининг вазифаси - ўқувчининг фикр юритиши ва ривожлантиришини қўллаб-қувватлаб кузатиб боришдир.

Ўқувчи фақат оғзаки тушунтириб, кўрсатибгина қолмай ўқувчилар билан

бир-бирини тушунишга, қизиқтиришга интилиши керак. Шу икки моментнинг қўшилиши мураккаб жараён ҳосил қилади. бу эса ўқитувчидан катта тажриба талаб қилади.

Таълимда онглилик принципи, даставвал, ақлий фикр қилиш фаолиятидаги активликка боғлиқдир. Тафаккур қилиш борасидаги эса баён қилинаётган ўқув материаллари ёки теваарак атрофни ўраб олган борлиқдаги нарсa, ходиса, воқеалар устида фикр қилишдир. Актив фикрлашда, яъни таққослаш анализ ва синтез қилиш фаолиятини активлаштиришга қаратилган бўлмоғи зарур.

Ўқитувчи тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни дарсда тмасига фаоллаштириш учун дарс мавзусининг мазмуни, ҳаётдаги аҳамияти ва уни чизиш қоидаларини тушунтириш зарур. Баъзида ўқитувчилар ўқувчиларни фаоллаштириш учун уларга дарс мавзуси юзасидан саволлар бериб, унга берилган жавобларни тўлдириш каби воситаларидан ҳам фойдаландилар.

Ўқувчилар дарс ва дарсдан ташқари вақтларда мустақил равишда бажараётган ишлари воситасида билимга, малака ижодий кўникмага эга бўладилар, ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларнинг мустақил ишларига ёрдам бериши, рағбарлантириш методи асосида ютуқ ва камчиликларини ўз вақтида кўрсатиш, уларни ўз кучларига ишончини мустаҳкамлаш каби вазифа юкланади.

Тасвирий санъатдан суҳбат дарсларида ўқувчилар кинофильмларда тасвирий санъат намоёндаларининг ҳаёти ва уларнинг яратган асарлари билан батафсил танишадилар.

Бунда натура предметлари конструктив жиҳатдан кўрилиши, перспектива рангшунослик кабиларга оид кўргазмали қуроллар билан бир қаторда кўрсатилиши мумкин.

Дарсда техника воситаларидан фойдаланиш ўқувчиларни дарс мавзуси ва техника воситаларига бўлган малакаларини ошириш.

Ўқувчиларга пухта билим беришда уларнинг ўз иш жойларини ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Бунда ўқитувчи йил давомида ўқувчи, ёшларни систематик равишда уларни дарсга тайёргарликларини кузатиб боради.

Талабаларнинг дарсга тайёргарликларини доим кузатиб боради. Талабалар ўқув қуролларини доим дарсга олиб келишлари ўқтирилди.

### ФАОЛЛИК, МУСТАҚИЛЛИК ПРИНЦИПИ.

Ўқитиш фаолиятида фаоллик ва мустақиллик муҳим ўринлардан ҳисобланади. Тасвирий санъат таълимда бу қонун ҳисобланади.

Тушуниш борасининг ўзи ҳам /онглилик/, /фаоллик/, "мустақиллик" кабилардан ташкил топади. Булар бир бирлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб онглилик ўз вақтида ўқувчи, ёшлардан фаолликни талаб қилади, шунга кўра кўпчилик мутахассислар амалий машғулотларда фаоллик ва мустақиллик муҳим деб ҳисоблайдилар. Тасвирий санъат дарсларида талабаларни дарс мавзуси ва унинг аҳамияти, чизиш йўллари, перспектив қоидалари билан

таништириб, тушунтириб бориш керак бўлади.

Ўқувчи, ёшлар мустақил ишларда албатта билим малакаларига эга бўлишлари, мустақил ишларда уларга алоҳида, алоҳида ёрдам бериб ва турли ишларда билим, ютуқ ва камчиликларни кўрсатиб талабаларини ўз кучларига қараб билимли қилиш ва олган билимларини амалда қўллаш кабиларга чорлаб бориш керак ва зарурдир.

### ТАЪЛИМНИНГ СИСТЕМАТИК ВА КЕТМА-КЕТЛИК ПРИНЦИПИ

Педагогика фани ҳар бир нарсани янгилиги билан исботланган. Ҳар бир фандаги изланишнинг билимга асосланганлиги, ҳар бир нарсанинг доим оддийдан мураккабга ўтиш ҳолатини кузатилиб келинади. Шунинг учун ўтилган дарс мавзуларини янги дарс мавзуларига боғлаб кетма-кетликни кенгайтириб уни чуқур лойиҳалаб бориш керак.

Систематик ва кетма-кетлик принципларини тузилиши ҳам янги материал аниқлиги билан бирга тўлдириб борилишини тақозо этади.

Тасвирий санъатда таълимнинг систематик принципи жуда муҳим роль ўйнайди. Бу асосан қоидага асосланиб ҳозирги дарс мавзусини ўтилгандан сўнг кейинги дарс мавзусига боғланади. Чунки, янги мавзу ўтилган дарс мавзусига нисбатан мураккаблашиб боради. Ўқитувчи шундай қилиши керакки, натура дарсларини ўқувчиларга қизиқарли бўлиши учун натурадаги нарсаларни оддийдан аста секинлик билан мураккаблаштириб бориши лозим.

Тасвирий санъат таълимида воқеа ёки ҳодисалар билан ўқувчи, ёшларни қизиқтирмасдан балки машғулотларни систематик олиб борилиши билан қизиқтириш лозим.

Тасвирий санъатни дарс турларига бўлиб ўқитилади:

- Қаламтасвир;
- Рангтасвир;
- Композиция;
- Амалий санъат
- Ҳайкалтарошлиқ;
- Санъат тарихи;
- Қуриш – яшаш.

Бу фанларнинг бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб машғулотлар давомида бир-бирларини доим тўлдириб боради. Ўқувчилар эса олган билимларни кенгайтириб боради.

### ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСОСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРГА ИНДИВИДУАЛ ЁНДОШИШ.

Мактаб ҳар бир индивидуал хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиладиган турли ёшдаги болалар таълим олади. Ўқувчилар орасида кўриб турган нарсаларни тўғри тасвирлай оладиган хотира асосида қийналмай расм чизадиганлар билан бир қаторда, оддий расмга қараб нусха кўчиришга ҳам

қийналадиганлар учрайди. Бу борада биз баъзи ўқувчиларининг кўриш қобилиятларининг сустлиги, ранг сезмаслиги каби бошқа холлар ҳисобга олинади.

Ўқувчиларнинг психик ва физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш, ҳар бир ўқувчининг имкониятига мослашиш деган сўз эмас. Аксинча турли усул ва методлар ёрдамида билимларини ҳар бир ўқувчига етказиш демакдир.

Ўқувчиларнинг қобилият ва хусусиятларига қараб гуруҳларга бўлиб таълим бериш методи мақсадлидир.

"Кучли" биладиган ўқувчиларга "кучсиз" билимли ўқувчиларни бириктириб қўйиш ҳам яхши натижалар беради. Ўқувчиларнинг тасвирий фаолиятини активлаштиришда, айрим ўқувчилар билан яқка тартибда муносабатда бўлиш ва унга педагогик таъсир ўтказиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Таълимнинг индивидуаллаштириш масаласи ҳозирги даврда педагог ва рухшунос олимлар ва услубчиларни қизиқтирмоқда.

Синфдаги болалар ҳақидаги дастлабки маълумотларга эга бўлгандан кейин, ўқитувчи ҳамма болаларни қобилияти ва малакаларига қараб қуйидаги гуруҳларга бўладилар:

тасвирий фаолияти яхши ривожланган, кузатувчанлиги, ижодий тасавури тараққий қилган, расм материалларини ўзлаштирган ёки тез ўзлаштира оладиган ўқувчилар.

Ўқув материалларини умумий тушунтиришдан кейин мустақил ишлаш орқали ўзлаштирадиган ўқувчилар.

Тасаввур қилиш қобилияти, сўз ва дарс материални суст ўзлаштирадиган, ўқитувчининг махсус ёрдамида мухтож ўқувчилар ҳар уччала гуруҳдаги ўқувчиларга тавсия қилинадиган топшириқлар олдиндан тайёрланиб, Ўқитувчининг фронтал тушунтиришдан кейин ҳамма ўқувчилар ўз қобилиятларига яраша иш билан банд бўлиши керак.

Ўқувчилар активлигини оширишда ўқитувчи суҳбати катта аҳамиятга эга. Суҳбат ҳар бир ўқувчининг активлигини маълум даражада ўстиради. Натижада дарсга актив қатнашадилар ва ҳар бир саволга жавоб беришга интиладилар. Турли карточка-саволлар тарқатиш ўқувчиларнинг ижодий ҳаёлини ривожланиши учун турки бўлиб хизмат қилади, мазмунли расм чизишда муваффақиятга эришишларига қуйидаги усуллар ёрдам бериш мумкин.

Карточка- саволлар тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

Сен темани ёритиш учун қандай мазмунда расм чизмоқчисан?

Тасвирингда асосий ўринни нима эгаллайди?

Айрим нарсаларни расмини тўғри чиздингми? Тешкириб кўр.

Биринчи пландаги нарсаларни ва фигураларни орқа пландагилар билан таққосла ва бошқалар.

Тўғри тузилган карточка-саволлар ўқувчилар билимининг мустаҳкамлигини оширади, ларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишини кучайтиради.

Ўқувчилар билан индивидуал ишлашда рағбарлантириш усуллари

роли ҳам катта. Ўқитувчи ўқувчиларнинг вазифаларини текшираётганда фақат I –II группа ўқувчиларнинг ютуқларини намуна сифатида кўрсатавермай, III группа ўқувчиларини хатм эътибор бериши керак. Улардаги озгина бўлсада ўсиш ва ўзгаришни ҳисобга олган ҳолда, уларни рағбарлантириб туриш шарт. Масалан: болалар қаранг Карим чизгн суратга. Олдинги ишларидан анча тузук. Карим ҳаракат қилса, аълочи ўртоқларига тез кунда етиб олиши мумкин экан. Бугун мен унга "4" бал қўяман. Агар бундан ҳам яхшироқ чизиб қолса, у ҳам ўртоқларига ўхшаб "5" баҳо олади. Ўқитувчининг бу сўзлари каримни албатта "5" баҳога олишга ундайди. Ўқувчиларнинг активлигини оширади.

Ўқувчилар билан индивидуал ишлашнинг аҳамияти катта. Бу усул ёрдамида қоқоқларсиз ўқитиш даражасига етиш мумкин. Тасвирий санъат ўқитиш хоналари ёруғ бўлиши керак. Ёруғлик нормал бўлмаган жойда кўриш сезгиларига зўр бериш зарарлидир.

Баъзи бир хил ўқувчиларда яхши эшитмаслик, узоқдагини кўра олмаслик каби касалликлар учрайди. Одатда бу хил ўқувчилар ўқитувчининг эътиборда бўлиши ва олдинги парталарда ўтиргани маъқулроқдир.

Кўз ҳар хил узунликдаги ёруғлик тулқинларини бир хилда сезмайди. Кўз сариқ ва ҳаво рангни сезишга мойилроқ бўлади. Баъзан хроматик рангларни мутлоқ сезмаслик ҳоллари ҳам учраб туради.

Бундай кишининг кўзига барча буюмлар қорамтир рангга бўялгандек кўринади. Кўпинча айрим рангларни қизил ва яшил рангни сезмаслик ҳолати учраши мумкин, бу дальтонизм дейилади.

Дальтонизм кўришидаги энг муҳим камчилик ҳисобланади. Бундай ўқувчиларнинг касб танлашда ўқитувчи алоҳида эътибор бермо\*и зарур, чунки дальтонизмга учраганлар, шофер, машинист ва ўқувчилик қила олмайди, рассом бўла олмайди.

#### Мавзу: ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ БОШҚА ФАН МАТЕРИАЛЛАРИ БИЛАН БОҒЛИКЛИГИ.

Тасвирий санъат дарслигининг самарадорлигини ошириш йўлларида бири ҳар бир дарс материални мактабда ўтиладиган бошқа фан материалларига боғлаб ўтишдир. Расм дарсларининг геометрия, меҳнат, география фанлари боғланиши маълум. Кўп йиллик тажриба ва ўтказтлаётган дарслар шуни кўрсатдики, тасвирий санъат предмети дарслари юқоридаги фанлардан ташқари фанлардан мактабда ўқитиладиган жуда кўп табиий ва гуманитар ҳарактердаги ўқув предметлари билан ҳам бевосита боғланади. Мактабда ўқув предметларини ўзаро боғлаб тушунтириш ўқувчиларнинг бу фанларни ўзлаштиришни, албатта асослантиради. Расм ўқитувчиси ўз фанини назарий жиҳатдан пухта билиш билан бирга дарс олиб боришнинг методик принципларини ҳам чуқур билгандагина тасвирий санъат дарсини бошқа фанлар билан боғлаб ўта олади.

Предметлараро боғланиш дарсининг самарадорлигини оширишда муҳим омил эканлигини жуда кўп педагог олимлар ўз асарларида таъкидлаб ўтган

эдилар. Жумладан, улуғ чех педагоги Яг Амос Коменский: "Буюк дидактика" китобида "Ўзаро боғлиқ нарсаларнинг ҳаммасини доимо биргаликда ўрганиш лозим",- деган эди.

Предметлараро боғланиш дарс материални тушунарли қилиб изохлашда бошқа ўқув материалларидан ижодий фойдаланиш демакдир.

Чунки мактабда ўқитилаётган барча ўқув предметлари объектив борлиқни ва унинг элементларини ўрганади.

Химия нарсаларнинг химиявий ҳолатини эса физика фани ўрганади ва ҳакозо. Барча фанлар бир бўлиб ўқувчида нарсалар-воқеалар ҳақида тўла бўлим ҳосил қилади. Шундай экан, фанлар бир-бирга қанчалик яқин бўлса ўқувчиларнинг тушуниши шунча осонлашади, улар баъзи фанлари эмас, балки барча фанларни бирдай ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Масалан, тасвирий санъат программасида "Қуш туркумига қараб расмни чизиш темаси бўлиб, бу синфда ўқитиладиган ўқув предметлари ўқувчиларга қуш ва паррандлар ҳақида маълумот бермайди". Шунинг учун тасвирий санъат ўқитувчиси бу дарсга тайёрланаётганда мактабнинг зоология ва география ўқитувчиси билан суҳбатлашиб ундан керакли маслаҳат материаллар олиши лозим. Шундан сўнг ўқитувчи биология кабинетига қушларнинг скелет ва тулумларидан, қушлар тасвирланган кўргазма плакатларидан фойдаланиб, дарс конспектини ёзади. Агар биология кабинетида қушлар тасвири туширилган диафильм, ёки слайдалар бўлса, уни ўқувчиларга намойиш қилиш керак. Тасвирий санъат дарсларида кўпинча мева ва сабзавотлар расмини чиздирилади. Бу дарсларда албатта албатта ёки натюрмортлардан фойдаланилади. Бу темаларнинг таҳлил дарслари ботаника фанига боғлаб олиб борилади.

Ҳар бир фан ўқитувчиси бир неча фан ўқув праграммасида бир нарса, бир объект, бир воқеани ўрганиш мумкин. Аммо улар асло бир-бирларини такрорламайдилар, чунки ҳар бир фан шу материални нарсаларни ёки объектни ўз нуқтаи назаридан текширади ва ўрганади.

Демак, бирон бир асарни таҳлил қилиш дарсини мақсадга мувофиқ ўтиш учун ўқитувчи тарих, география, адабиёт музика каби ўқув предметлари билан алоқа боғлаши мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун фан ўқитувчилари бир-бирларининг битта тема бўйича ўтиладиган материалларини яхши билишлари ва материалларига ўз материалларини боғлаш лозим. Агар ўқитувчи ўзи ўқитаётган теманинг бошқа ўқув предметида ҳам ўрганилишини билмаса ва унинг материаллари бўйича маълумотга эга бўлмаса, у ўз материални атрофлича тушунтириб бера олмайдилар.

Масалан: тасвирий санъат кабинетининг 8 мартга бағишланган деворий газетасини чиқариш учун ўқувчилар бу газетанинг безатилишига билиб қолмай, ер шарини "оналик" символини "тинчлик" символини хотин-қизлар куни ҳақидаги тарихий маълумотларни ҳам билиб оладилар. Чунки тасвирий санъат ўқитувчиси чизилиши лозим бўлган нарса ёки ходисалар ҳақида суҳбат ўтказиб, бу суҳбатда тасвирланиши лозим бўлган барча элементларни, уларни

тасвирлаш йўллари, тасвирлашда асосан нималарга эътибор бериш кераклигини тушунириб беради.

МАВЗУ: АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАСВИРИЙ  
САНЪАТ ДАРСЛАРИНИ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ.

Қаламтасвир ўқитиш методи.

Рангтсвир ўқитиш методи

Композиция.

Амалий санъат ўқитиш методи.

Ҳайкалтарошлик.

Санъатшунослик.

Яшаш-қуриш методи.

Амалий машғулотларнинг асосий йўналишлари бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг дарс жараёнини ташкил қилиш, режалаштириш ва методик жиҳатдан мантиқий равишда амалга ошириш, синф тахтасид бўр билан тасвир ишлаш кўникма ва маҳоратларини ривожлантиришга қаратилган. Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси фани дастури асосида қуйидаги амалий иш турлари назарда тутилган:

I Умумтаълим мактабларида тасвирий санъат фанини ўтиш учун

1. Бир ўқув йили учун тасвирли-мавзули режа тузиш;

2. Тасвирий санъат дарс турлари бўйича дарс баёнларни ишлаш;

3. Тасвирий санъатдарс турларига кўрсатмали қуролларни тайёрлаш;

4. Тасвирий санъат дарсининг бирор турига намунавий дарс баёнини тузиш ва намойиш этиш;

5. Дарсларни таҳлил этиш;

Синф тахтасида бур билан тасвир ишлаш;

7.Тасвирий санъат дарсларидан сухбат дарсига "Реферат" ёзиш;

8. Курс иши;

9.Малакавий ишлар талабалар томонидан ўқитувчи раҳбрлигида бажарилади.

Академик лицей ва касб - ҳунар коллежларида тасвирий санъат фанини ўтиш учун

Қаламтасвир – машғулотлари бўйича расм ишлашнинг асосий қоидалари, йўл-йўриқлари ва назарий, амалаий билимларга эга бўлиш;

2. Рангтасвир—машғулоти бўйича рангларни ишлатишда ўзига хос хусусиятларини, технологиясини, рангшунослик ҳақида назарий ва амалий билимларини ҳамда босқичма-босқич қоида қонунларини билиш.

Амалий безак санъати – бўйича халқ амалий санъатининг турларини ўрганиш, ҳар бир тури бўйича керакли маълумотларга эга бўлиши лозим. Амалий санъат турларидан бирини мукамал / тарихи, ишлаш усуллари,

керакл асбоб- ускуналар ва материаллари/ ўрганиб сир усуллари эгаллаш;

Композиция - қаламтасвирда, рангтасвирда, ҳайкалтарошликда ва амалий санъатнинг ҳар бир турида ўзига хос йўсинлар ва ўзига мос мазмунини ташкил қилишни, ҳар бир санъатнинг турининг композиция усуллари эгаллаш бу ўша соҳа характерини ижодий танлай билиш;

Санъат тарихи ва санъатшунослик асослари – бўйича илмий ва назарий асосларини, жаҳон санъати тарихига оид билимларни, ҳозирги замон ўзбек рассомларининг ҳаёти ва ижодини билишлик;

Услубий асослари - қаламтасвир, рангтасвир, амалий санъат сирлари, ҳайкалтарошлик, санъат тарихи ва санъатшунослик асосларида кўрсатилган билим ҳамда малакаларини услубий жиҳатдан ўргата олиш сирларини билиши керак. Машғулот ёки дарс ўтишнинг турли усул ҳамда услублари ва ўз ижодий ёндошишлари. Талабаларга ўқувчи ёшларга нисбатан меҳрли, ҳамфикр бўла олиш ҳамда уларнинг психологиясини ўрганиб таълим беришда тўғри ёндаша билиш.

Дарс – таълим тарбияни амалга оширишнинг энг қулай, энг самарали шаклидир. Жамиятимизнинг турли жабхаларида бўлаётган сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маърифий ўзгаришлар барча фанлар қатори тасвирий санъат дарсларида ва методикасига ҳам янги, замонавий талабаларни қўймоқда. Бу талабаларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

Дарсда таълимий-дидактик, тарбиявий ривожлантирувчи мақсадларни тўғри қўя билиш ва уларни амалга ошириш;

Дарсда таълимнинг фаол усул ва услубларини қўллаш билиш;

Дарс жараёнида халқ педагогикаси анъаналарини, жаҳон педагогикаси, рухшунослик, санъатимиз буюк аجدодларимиз ўғитлари ҳикматга тўла ходисаларимиз, ривоятларимиздан унумли фойдаланиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки кейинги йилларда тажрибали методист олимлар, психологлар ва дидактик шарт-шароитларга боғлиқ эканлиги кўрсатмоқда. Энг муҳим шарт-шароитлар қуйидагилардир:

- яхши дарсликлар, дидактик ва методик ўқув кўрсатмали қуроллар ҳамда техник воситалар;

- гуруҳда яхши психологик муҳит бўлиши;

- ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида ўзаро муносабатлар бўлиши.

Умумий педагогик шарт-шароитларга амал қилиб, мавзунинг дидактик мақсадини тўғри ташкил қилинса дарснинг сифати юқори ва самарали бўлиши мумкин.

Тасвирий санъатдан дарс баёнини тузишда педагогик, психологик, илмий методик ўқув адабиётларни чуқур ўрганиш асосида ва шу билан бирга академик лицей ва касб ҳунар коллежларининг тасвирий санъат дастурлари доирасида ҳамда ўқув қўлланмалари орқали бажарилади.

Дарс баёнида қуйидагилар бўлиши шарт :

- дарснинг мавзули /тури/ ;

- дарснинг мақсади: илмий, тарбиявий, эстетик;
- дарснинг мазмуни;
- дарснинг типи;
- дарснинг режаси /тузилиши/;
- оғзаки такрорлаш учун саволлар;
- ўқув материалларининг кетма-кетлиги ва унинг ҳажми;
- ижодий ишларнинг сифати ва босқичлари;
- мустақил ишларнинг мазмуни ва усуллари;
- техника воситасива ўқув кўрсатмали қуроллардан фойдаланиш;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- синф тахтасидан унумли фойдаланиш ва педагогик расм ишлаш;

Талабаларнинг амалий машғулот вақтида ўтказган дарслари ва ўқув тарбия машғулотлари гуруҳнинг барча талабалари, ўқитувчи иштирокида таҳлил ва муҳокама қилинади. Бу муҳокама ва таҳлиллар умумдидактик ва методик томонларини бирлаштириб амалга оширилади.

Таҳлил жараёнида энг муҳими талаба ўзини дарс ўтказувчи ўқитувчи сифатида тасаввур қилиб, ўз ишини уддасидан қанчалик чиқа олишини тўғри баҳолай билишдир. Педагогика амалиётга чиқишдан олдин талаба ўз сафдошлари олдида тасвирий санъат дарсини машқ қилишини, бўлғуси ўқитувчиларнинг серунум профессионал ўсишига ёрдам беради.

Талаблар томонидан ўтилган тасвирий санъат дарсининг ёки тарбиявий тадбирларининг гуруҳ таҳлили одатда ўзини - ўзи баҳолашдан, ўзининг ҳисобатини таҳлил қилишдан, дарсдаги ҳолати ва педагогик тактикасини баҳолашдан бошланади. Бундан бўлажак педагог учун жуда зарур бўлган сифатлар шаклланади.

#### МАВЗУ: АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ФАКУЛЬТЕТИВ МАШҒУЛОТЛАРДАН ТАШҚАРИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР.

Ўрта умумтаълим ва махсус тасвирий санъат ва мактаблари ҳамда турли лицейларда фаолият киритаётган тасвирий санъат ўқитувчиларига эстетик тарбияни олиб бориш ва ижодий тўғаракларни ташкил қилиши борасида бир қатор вазифалар юкланади. Ана шу вазифаларини бажара олишлари учун Сиз талабалик даврингизда етарли билим, малакага эга бўлишларингиз лозим. Албатта, ҳар бр мактабдаги ўқувчилар қобилият ва умумий қобилиятига эга бўлган хусусиятлари билан ажралиб туради. Махсус қобилиятли деган аниқ бир соҳа, шунингдек санъатнинг бирор-бир турига лоёқатли, иштиёқи, қизиқиши кучлироқ ва уни эплай олиш жиҳатларига эга ўқувчи, ўсмирлар тушинилади. Умумий қобилиятли ўқувчи ўсмирнинг ўзлаштириш хусусиятлари кўп қиррали бўлиши билан бирга у маълум бир соҳани чуқурроқ ўрганишга бир мунча тоқатсизроқ ёки кўникмаси етарли даражада шаклланмаган бўлиши

мумкин.

Тасвирий санъат сирларини ўрганиш, унга қизиқиш ҳар бир ўқувчида ўзига хос бўлади. Ўқувчилардаги турли хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тасвирий санъатга ўқув режалардаги соатлар билан тўлиқ мақсадга амалга ошириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳар қандай умум мактаб, лицей, коллежларда тасвирий санъат ўқитувчилари ижодий тўғараклар тшқил қила олиш қобилиятига, имкониятига эга бўлишлари керак. Чунки махсус қобилиятли, шунингдек қизиқувчи ўқувчи ва ўсмирларга шароит яратиб бериш орқали уларни эҳтиёжи қондирилибгина қолмасдан, келажакда маълум бир мутахассис бўлиб шаклланишига ҳам катта ёрдам беради.

Тасвирий санъатдан олиб бориладиган ишларнинг ҳажми ва турлари ниҳоятда хилм-хилдир. Ана шунинг учун бўлажак ўқитувчичидан тасвирий санъат соҳасининг бирор бир турини чуқур билим ва савияга эга бўлиши талаб этилади. Тасвирий ва амалий санъатни бирор-бир турини мукаммал эгаллаган соҳада ижодий тўғарак ташқил этиб, уни бошқара олиши мумкин.

Тасвирий, амалий санъат тўғаракларининг ишларини режалаштиради.

Синфдан ташқари ишларни тасвирий ўқитувчиси ўзининг иш жойининг шароитига қараб паст баландлигини ҳисобга олиб мактаб, лицей коллеж маъмурияти билан биргаликда келишилган, давлат томонидан белгиланган саволларсоатлр мажмуасида иш режалар тузилади.

Ҳар бир тўғаранинг турига қараб, ўқувчи ўсмирларнинг ўзлштиришига қараб мавзулар осондан қийингача соддадан мураккабига қараб тузилади. Иш режалари асосида асбоб ускуналар, ҳар қандай тўғарак учун, танланган ёки ажратилган хонага жойлаштиради. Тўғаракка қобил қилиш танлов асосида уюштирилади. Тўғаракнинг мақсади танланган тасвирий, амалий санъатнинг бирор бир турини мукаммал сир асрорини ўргатиш ва келажакда ўқувчи ўсмирга тўғри касб ҳунарни эгаллашга йўлланма беришдан иборат бўлмоғи керак.

Бундан ташқари тасвирий санъат ўқитувчиси синфдан, тўғаракдан тшқари ташқилий маънавий ишларни оиб бориш учун ҳам йиллик тадбирлар уюштириш керак. Булар саёҳатга олиб чиқиш, музейларга олиб бориш, ҳар хил учрашувлар маърузалар ва мавзули кечалар уюштириш, синфлараро кўргазмалар тўғарак кўргазмаларни уюштириш, ўтказиш лозим.

#### МАВЗУ: ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ЎҚИТИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР РАССОМ-ПЕДАГОГЛАРНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ.

"... Стратегик мақсадларимиз – фарован, қудратли, демократик давлат,эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи зарур". Юртбошимиз И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузадаги сўзлаган нутқидан.

Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон ўз фарзантининг бахту-соадати, фазлу - камолини кўриш учун ҳеч нарса аямайди.

Талаба тўғилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар талаба зуваласини шакллантиради. Энг муҳими фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабаларни англайди ҳис қилади. Маънавият ҳақида гап кетар экан, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этдиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғатадиган қудратли ботиний кучли тасаввур қилиши керак.

Ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги ахвол, амалга оширилаётган ислохатларимизнинг бошқа соҳаларидаги ахвол , амалга оширилаётган ислохатларимиз самарадорлигини аввало халқ маънавиятининг тикланиши ислохатларимиз самарадорлиги ахвол, амалга оширилаётган ислохатларимизнинг самарадорлигини аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ва чуқур ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир.

Мамлакатимизда ҳар бир инсон жамиятдаги ўз ўрнини билиши, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис этиш даркор.

Ёшлар билан ишлаш масаласи алоҳида эътиборни талаб қилади.

Биз ватанимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб, вояга этишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишга боғлиқ эканлигини ҳамиша ёда тутишимиз керак.

Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий - ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиш учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур.

Шундай экан тасвирий санъат ўқитувчисининг ўз соҳасидаги саводхонлигини етарли даражада бўлмаса, у талабалар ва ўқувчи ёшларнинг – тасвирий санъат борасидаги эҳтиёжини қондира олмайди.

Тасвирий санъат дарсларини ҳозирги замон талаби билан ҳамоханг қилиб ўқувчи, ёшларга санъат сирларини ипидан игнасиғача кетма-кет босқичларини илмий ва назарий тушунтириб, улар онгида маънавиятга бўлган интилишларини янада ортириб, қизиқтириб дарс ва машғулотлар олиб бораётган бир неча жонкуяр ўз касбининг фидойларидан кўплаб мисоллар келтирсак бўлади. Бу борада олиб борган тажрибаларимиз асосида Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтини тамомлаган бир қатор рассом-педагогларнинг фаолиятини кузатдик.

Малик Набиев, Немат Ҳакимов, Абдурахмон Нурқобилов, 26 мактаб ўқитувчиси Феруза Жаббороваларнинг ўқитувчилик ва ижодий фаолиятлари фикримизнинг яққол далилидир.

Немат Ҳакимов, Абдурахмон Нурқобиловга айти пайтда Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат мактабида таълим-тарбия бераётган рассом – педагоглардир. Улар дарс бериш билан биргаликда ўқувчи ёшларга

иждо қилишнинг ўзига хос хусусиятларини елкама-елка туриб, тушунтириш ишларини олиб бормақда. Тажрибали бу рассом -ўқитувчилар машғулотлар олиб борилаётган синфхоналарида ўқувчи, ёшлар билан ёнма-ён ўтириб, ўзлари ҳам амалий намуна кўрсатадилар.

Шунинг учун ҳам мураббий-рассомларнинг эгаллаган маҳорат сирларини амалий ишларида ўқувчилар кўзи билан кўриб руҳан ҳис қилар экан, унда санъатнинг нозик сирларини тушуниш имкониятлари кенгайди.

Ҳар бир расмни ишлаётганда нарса ва буюмларнинг тасвирлаш йўл йўриқларини профессионаллик даражасида кўрсатишга эриша олган ўқитувчи ўқувчи, ёшлар қалбидан алоҳида ўрин топа олади. Устознинг дастгоҳи энг ишончли ва намунали восита, ундан ёшлар қувонч билан андоза олишади.

Тасвирий санъат ўқитувчисининг маънавий қиёфаст унинг иждодий изланишлари, у яратган нафис, гўзал асарлар ўқувчи ва ёшларда Ватанга, санъатга, ҳаётга чин муҳаббатини уйғотмоғи лозим.

Республикамизда ҳаётида янгича юксалиш амалга ошмоқда.

Бу жараён жамиятининг барча жабҳаларда, тасвирий санъат таълими тизимида ҳам янги сифат босқичига кўтарилмоқда.

#### МАВЗУ: МАКТАБЛАРДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИНИНГ МАЗМУНИ.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ўқув тарбиявий вазифаларни амалга оширишда мактаб программаси асосида ўқитиладиган тасвирий санъат машғулотлари нарсанинг аслига қараб расм чизиш; хотира ва тема асосида расм чизиш, декоратив амалий санъат, ҳайкалтарошлик ва санъатни фанининг турларини кўриб чиқамиз.

#### НАРСАНИНГ ЎЗИГА ҚАРАБ РАСМ ЧИЗИШ.

Расмнинг ўзига қараб расм чизиш мактабда ўтиладиган тасвирий санъат машғулотларининг асосий турларидан бири, ҳисобланади.

Бу машғулот жараёнида ўқувчилар реалистик санъат асарларини чизиш, яратиш кўникмаларини эгаллайдилар, бу дарсларда уларнинг нарса ва ходисаларининг кузата билиш қобилиятлари ривожланади, хотирадан ва тафаккурдан расм чизиш малакалари ортади, нарсаларнинг фазодаги ҳолатларини аниқлай билиш, уларнинг ҳажми, формаси, рангини, ёруғ-сояси ёрдамида текисликда тасвирлаш тушунчаларини эгаллайдилар, буюмлар нисбатини ўзаро солиштирадилар, улар ўртасидаги фарқини таққослаш йўллари билан топадилар.

Мактабда нарсанинг ўзига қараб расм чизиш дарслари икки босқичда олиб борилади.

Биринчи босқич – бу ҳажмга эга бўлмаган перспектив қисқаришини ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган текис нарсалар, яъни дафтарлар, байроқча, папка, ўқувчилар портфели, болта, арра, ҳар хил дарахтлар барглари ва шунга

ўхшаш бошқа нарсалар расмини олд томондан, фронтал ҳолатда чиздирилади.

Иккинчи босқичда - ҳажмли нарсалар яъни мевалар, гул, ҳайвон, одам, уй, анжомлари, қисқаси 3 ўлчовга эга бўлади. (эни, бўйи ва кенглиги) геометрик шакллар ва нарсаларнинг чизлиришдан иборатдир.

Биринчи-иккинчи босқич ўқитиладиган расм дарсларида ўқувчилар ёши ҳисобга олинибгина қолмасдан балки дарс жараёни чизиладиган нарсалар ўқувчиларни қизиқтирадиган бўлиши керак. Бу бошланғич даврда фақатгина эмоционал таъсир этибгина қолмай, эстетик идрок этишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ўқувчилар дарс жараёнида биринчидан расм чизишнинг асосини ўргансалар, иккинчидан ижодий қобилиятлари ўсиб, эстетик жиҳатдан табияланиб борадилар. I-II босқичларда ўзига қараб расм чизиладиган нарсаларни тўғри киришга асосий шакилга бўйининг энига нисбатини, қоғоз юзига композицион жиҳатдан тўғри жойлашишини, бўлақларнинг нисбий ўлчовини кўрсатиб уларнинг бир-бирига боғланишини, рангларини тўғри аниқлаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида аҳамият берилади. I-II босқичларда талабалар тасвирий санъат дарсларида тик, ётиқ, қия чизикларни тўғри чиза олишни квадрат, тўғри бурчакли, тўртбурчак, учбурчак, доира ва бошқаларни тўғри чиза билиш ва тўғри айтилишига ҳамда чизикларни кўз чамасида тенг бўлақларга тўлиш қобилиятларини ўстириб бермоқ керак. Чизилган расмни акварель, гуаш, бўёқлари билан бўяшдан олдин унинг рангини тўғри аниқлаб олиш ва шу ранг номини тўғри айтишга ўқувчиларни ўргатиб бориш талаб этилади.

Бунинг учун ўқитувчи махсус тайёрланган ранглик пленка, ойна ёки полиэтилен (сарик, қизил ва зангори асосий ранглар) материаллари орқали кўрсатмали қурол тайёрлаб ўқувчилар билан савол-жавоб ёрдамида танишилиб чиқилса яхши натижаларга эришади. I-II босқичларда чизиладиган нарсанинг махсус нусхаси катта ўлчовда бўлиб, яхши кўринадиган жойга ўрнатилади. Агар чиздириладиган нарса майда ўлчовда бўлса (ҳар хил барглар, гуллар, бошқалар) уларнинг ҳар бир партага биттадан тарқатиб чиқиш лозим бўлади. I-II босқичлари ўқувчилар нарсани ўзига қараб расм чизганларида чизиладиган предметлар улар олдида шундай қўйилмоғи керакки, яъни преспектив ходисаларни улар тасвир этмайдиган бўлишлари керак.

I-II босқичларда кўз билан чамаланадиган переспектива ходисаларининг элементар қоидалари билан таништирилади. Шунингдек, ҳажмли нарсаларни қалам, акварель, гуаш бўёқлари билан ёриқ-соя ёрдамида қалам, акварель, гуаш бўёқлари билан ёруғ-соя ёрдамида қандай кўринса шундай тасвирлаш вазифаси қўйилади. 1-2 синф ўқувчилари нарсаларни фақат фронтал (олди кўриниш). ҳолатда чизган бўлсалар, III-IV ва юқори синфлар ўқувчилари нарсаларни фронталь ҳолатда, бурчак остида куз "кўриги" баландлигида ва ундан пастда, ёки куз кўригидан юқорида қўйиб расам чизадилар.

I босқич ўқувчилари нарсалар шаклини, ёруғлик манбаини ҳисобга олган

ҳолда, уларнинг сиртда ёруғ ва сояларнинг жойлашуви, нарса рангининг ёруғлик тушушига қараб ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни оладилар. Шу мақсадда сабсадов ва меваларни алоҳида ва тўп ҳолдаги расмлари чиздирилади. Шунингдек, нарсаларнинг шакли ва нисбатлари пропорцияларини ўзгаришини тасвирлай олиш ва уларнинг малакаларини ўстириш мақсадида оддий геометрик шакллари эслатадиган уй жиҳозларини ўзига қараб расмини чизадиладар.

I босқичда эса тўғри тўртбурчак билан чегараланган нарсаларни тузилишини ўрганиш, чизиқли перспектива ҳақида тушунчаларни кенгайтириш ва ўстириш, ҳажмли нарсаларни ёруғ соя ёрдамида тасвирлаб олишда ўргатиш мақсадид, ўқувчилар нисбатан бурчак остида столга қўйилган китоб, яшиқ, коробка, қуш уяси ва геометрик шакллар расмини чиздирилади.

I-II босқичларда нарсанинг ўзига қарабрасм чизиш дарслари тасвирий санъат предмети курсида якунловчибосқич ҳисобланади.

Шунинг учун бу синфларда ўтиладиган дарслар ўқувчиларни фақатгина назарий машғулотларини бойитибгина қолмасдан, систематик равишда амалий машғулотларни ўтб уларнинг билим малакаларини такомиллаштириб бормоқ ҳам керак.

I-II босқичларда ўтиладиган дарслар ўқувчиларга оддийдан мураккабга бориш усулида назарий ва амалий билимлар берилади.

Перспектива қондаси ва уни қўллаш усулларини фақат нарсаларнинг ўзига қараб расмини чизиш дарсларидаги эмас, балки ҳаёдан, тасаввурдан расм чизиш дарс жараёнида рассомлар ҳақида суҳбат ўтказиш машғулотларида ҳам ўқувчиларга ўрганиб, тушунтириб бориш катта аҳамият касб этади.

I – босқич ўқувчилар чизиқли перспектива бўйича сурат текислиги, марказий кўриш нури, майдони ҳақида билимлар оладилар, ва бир ёки ундан ортиқ кесишиш нуқтасига эга бўлган уфқ чизиги ҳақида олган столга маълумотларини янада кенгайтирадиладар. I-босқич ўқувчилар олдида қўйиладиган вазифалар орасида нарсалар шаклини назарий жиҳатдан тўғри куриш масаласи асосий ўринни эгаллайди. Лекин чизиқли перепетиванинг пухта ўзлаштирмасдан туриб мақсадга эришиш қийин.

Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш жараёнида ўқувчиларга одам, ҳайвон шунингдек қушлар тулумининг ўлчов нисбатлари, умумий ўлчовлар: калла, қўл, оёқ, тоз ва бошқа пластик анатомия ҳақида тушунчалар берилади. Бундан ташқари фактура ҳақида маълумот бериб борилади, масалан, юзи ғадир-будур бўлган бир қаторда юзаси ялтироқ бўлган шишали, сирли нарсаларнинг шакли чизилади. Шунингдек, чизилаётган нарсани ўзига ўхшатиш, характерини топа билиш билан бирга унинг фактурасини ҳам ифода этиш талаб этилади.

Нарсанинг ўзига қараб чизилган тасвирини эстетик томонигаа кўпроқ аҳамият берилади. Нарсанинг ўзига қараб чизиш дарси жараёнида ҳар бир ўқувчи темага оид тасвирий санъат асарларини келтириб унда рассом қандай тасвирий санъат асарларини келтириб унда рассом қандай тасвирий воситалардан фойдаланганлиги, унинг композицияси, асардаги рангларнинг

мослашуви ҳақидаги чизилаётган нарсаларга таққослаб кўрсатса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу орқали ўқувчилар фақат нарсанинг ўзига қараб расм чизишдаги малакалари ошиб бормасдан балки санъат асарлари намояндалари (намуналари) билан ҳам танишиб борадилар.

Масалан: бирор бир сабзавот ва мевалардан ташкил топган натюрмортни ўқувчилр чизаётган бўлсалар шунга мос ёки шу темада бор нарсалардан чизилган Ўзбекистонлик рассомларнинг асарларидан рангли репродукцияни ўқувчиларга кўрсатиш самаралидир. Масалан: М.Набиев, З.М.Ковалевский, Н.К.К.ашина, З.Иноғомов, А.Абдуллаев рассомларнинг асарлари репродукциялар шунга қўл келиши мумкин.

(репродукциялар вкладыши) Хаёлдан ва нарсанинг ўзига қараб расм ишлашда ўқувчилардан бевосита кузатишни, предметлар, экран воситалари (кинофильмлар, слайдалар), китобга ишланган иллюстрациялар, ҳужжатли материаллари талаб этади ва булар бадиий образни яртишда ўқувчиларга катта ёрдам беради.

### МАВЗУ АСОСИДА ТАСВИР ИШЛАШ МЕТОДИКАСИ.

Мавзу асосида расм чизиш дарслари тасвирий санъат фанининг қизиқарли машғулотларидандир. Бу машғулотларда ўқувчилар ўзлари билган таъсирланган воқеа ва ходисаларни хаёлдан тасаввур қилиб тасвирини ишлайдилар. Айниқса ўқувчиларнинг коллеж, коллеждан ташқари ҳаётларидан олинган мавзулар, ҳайвонларнинг ҳаётига оид мавзулар, адабий асарлар (эртақ, масал, ҳикоя, шеър) тематик расм дарсларининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Тематик расм ишлаш дарсларида болаларнинг фантазияси ва тасаввури актив фаолиятга айланади.

Мавзу асосида расм ишлаш машғулотларининг олдида турган мақсад ва вазифалари педагогиканинг дидактик принциплар ва психологиясини илмий асослари билан белгиланади.

Композиция яратишнинг тайёргарлик босқичида ўқувчилар нарсага қараб расм чизиш перспектива, рангшунослик юзасидан олган билимларидан кенг фойдаланишлари керак. Ўқитувчи вазифани тушунтиришда ўқувчиларга мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотиш лозим.

Биргина темани тур хил мазмунда, ҳар бирининг ўзига хос кўринишда талқин қилган ҳолда тасвирлаш мумкин. Масалан: "Бизнинг қурилишларимиз" мавзусида ўқувчилар кузатишлар асосида турли бошланғич синфлар тематик расм чизиш болалар ёш хусусиятини эътиборга олган ҳолда энг содда бўлган темалар тавсия этилади. Бунда йил фаслларига мос келадиган темалар "Тоғда куз", "Кузги ишлар", "Янги йил арча байрами", "Қишки ўйинлар", "Мактаб боғида", "Навруз", "Мустақиллик куни", каби.

Юқори босқичларда эса программа асосида қуйи босқичларига нисбатан анча мураккаб яъни "Ҳосилни йиғиб- териб олиш", "Коллеж тажриба

учаскасида", "Баҳор келмоқда", "Молхона", "Ҳайвонат боғида" "Мустақиллик байрами", "Республикамиз меҳмонлари" ва бошқалари каби мавзулар билан бир қаторда бадиий асарларга, эртақ, ҳикоя, масалларига иллюстратив расмлар ҳам чизадилар. Конструкциядаги замонавий уйларни, ҳар хил машиналарни, турли ишларни бажараётган одамларни тасвирлашлари мумкин.

Тажриба шуни кўрсатадики, ўқитувчи мавзуни қанчалик кенг ва тўлиқ тушунтирса болалар расмлари шунчалик мазмундор ва сифатли чиқади. Ҳар бир мавзуни чизишдан олдин ўқувчилар билан маъсул вақтга экскурсиялар ўтказиш мавзу асосида ишлаган асарларни таҳлил қилиш ҳол мақсадга мувофиқдир.

Расм чизиш жараёнида чизиш қийин бўлган образлар масалан, одам, ҳайвон, мураккаб техника ва ҳ.к.ни чизиш йўллари ҳақида маълумот бериш, схематик тасвирини чизиб кўрсатадилар.

### ДЕКОРАТИВ РАСМ ДАРСИ.

Декоратив расм дарсларида ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашни имкониятлари анча каттадир. Чунки бундай дарсларда ўқувчилар халқ амалий – декоратив санъатининг асл нусхалари билан танишадилар, унинг усталари каби болалар ҳам шу соҳада ижод қиладилар. Амалий санъатдаги ритм, ранг симметрия каби ифодалилиқ воситалар ҳақида фикр юритадилар. Декоратив расм чизиш дарсларида болалар ҳар қандай машқнинг асосан теварак-атрофдаги нарсалар ва ҳодисалардан олинганлигини англашлари лозим. Ўқувчилар нақш намунасида кўчириш дарсларида нақш чизишнинг ўзига хос хусусиятлари билан чамалашни ўрганадилар. Тасвирий санъат халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандчилиқ анъаналари билан ҳозирги замон техника эстетикаси ва бадиий безаш асослари билан боғланади. Нақш билан безатилган буюмларни ўқий олишга ўргатиш бошланғич синфларда амалга ошириладиган асосий вазифалардан биридир. Нақш намунасида кўчирма ва мустақил нақш чизиш, халқ ижодий намуналаридан кўрсатиш, нақш санъати асарларидан кўчириш ва таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг бадиий диди ўстирилади. Мустақил нақш чизиш орқали болаларни ижодий қобилияти, фантазияси, тафаккури ривожлантирилади.

Ўқувчиларга ўзбек халқ амалий – декоратив санъати ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тушунча бериш ва уларнинг эстетик идрок этиш қобилиятини ривожлантириш мақсадида суҳбатлар ўтказиш мақсадида мувофиқдир. Суҳбатда талабаларни эътибори турли идишлар, ҳар хил безатилган кийимлар ажойиб ишланган ўйинчоқлар ва бошқаларга қаратилади.

Декоратив график ишларининг вазифаси ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш дарс жараёнида олган билим ва малакасини ҳаётда амалий фаолият дпрслари тасвирий санъат предметининг текисликда тасвирлаш, пластилин билан ишлаш, санъатни идрок қилиш, композицион фаолият ва бошқаларга таянган ҳолда ўтилади.

### ХАЙКАЛТАРОШЛИК.

Тасвирий санъатнинг яна бир турларидан бири ҳайкалтарошлик бўлиб, у ҳам бошқа тасвирий санъат турлари қатори реал акс эттиради, дунёни билишда инсонга ёрдам беради, уни ғоявий ва эстетик жиҳатдан тарбиялайди.

Ҳайкалтарошлик, жумладан, думалоқ ҳайкал рассомлик санъатидан шуниси билан фарқ қиладики, ҳайкални ҳар тарафдан кўриш, ишлаш мумкин, бу унинг ифодалигини оширади. Ўқувчилар бу дарсда текисликда тасвирлаш ва декоратив амалий фаолият дарсларида олган билимлари асосида ишлашади. Болалар ёшлигиданоқ ҳайкалтарошлик сирлари билан танишадилар. Шунинг учун ҳам мактабларда тасвирий санъатнинг бу тури лепка (пластилин билан ишлаш) бўйича дарс ўтиш программалаштирилган. Бу ўқувчиларнинг бадиий дидларини санъатга бўлган қизиқишларини ортиради, табиатга инсонларда бўлган индивидуал хусусиятларини тезда англаб олишга катта ёрдам беради.

Касб-хунар коллежларида, умумтаълим мактабларида ўқувчилар санъатнинг муҳим тури бўлган ҳайкалтарошликнинг элементлар асослари билан танишадилар. Бу дарсда ўқитувчи болаларга ҳайкалтарошликнинг моҳияти, аҳамияти ҳақида, ҳайкал ишлашнинг ўзига хос томонлари ҳақида маълумот беради.

Мактабда ҳайкал ишлашда лой, пластилин, қисман ва табиий шакллардан фойдаланади. Масалан, ёнғоқ пўчоғи, дуб дарахтнинг меваси, турли хил шохчалар ва ҳакозо.

Лой ва пластилиндан ҳайкаллар яшаш айниқса бошланғич синфда қўл келади. Болалар лой ёки пластилинда, ҳар бир буюмни конструктив тузилиши, ҳажмини чуқурроқ ҳис этади. Болалардан ташқари бу машғулотларда болаларнинг қўл бармоқлари мушаклари ривожланади, фантазиясини янада кенгайтишига хизмат қилади.

### САНЪАТНИ ИДРОК ҚИЛИШ.

Идрок этиш бўлими 1 босқичдан 4 босқичга аста-секин кенгайиб боради. Бу эса ўқувчиларнинг амалий ишларида борлиқдаги ва санъатдаги гўзалликни идрок этишга онгли равишда ёндошиш имконини беради. Санъатни идрок қилиш дарсларида тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари ҳақида суҳбат ўтказиш машҳур санъаткор ва уларнинг етук асарларини таҳлил этиш, болаларнинг бадиий дидини ўстиришга, гўзалликни севиш ва тушунишга ёрдам беради.

Умумтаълим мактабларида тасвирий санъат бўйича суҳбат ўтказиш учун махсус соатлар ажратилмайди. Суҳбат дарслари тасвирий санъат турлари текисликда тасвирлаш, пластилин билан ишлаш, декоратив амалий фаолиятлар билан қўшиб ўтилади.

Бу аудиторияда суҳбат учун ажратилган вақт 45-минутдан ошмаслиги

лозим. Сухбат дарсларининг темаси ҳар хил бўлиши мумкин. Рассомлар, ҳайкалтарошларнинг ижодлари, тасвирий санъатнинг тур ва жанрлари тўғрисида сухбатлар ўтказилиши мумкин.

Сухбатда ўқувчилар рассомларнинг ҳайти ва ижодини асарларини таҳлил қилишга ўрганадилар. Санъат асарларини идрок этиш бўлимида ўзбек, рус, жаҳон халқлари ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи асарларга кўпроқ вақт ажратиш мақсадга мувофиқдир. Тасвирий санъатга асарлари билан ўқувчиларни таништиришда, уларга яқин ва теварак атрофдаги ҳаётдан олинган темалар асосида ўтказилади.

Булар табиат манзарасини акс эттирган истеъдодли ўзбек рассомларининг Ўзбекистон табиатининг гўзал манзараси, кукупар тоглари, кенг қулоч ёйган ям-яшил далаларини қурилиш иншоатларини ранг-баранг ёрқин бўёқларда ифода этилган асарлар орқали таништириш мумкин.

Дарс жараёнида ўзбек ва бошқа халқлар тасвирий санъатини таққослаш усулидан қўллаб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Агар биз Ўзбекистон манзарачи рассомлар У.Тансиқбоев, Н.Корахон, Р.Темуровларнинг чизган расмлари билан танишаётганимизда рус манзарачи рассомлари И.Левитан, А.Саврасов ва И.Шишкинларнинг асарларини таққослаб кўрсатишимиз лозим. Болаларни суратларда табиатда гўзалигини, кишиларнинг қадимий ва ҳозирги ҳаётини келгуси порлоқ ҳаётга бўлган ишончини кўриб биладилар. Бадий образлар болаларга ниҳоят кучли таъсир кўрсатади, уларда турли фикр ва ҳислар уйғотади.

Санъатнинг идрок қилиш бўлимининг вазифаси болаларда бадий маданияти идрок қилишни баҳолаш жамият ва кишилар орасида санъатнинг аҳамиятини тушунишдан иборат. Бадий асарнинг ўргатиш санъатининг идрок қилиш кўникмаларини ҳосил қилишга хизмат қилади

Тасвирий санъат ҳақидаги сухбатларни ўтказишда ўқитувчи асарларининг композицион тузилишига, ранглар гаммасига ўқувчилар диққатини тортиш лозим. Тасвирий санъат асари ҳақидаги сухбат, савол-жавоб ва ҳикоя қилиб бериш тарзида амалга оширилади. Берилган саволлар болаларни актив фикр юритишга, диққатини рассом асари мазмунининг муҳим томонини идрок қилишга мажбур этсин.

Ўқувчиларда спортга, фантастикага оид зўр қизиқиш уйғотади.

Сухбатнинг муваффақиятли чиқиши кўп жиҳатдан репродукциялар кўрсатишнинг тўғри йўлга қўйилишига боғлиқ. Суратлар рангли, сифатли, ҳамда ҳамма болаларга аниқ кўринадиган бўлиши керак.

Сухбат ўтказишда техника воситалари (фильмоскоп, эпидоскоп, видеомагнитофон, дигипроектор) катта ёрдам беради. Бу аппаратлар ёрдамида энг кичик ҳажмдаги репродукциялар ва диопразитивлари катталаштириб кўрсатиш мумкин.

Санъат асарларини таҳлил қилиш болаларда бадий идрок этиш масалаларини ривожлантиради, санъат тарихидан махсус термин ва тушунчаларни ўзлаштириш орқали амалга оширилади. Сухбат шундай ташкил

этилиши керакки, у асар мазмунини очиб берибгина қолмай, рассом жонли образ яратишда қандай воситалардан фойдаланганлигини билиб олишларига имкон берсин. Борлиқ ҳақида суҳбатлар баъзи бир ҳаёт ходисаларини кенгроқ билиб олишларига ёрдам беради, нарсаларнинг шакли, конструкциясини элементар таҳлил қилиш ва умумлаштириш қобилиятларини ҳамда кузатувчанлигини ўстириш имконини беради.

Меъморчилик ва қуриш ишлари, шаҳар ва қишлоқ манзарасининг ўзига хослиги ва гўзаллиги, меъморчилик табиат билан боғликлигини, биноларни турлича образлар билан танишиш, ўқувчиларни бадиий, ижодий фаолиятларига самарали таъсир кўрсатади.

Инсон санъатни идрок қилишни уни севишга ўргатиш унинг дунёқарашини маънавий эътиқодларини шакллантиришнинг ишончли воситасидир.

### Мавзу: ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ОЛДИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.

Коллеж ва касб - ҳунар лицейларида расм чизишга ўргатиш, энг аввало боланинг ўқув шароитидаги рассомлик фаолияти шунчаки ўйин учун эмас, балки таълим сифатида бажарила бошлашини эсдан чиқармаслик керак. Илк сабоқдан бошлаб ўқувчиларда реалистик тасвирга хос билим ва кўникмалар асосини тарбиялаш, уларни содда ва ибтидоий расмдан четлаштириш зарур. Ўқув жараёнида болаларга билим асосларини ўргата бошлайдилар, худди шундай тасвирий санъат соҳасида ҳам шаклнинг текисликда тасвирланиши қоидалари ва қонунлари ҳақида уларда тўғри тушунча тарбияламоқ даркор. Шу боисдан, ўқув жараёнини тўғри ташкил қилиб, ўқувчининг эътиборини энг асосий масалага қарата олиб, ўқув материални тез ўзлаштириш йўллари кўрсатиш лозим бўлган ўқитувчининг асосий раҳбарлик ролига эга эканлиги ўз - ўзидан тушунарлидир.

Бадиий маълумот, педагог томонидан қилинадиган мохирона раҳбарликнинг зарурлигини қайд қила туриб, болалар санъат билан юзаки танишиб қолмасдан, иложи борича чуқурроқ билим ва кўникмалар ўзлаштиришларига интиламиз. Инсон ўзи билмаган нарсани сеза олмайди, у ҳеч қачон шуғулланмаган бирон ишга қизиқа олмайди.

Ёшлиқда болалар ҳар қандай иш билан шуғулланишига ҳам тайёрлар, улар бажонадил шахарлар қуришга киришадилар, расм соладилар, рақс тушадилар, ашула айтадилар ва х.к. аммо шу иш жараёнида такомиллашиши зарур бўлган паллада улар ёрдами ва раҳбарликка муҳтож бўладилар. Ана шу пайтда уларнинг олдига тажрибали раҳбар келмас экан, улар олдин бутун вужуди билан қизиқиб бажарган машғулотларидан совиб қоладилар. Педагог тафаккурнинг ажойиб вакиллари расмдан дарс беришни тўғри йўлдан олиб бориш зарурлигини ҳар доим уқдириб келганлар.

Ўқув даргоҳида расмдан беришни умумтаълим предмети сифатида баҳолаш билан бирга уни айни вақтда ўйин, эрмакка айлантириб юбормаслик

зарур.

Ҳар бир тасвирий санъат ўқитувчиси таълим ва тарбия учун маъсул бўлиб, ўқувчилар фаолиятини бошқаради ва изга солади, уларнинг машғулотларини ташкил қилади. Педагогнинг раҳбарлиги ва йўл кўрсатувчи ролисиз, ҳар бир ўқувчини хормай-толмай диққат билан кузатиб бормай туриб ўқув даргоҳида таълим-тарбия ишини олиб бориш мумкин эмас.

Тасвирий санъатни кўпдан-кўп мактабларда ўқитиш, айтиб ўтганимиздек, даставвал махсус мақсад эмас, балки умумтаълим мактаблар кўзлайди. У болаларнинг теварак-атрофдаги олам билан танишишларига кўмаклашади, кузатувчанлигиклари ривожлантиради, буюмларнинг шакли ва рангини фарқлашга, уларни ўзаро таққослашга, ўхшашлик томонлари ва фарқларини аниқлашга ўргатади.

Ўқитувчи ўқувчилар олдида гўзаллик оламини очиб беради, уларнинг эстетик дидларини ривожлантиради, билим олишга, камолатга эришишда, уларни қуршаб турган ҳамма нарсани яхшироқ ва гўзалроқ қилишга бўлган интилишларини тарбиялайди. Педагог бунинг ҳаммасига ўқувчиларни катта санъат реалистик йўналишидаги санъат асарлари билан ихомлантирибгина эмас, балки тасвирий савод асосларини ўқитиш билан эришиш мумкин.

Тасвирий санъат асарларини ўқувчи фақат ўқитувчи кўмагидагина ўзлаштириш мумкин. Таълимнинг дастлабки қадамлариданоқ унга устоз ва раҳбар даркор. Масалан, натурдан расм чизиш, ўқувчи унга қандай қилиб кирилмоғи кераклигини, ишини нимадан бошлаш зарурлигини, қандай қилиббир варақ оқ қоғоздаги ишнинг уddасидан чиқмоқ кераклигини билмайди. Тажрибали педагог унга ўзи ишини алоҳида бўлакларга қандай қилиб бўлиш ва уларни қандай изчилликда ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатиб беради.

Натурадан расм чизишни ўргатиш палласида педагог даставвал натурани кузатиш ва қабул қилиш масаласига эътибор беради.

Тўғри кўра олиш қобилияти инсонда табиий бўлиб, у ривожланмоғи зарур. Бунинг учун болалик чоғдан нарсаларни-диққат-эътибор билан кўздан кечиришга, унинг шаклидаги, рангидаги, пропорциясидаги ўзига хос хусусиятларга эътибор беришга, буюмлар қурилишини таҳлил қилишга ўргатмоқ керак.

Натурани таҳлиliga киришмасдан туриб, ўқитувчи болаларнинг эътиборини мазкур буюмга қаратиб, қуйидагидай қатор саволлар беради: буюм шаклининг хусусияти қандай? Пропорциялар қандай, яъни буюмнинг баландлиги энидан зиёда, ё аксинчами? Буюмга ёруғ қандай тушмоқда? Натура билан шу тариқа танишиш уни кейинчалик ўрганиб боришда йўлланма бўлади.

Педагог аста-секин чуқурроқ кузатишларга ўтади: у натура кўрилишининг тақсимланиши қонуниятини, перспектив ходисалар қонуниятини тушунтиради.

Ўрганилаётган объектни аниқ тасаввур этиш учун ўқувчи даставвал унинг

шаклини бутунлигича қамраб олиши, сўнг мазкур буюмнинг барча белгиларини, унинг барча муҳим деталларини, хусусиятларини аниқ илғаб олмоғи ва шу билан бирга мазкур элементларнинг ўзаро жойлашиши, яъни натуранинг қурилиш бирлигини ёрқин тасаввур қилмоғи зарур.

Ўқитувчининг тушунтиришларини синф доскида расмлар билан кўрсатмали қилиб изоҳлаб берилса ёки методик қўлланмаларда фойдаланиб тушунтирилса ҳамманинг англаб олиши осонлашади.

Ўқувчи натура билан танишиб олгандан кейин расм чизишга ўтиши мумкин бўлади. Педагог унинг олдида ўқув вазифаларни қўяди, маълум системага кўра тасвирни чизиш жараёнида унинг кузатишларини ташкил қилади, натура кўрилишидаги энг муҳим хусусиятларга унинг эътиборини кузатади.

Педагог ўқувчи фикрининг фаолиятини диққат билан кузатиб боради, доим уни тўғрилаб, қўллаб-қувватлаб туради. "Ўқувчи учун ўйлаш" керак эмас, айниқса унинг ўрнига расм чизишнинг ҳожати йўқ, у ўз фикри, кўникмаларини машқ қилдирсин, лекин унинг ишини ҳам назардан четлатиб бўлмайди. Ўқувчи мушкулларига дуч келганида унга ўз вақтида ишора, ёрдамчи савол билан кўмаклашиши керак.

Бошланғич курсларда болалар натурани тасвирни бунёд этиш жараёнида таҳлил қилишга ўрганмаган бўлиб, расмни дастлабки таассурот бўйича бажарадилар. Улар натурага камдан кам мурожат қиладилар, ўз расмларини натура билан таққосламайдилар ҳам деса бўлади. Уларнинг ўқувчилар болалар диққатини юзаки кузатишдан натурани қандай таҳлил қилишга йўллаган ҳолда кўниктириб ўргата боради. Расм чизаётиб ўқувчилар шошмасдан, эҳтиётлик билан бир қийинчиликдан иккинчисига ўтиб бормоқлари зарур.

Агар ўқувчи натўғри чизса, педагог дарҳол унинг хотасини кўрсатиб, тузатишни маслаҳат беради. Ўқувчи тасвирни илгаригидай, қаламнинг учини қоғозга аста тегизган ҳолда, иложи борича ўчирғичдан фойдаланмасдан тузатади, расм жуда кирланган бўлса, уни тузатиб бўлмайдиган ҳолдагина ўчирғич ишлатилади.

Хатоларни тузатиш техникасини ўқитувчи шогирдининг ўзи чизган расмини кўрсатиб беради. Шу билан бирга хатони тузата туриб ўқувчига батафсил тушунтириш керак, токи у ўз хатосининг сабабини ва уни тузатиш методикасини яққол англаб олсин. Амалда бу қоидага кўпинча амал қилинмайди. Ўқитувчи "натўғри" деб қўя қолади, хато нималигини ва уни қандай қилиб кузатмоқ кераклигини тушунтирмайди.

Хатони ўз вақтида кўрсатиш ва ўз вақтида ёрдам бериш керак. Бу борада ўқитувчи кечикар экан, кейинчалик ўқувчига хатосини тузатишда кўмаклашиш анча мушкул бўлади.

Ўқувчилар энди расм чиза бошлаганда ўқувчи синфда ўз ишини қандай қилиб яхшироқ уюштириш мумкин? Тушунтиргандан сўнг 2-3 минут ўтгач у хонани айланиб чиқади ва ўқувчиларнинг ишини кузатади. Шундай қилиб, ўқитувчининг биринчи айланиб чиқишида ҳар бир ўқувчи педагогдан ишини

давом эттиришда тўғри кўрсатма олади. Аудиторияни айланиб чиққан ўқитувчи яна ўша энг олдин кўрсатма берган ўқувчининг ёнига қайтади.

Педагог ҳамма болаларда типик хатони сезиб қолса, у ишни тўхтатиб, барча ўқувчиларнинг диққатини ана шу хотога жалб этади. Бундай ҳолларда тушунтиришни досканинг ёнида туриб олиб борган маъқул. Ўқитувчи дастлабки хатонинг сабабини батафсил тушунтиради, сўнг аудитория доскасида уни қандай тузатиш кераклигини кўрсатиб беради.

Ўқув материални баён қилиш жараёнида ўқитувчи олдида доим ўқувчилар уни тушуниб олишлари учун қилиш керак бўлган барча ишни бажариш вазифаси туради. Ўқитувчининг ҳар бир сўзини ўқувчилар англаб олмоқлари лозим. Ўқув материали шундай баён этилсинки, болалар уни қийналмасдан ўзлаштириб олсинлар. Бунинг учун эса ўқувчи тушунмайдиган, у биринчи бор эшитаётган сўзлар ва ибораларни ишлатмасликка ҳаракат қилиш керак. Агар ўқитувчи бундай сўзларни ишлатмасликка ҳаракат қилиш керак. Агар ўқитувчи бундай сўзларнинг ишлатмаслигининг иложи бўлмаса (масалан, тон, коларит, лессировка), у шу ердаёқ уларнинг маъносини ўқувчиларга тушунтириб, бу ҳақда аниқ ва ёрқин қилиб айтиб бериши лозим.

Материал баёни қуруқ ва зерикарли бўлиб қолмаслиги ҳам аҳамиятлидир. Ўқувчиларни қизиқтириб, мафтун этмоқ керак.

Ўқитувчи материални оддий ва марокли тарзда гапирар экан, уни одатда, бутун синф жиддий эътибор билан тинглайди. Ўқитувчи темани ноаниқ, чалкаштирган тусда айтиб берса, ўқувчи темани ноаниқ, чалкаштирган тусда айтиб берса, ўқувчилар аста-секин уни эшитмай қўядилар.

Педагог практика даврида биз ўқувчилар ва ўқитувчини кўп кузатиб, шундай ходисаларнинг шохиди бўлишига тўғри келади. Ўқитувчи синфга кирар экан, дарҳол ҳамма болаларнинг диққатини ўзига тартади. Энди улар ўқитувчининг ихтиёрида ва бундан кейинги вазият муаллифнинг болалар диққатини шу ҳолатда сақлай олишга боғлиқ бўлади. Тажрибали ўқитувчи дарҳол болаларнинг эътиборини ўзига қаратади ва бир дақиқага ҳам вазиятни ўзгартирмасдан дарс темасига ўтади. Кам тажрибали ўқитувчи эса кўпинча ўз ўқувчиларнинг диққат эътиборини бўлиб қўяди, ё ўқувчиларга дарс темасини зерикарли тарзда эълон қилади, ёки материални шу қадар завқсиз айта бошлайдики, болалар унга қулоқ солмай қўядилар.

Кўп ҳолларда дарс болаларнинг эмас, балки ўқитувчининг айби билан ёмон ўтади. Масалан, ўқитувчи санъат ҳақида сўхбат дарс ўтказар экан, кўплари тингламаётганини сезади. У дарсни бўлиб ҳаммани тартибга чақиради ва сўзида давом этади.

Яна ўша натижа. Ўқитувчи бу болаларни ҳеч нарса билан қизиқтириб бўлмас экан деб ўйлай бошлайди. Лекин бунинг сабаби ўқитувчи болаларга нотаниш ибора ва терминларни ишлатишида эди.

Бу терминларнинг мазмунини тушунтириб беришни хаёлига ҳам келтирмасди. Бу нарса, албатта, болаларни чарчатар, тушунарли бўлмаган гаплар уларни қизиқтирмасди.

Юқорида айтилганидек, декоратив ва тематик расм чизиш дарсларида ўқув жараёнини уюштириш методикасига алоҳида эътибор билан қараш лозим. Кўпчилик ўқувчилар бу машғулотларни пассив тарзда ўқувчиларни ўз ҳолларига ташлаб қўйган ҳолда ўтказишади. Улар болаларнинг ана шу машғулотларда мустақил ижодий иш олиб бормоқлари зарур деган фикрга амал қиладилар. Масалан, агар ўқувчилар ўқитувчи берган схема бўйича нақшлар чизиб, асосан халқ ижодий намуналаридан нусха кўчирсалар, кейинги топшириқларни, баъзи бир ўқувчиларнинг фикрига кўра, улар мустақил равишда, педагогнинг ёрдамисиз бажаришлари лозим.

Бу эса нотўғридир. Ўқитувчи ўзини четга олиб қолмасдан, доим ўқувчиларни бошқариб бориши, уларга мураккаб ижодий масалаларда ёрдам бериши керак.

Мавзу асосида расм чизиш дарсларида айниқса композициядан дарс бериш методикаси масалаларига алоҳида эътибор бериш керак.

Шуни айтиш керакки, баъзи расм ўқитувчилари кўпинча ўқувчиларни тематик расм чизиш дарсларида ўз ҳолатига ташлаб қўядилар. Бунда ўқитувчилар композиция учун тема бериш билан чегараланадилар. Болаларнинг ижодий фаолиятига аралашмай "эркин тарбия" принципида иш кўрадилар. Бундай ҳол болаларнинг ижодий ривожланишига, аввалги машғулотларда ўзлаштиргани график малакаларини мустаҳкамлашига, қолаверса умумий ривожланишига ҳам таъсир этмайди. Машғулот мазмуни самарали бўлади.

Мавзу асосида расм ишлаш сюжет қидиришдан бошланиб, ўқувчининг вазифаси мазкур ёшдаги ўқувчилар учун тушунарли ва завқли бўлган сюжет топиб беришдан иборатдир. Қўйилган вазифани муваффақиятли ҳал қилишда даставвал болаларнинг олдиндан кўрган воқеалардан қолган таассуротлари, йўлларнинг теварак-атроф ҳақидаги тасаввурларидан фойдаланиш ёрдам беради.

Фикр қилиш ва тасаввур этишда ўтган тажрибалардан фойдаланмасдан инсон янгилик ижод этиш, фикр қилиши мумкин эмас. Рассом ёки ёзувчи асар яратар экан, доим ҳаётдан олинган реал образлардан келиб чиқади. Ҳатто фантастик образларни яратиш жараёнида ижодкор инсонга яхши маълум бўлган образлар элементларига таянади.

Мавзу асосида расм чизиш дарсларида ўқувчиларнинг ижодий ҳаёлларини ривожлантира туриб, ўқитувчи доим буни назарда тутиши ва ўқувчиларнинг тафаккурларини доим активлаштириши, уларга композицион тема қидиришларидан то уни расмда ниҳоясига етказгунларига қадар бўлган ишларида кўмаклшиб бормоғи керак. Айни вақтда ўқитувчи расм композициясини изохлар экан, расм чизувчига сюжетни аниқроқ, ифодалироқ тасвирлашга, мазкур воқеа ва ҳодисага нисбатан ўзининг муносабатини билдиришга ёрдамлашади.

Ўқитувчи расм дарсларида, айниқса унинг турларидан бири мавзу асосида расм чизиш дарсларида ўқувчиларга композиция асослари – симметрия ва

ассимметрия, мувозанат ва сурат, динамика, иккинчи даражали ва расм композициясидаги асосий масалани аниқлаш зарурлигини тушунтириб беради.

Симметрия қонуни композицияда унинг ўнг ва чап қисмлари ўзаро бир-бирининг ойнадаги акси бўлишини талаб қилади. Янги педагогик технология асосида тасвирий санъат методикаси назарияси фанидан ноанъанавий – дарсларни ташкил этиш методикаси (намуна)

Ҳаммамизга маълумки сиз билан биз 1-паралик, 81 ни 90 минутлик дарсни ташкил этишга, ( муҳим дастурга суянган ҳолда) ўрганиб келганмиз. Бу дарс анъанавий дарс тури.

Энди тасвирий санъат методика назариясидан қизиқарли ноанъанавий дарс ўтишдан бир лавҳани сизга тақдим этмоқдамиз Бизлар тавсия этаётган дарсимиз намунавий. Шунинг учун ҳар бир тасвирий санъат ўқитувчиси методик томондан муккамалаштирилган, маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда ижодий ёндошиши мақсадга мувофиқдир. Сизга таклиф этаётган ўйин – дарсимиз қуйидагича

Гуруҳдаги талабаларни думолок стол атрофига ўтказамиз.

Ўқитувчи эса аудиторияни бир чеккасига туриб ўйин-дарсига раҳбарлик ва ташкилотчилик қилади.

Талабаларни ёки ўқувчиларни 1.2.....10чи стулларига ўтказиб бўлгандан сўнг синф тахтасига дарсни мақсадини ёзиб қўяди.

Сўнг ҳар бир талаба ёки ўқувчи олдиларига 1 тадан оқ варақ олишади.

1-чи стулдаги ўқувчи, 2 чи стулдаги ўқувчига, ўзининг оқ варағига тасвирий санъат методика назариясидан савол ёзиб ўтказади. 2-чи ўқувчи, эса ўзининг тоза варағига савол ёзиб 3-чи ўқувчи ёки талабага ўтказади. Шундай тарзда охиригача яъни 10-чи талабага ёки ўқувчига қадар савол варақалари айланиб беради. Энди 10 чи ўқувчи ёки талаба ёзган саволни тегига 1чи ўқувчи жавобини ёзиб, иккинчи талаба ёки ўқувчига ўтказади, 2-чи ўқувчи эса 9-чи талаба ёки ўқувчини саволига жавоб ёзиб 3-чи ўқувчи ёки талабага ўтказади.

Шу тарзда, савол варақлари айланиб-айланиб 1-чи ўқувчига ўзининг саволи ва жавоби етиб келади. Шу пайт ўйин тугайди.

Натижада ҳар бир талаба ёки ўқувчи ўзининг саволини ва жавобини ўқиб эшитиради. Бу жавоблар гуруҳда муҳокама қилинади.

Саволнинг мазмунига, жавобнинг қанчалик тўғрилигига ўқитувчи яқин ясайди.

Қизғин муҳокамадан сўнг талабалар ёки ўқувчилар ўз ўртоқларининг билишини баҳолашади. Қайси жавоб ва савол энг мукамал ва тўғри бўлса ўша талабага ёки ўқувчига энг юқори баҳо (бал) берилади. Бу жараёнда ўқитувчининг фикри билан албомда мос келиши ўта муҳимдир. Ўқитувчининг ўз мансабидан фойдаланиб яққоҳимлик қилиши мумкин эмас. Бу ўйин-дарси эркин ҳолатда олиб борилиши ва ҳар бир талаба ёки ўқувчининг шахсий фикрини ва шахсини ҳурмат қилишига ўқитувчи мажбурдир. Изоҳ: (ўқувчи сўзини қўллашимиздан мақсад ушбу ўйин-дарсини талабалар ўзларининг

педагогик амалиёти жараёнида қўллаш мумкин) Юқорида таклиф этган намунавий ўйин-дарсини ташкил этиш ўқувчининг педагогик маҳоратига боғлиқдир.

Лайло Салимжонованинг хаёти ва ижоди.

Хозирги замон Ўзбекистон тасвирий санъатининг портрет, натюрморт, манзара ва маиший жанрларида ижод қилаётган ўзбек расомларидан бири Лайло Салимжоновадир.

Лайло Абубакировна Салимжорова 1936 йилда Самарқанд вилоятининг Ургут шаҳрида туғилган. Отаси прокурор бўлиб, онаси уй юмушлари билан банд бўлган. Ушбу оила 1941 йилда Тошкентга кўчиб келади. Оилада санъатга дахлдор киши бўлмаса ҳам Лайло ўрта мактабнинг 8-синфини тамомлаб, ўзининг қизиқиши туфайли П. П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртининг Тасвирий санъат бўлимига ўқишга киради. Билим юрти 1957 йилда муваффақиятли битириб, шу йилнинг узида Н. Н. Островский номидаги театр ва рассомлик институтининг "Тасвирий санъат" факультетига кириб, 1963 йилда тамомлайди. У ерда Неъмат Мирзабоевич Қўзибоев, Огонесов, Соседов, Раҳим Аҳмедов каби рассомлар қулида санъат сирларини ўрганади. Ёш рассомни марғилонлик каштачи қизларнинг қўл меҳнати билан яратадиган ажойиб ишлари қизиқтирар эди. Шу боис диплом ишини Раҳим Аҳмедов раҳбарлигида "Марғилон каштачилари" мавзусида ҳимоя қилди. "Саодат" журналининг бош муҳаррири шоира Зулфия Лайло Салимжоновани талабалик давридаёқ "Саодат" журналича ишлашга таклиф этади. Унинг ш рассомга диплом ишини бажариш учун ўз кабинетини бўшатиб бериши, шоиранинг Салимжоровага нисбатан ҳурмати чексизлигидан далолатдир. Шу тариқа Лайло Салимжорова "Саодат" журналича 30 йил мобайнида бош рассом бўлиб ишлайди. Кейинчалик "Гулистон" журналича ҳам бир неча йил ишлаб беради. Бу орада Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими каби унвонларга сазовор бўлган.

Лайло Салимжорова 60-70 йиллардаги кўргазмаларда асосан портрет жанридаги асарлари билан қатнашар эди. Бунда "Жамила Жумаева", "Керемика", "Баҳри Ғуломова", "Зулфия" каби портретлари диққатга сазовордир. Кейинчалик Салимжорова ижодида аллар образи мукамалшиб борди. Буни "Ҳалима Худойбердиева", "Оналик", "Яшнахон портрети", "Синглим портрети", "Маъмура Бобоева", "Тўқувчи қизлар", "Ғарида портрети", "Архитектор М. Худойназарова", "Дилором Қамбарова", "Замира Ҳидоятова", "Хамро Раҳимова" каби портретларида кўриш мумкин. Биргина "Хамро Раҳимова" портретининг яратилиш

тарихи назар ташласак, қизиқ ҳикоянинг гувоҳи бўламиз. Рассом асар яратишга материал тўплаш мақсадида халқ ўйинчоқлари устаси Хамро Раҳимова уйларига бориб, уларнинг хонадонларида бир неча кун меҳмон бўлади. Салимжоновани бетакрор ўйинчоқларнинг яратилиш босқичлари қизиқтирар эди. Бу жараёни ўз кўзи билан кўрган рассом шу ондаёқ яратилажак асарининг композиция ечимини топган эди. Лайло Салимжонова устанинг меҳнат жараёнидан эскизлар олар, баъзида уни саволларга кўмиб ташлар эди. Шу тариқа "Хамро Раҳимова" портрети яратилган. Бироқ бу асардаги нотаниш образлар-турли ёшдаги болалар тасвири томошабинни ажаблантиради. "Хамро Раҳимова махсулотлари асосан болалар учун. Бу бетакрор ўйинчоқларни болалар билан бирга тасаввур қилишимиз керак. Устининг ховлисида бу қувноқ болаларни кўрмаган бўлсамда, ўзимда бу образларни ҳам асарга киритиш истаги пайдо бўлган",-дейди асар муаллифи. Салимжонова табиатни тасвирлашда ҳам ўз йўналишига эга. Бунга "Сой бўйида", "Оқтош", "Варрак", "Ҳовлида", "Қоратош", "Тоғда куз" каби ёрқин асарлари мисол бўла олади. Айниқса, "Тоғда куз" асарининг мазмуни композиция жиҳатидан чуқурроқдир. Асарда илгари сурилган ғоя деб, куз фаслининг гўзаллиги, мусаффолик, сокинлик каби тушунчаларни эътироф этиш мумкин. савлатли тоғлар, барглари сарғайган дарахтлар, қирғоғи тошлар билан ўралган зилол сув ва бошқа манзара унсурлари юқори тасвирий саводхонлик даражасида ишланган. Лайло Салимжонова гулларни жуда севади. Унинг "Хризонтама натюрморти", "Оқ гуллар", "Зангор фондаги гуллар", "Хризонтемалар" каби асарларини кузатиб, гуллардаги гўзаллик-рассом ижодининг асосий мавзуси дейиш мумкин. Хусусан, 1991 йилда яратилган "Хризонтемалар" номли натюрморти алоҳида эътиборга молик. Бу гулларнинг вазада тартибсиз жойлашуви, уларнинг иссиқ рангли фонда жилоланиши ҳамда қисман кўринган столнинг перспектив ҳолати асар композициясини яхлит намоён этади. Салимжонова мўйқаламига мансуб гўзал асарлар Англия, Иордания, Исроил, Ҳиндистон каби кўплаб давлатларгача етиб борган. "Қора кофе" номли натюрморти эса Англияда шахсий коллекционер томонидан сақланиб келинмоқда. Рассом устозларини ёд этар экан, Раҳим Аҳмедов кўлида олти йил таълим олганлигини фахр билан тилга олади. Рассом ижодига Ковалевская ижоди ҳам катта таъсир ўтказган. Салимжонова 70-ёшга кирган бўлишига қарамай, ҳалигачабу рассом ижодидан кўп нарса ўрганиб боради. 3. Иноғомов, М. Саидов асарларини севади. Жаҳон санъати намоёндаларидан Ван Гог ижодига ўзгача ҳурмат билан қарайди.

Бир неча йилдирки рассом қарилик гаштини сурмоқда. Шу билан биргаликда барча кўргазмаларда қатнашиб келади. Шу кунларда

Салимжонова портрет, натюрморт жанрларида кичик хажмдарасмлар ишлаб туради. "Катта композициялар ишлашга бугунги кунда имкониятим, соғлиғим ҳам йўқ. Материал топиш ҳам муаммо бўлиб қолди. Шунинг учун кичик расмлар ишлаб тураман"-дейди Лайлохон опа. Рассомнинг устахонаси Оқтепада жойлашган бўлиб, у ерда ҳозир ўғиллари ижод қилади. Лайло Салимжонованинг ижоди оиласига ҳам таъсир қилган. Буни рассомнинг ўғиллари Ахмад Бобоев ижодида яққол кўриш мумкин. Ўғиллари кўпроқ кинофольмларда рассом бўлиб ишлайди. Қизлари Лола Бобоева ҳам оналарикасбини ҳурматлаб, дизайнерлик санъатини эгаллаган. Унинг ишлари АҚШ ҳамда Париж кўргазмаларида намойиш қилинган. Салимжонованинг Санжар исмли набираси ушбу рассомлар сулоласининг давомчиси бўлиш ниятида Республика Рассомлик коллежида таҳсил олмоқда. Оила бошлиғи Бахтиёр Бобоев эса Машҳур эзбек рассомларидандир.

"Бугунги ёшларда имконият катта. Улар ишласин-да. Бизда бундай имкониятлар йўқ эди. Бугун эса ҳатто чет элларга чиқишга ҳам ёшларнинг йўли очиқ. Бироқ ёшлар ижодида ғалати йўналишларни кузатиш мумкин: гўёки улар нима ҳаёлларига келса, шуларни ишлайверишаётгандек. Музейларда ёшларни учратиш қийин. Кўргазманинг очилишида келишади, иккинчи кундан бошлаб уларни кўрмайсиз. Ёшлигимизда музейларга бориб, ранг суртмалари қандай қўйилганлигини ҳатто ҳидлаб ҳам кўрар эдик. Биз Рўзи Чориевлар билан бирга ўқиб, Раҳим Аҳмедов, Неъмат Қўзибоев каби рассомларга суянар эдик. Ижодий масалаларда улар билан маслаҳатлашар, санъат борасида кўп суҳбатлар қилар эдик. Биз бир гуруҳ эдик. Ҳозирчи, миллий рассомлар, ҳаётни кўра оладиган ижодкорлар йўқ. Ёшлар эса санъатдан кўра кўпроқ компьютер каби техникаларга берилиб кетган. Нафақат ёшларда, умуман бизнинг халқимизда тасвирий санъатга қишиқиш суст. Ахир тасвирий санъат-инсониятнинг катта бахти, у ҳаммага ҳам берилмайди",-дейди рассом куюнчақлик билан.

"Келажакда қанча умр қолган бўлса, кўзим кўрганича чизаман. Рассом бўлганимга минг шукрлар қиламан. Ҳаёт қисқа экан, имконият борида ижод қилиб қолиш керак. Рассомдан фақат ишлари қолади. Бу ишлар неча йиллар ўтса ҳам, қачондир ўз баҳосини топади. Ҳозир Уста Мўмин, Уфимцев асарларинитоп олмайсиз. Бу каби қўлда ишланган асарлар юракдан чиқади. Уларнинг баҳоси ошса-ошадики, асло камайди. Ван Гог ҳаётлигида ўз асарларини деярли бирортасини ҳам сота олмаган экан. Бироқ, бугунги кунга келиб унинг биргина асари 47 млн. долларга баҳоланиши юқоридаги гапимнинг исботидир. Рассомнинг баҳоси у ўлганидан кейин ошар экан. Лекин уни тириклигида ҳам сақлаш, ҳурмат

қилиш керак"-дея рассомнинг айтган фикр-мулохозалари ҳар қандай киши кўнглини санъатга яқинлаштиради.

Айниқса, рассомнинг қуйидаги фикри ёшларга ибрат бўлиши муқаррар: "Бугунги ёшлар музейларга боришга интилинлар. Бу ҳам катта тарбия, ҳаётни очадиган нарса."

Ҳозирги кунда Лайло Салимжонова фарзандлари, келини, набиралари қуршовида тинч, тотув ҳамда ижодий ҳаёт кечирмоқда. Асарлари эса дунё бўйлаб ўзбек санъати ва маданиятини тарғиб қилиш билан банд.

Адабиётлар: (Ўзбек тилида)

Абдуллаев А.А. санъат тарихи Т. 1991.

Апухтин О.К. Тасвирий санъат ҳақида суҳбатлар Т.1961.

Азимова Б,Ражабов Р, Абдирасилов С.

Тасвирий санъатга оид аташамарнинг изоҳли луғати Т 1994.

Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Т. 1991.

Булатов С.С.Амалий санъат қисқача луғоти. Т. 1992.

Қосимов Қ. Наққошлик Т. 1982.

Мажидов Ж. Т. сия. Мактабдан ташқари ишлар. Т. 1983.

Мажидов Ж. Мактабда тасвирий санъат бўйича ўқув тарбиявий ишларни ташкил этиш Т.1995.

Набиев М.Н, Азимова Б. Расм чизишни ўргатиш методикаси Т. 1976.

Набиев М.Н. Рангшунослик Т. 1995.

Орипов Б.Т. с. Дарснинг самарадорлигини ошириш йўллари Т. 1983й.

Тем. Н.Д. Гипс моделларининг расми Т."Ўқитувчи"1994.

Ҳасанов Р.Х. Эгамовлар. Тасвирий санъат дарсликлари 1,2,3,4 синфлар.

Ҳасанов Р.Х. Мактабда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари. Т. 1981.

Худоёрова О. Ўзбекистон мактабларида тасвирий санъат ўқитиш тарихидан Т. 1993.

Ойдинов Н. "Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар" Т. 1996.

Ойдинов Н. Рассом-ўқитувчилар тайёрлаш муоммалари. Т. 1997.

Ойдинов Н. Аждодларимиз санъати ва этиқоди. Т. 1992.

Ростолцев Н.Н. История методов обучения рисованию М.1982.

З.Эгамбердиев, Р. Хасанов ва бошқалар.

Расм чизиш ва уни ўқитиш методикаси Т. 1977.

Талинов Н. Мактабда тасвирий санъат тўғараги, Т. 1995 йил.

Адабиётлар рус тилида.

Бабанский Ю.К, Сластенин В.А, Сорокин Н.А. и др. Под ред. Бабанского Ю.К. Педагогика. М, Просвещение, 1988.

Баранов С.П, Сластенин В.А. Педагогика. М, Просвещение, 1988.

Возрастная и педагогическая психология. Под ред. Петровского А.В. М, Просвещение, 1973.

Василевский А.К. Искусство и школа. М, Просвещение, 1981.

Выготский Л.С. Психология искусства. М, 1965.

Голоболин Ф.Н. Психология. М, Просвещение, 1973.

Даниэль С.М. Искусство видеть Л., Искусство, 1990.

Дмитриева Н.А. Эстетического воспитания. М, Просвещение, 1965.

Журналы "Юный художник". №№ 7, 10 за 1985, № 2 за 1986, № 8 за 1990.

Кабалевский Д.Б. Прекрасное побуждает доброе. М, Просвещение, 1973.

Крутецкий В.А. Психология обучения и воспитания школьников. М, Просвещение, 1976.

Каретникова И.Х, Степанян Н.А. Как смотреть и понимать произведения искусств. М, Знание, 1964.

Любинская А.А. Учителю о психологии младшего школьника, М, Просвещение, 1977.

Неменский Б.М, Мудрость красоты. М, Просвещение, 1981.

Неменский Б.М. Распахни окно. М, Просвещение, 1974.

Павловский Б.В. В мире прекрасного. М, Просвещение, 1983.

Плюхин В.У. Творчество – у истоков гражданственности М, Просвещение, 1989.

